2026

Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2026 йил биринчи ярим йиллик ижроси ҳисоботи

Мундарижа

Кириш ... **4**
I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ... **5**
II. Давлат бюджети даромадларининг ижроси ... **15**
2.1. Давлат бюджетининг бошқа даромадлари ва солиқсиз тушумлари ... 22
2.2. Солиқ имтиёзлари бўйича ... 23
III. Давлат бюджетининг харажатлари ижроси ... **25**
3.1. Ижтимоий соҳа харажатлари ... 27
3.1.1. Мактабгача таълим ... 29
3.1.2. Умумий таълим ... 31
3.1.3. Кадрлар тайёрлаш ... 33
3.1.4. Маданият ва санъат соҳаси ... 41
3.1.5. Спорт соҳаси ... 48
3.1.6. Соғлиқни сақлаш соҳаси ... 54
3.1.7. Нафақа, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари ... 58
3.1.8. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш ... 61
3.2. Иқтисодиёт харажатлари ... 66
3.2.1. Қишлоқ хўжалиги соҳаси ... 67
3.2.2. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ... 72
3.2.3. Сув хўжалиги соҳаси ... 74
3.2.4. Аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ... 76
3.2.5. Экспорт ва бошқа соҳалар ... 78
IV. Давлат бюджетидан ажратилган субсидиялар ... **84**
V. Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлари ҳамда "яшил" бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш натижалари ... **87**
VI. Бюджет харажатларининг мақсадли индикаторлари ижроси ... **92**
VII. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларига республика бюджетидан ажратилган маблағларнинг биринчи ярим йиллик ижроси ... **93**
VIII. Камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг яшаш даражасини ошириш тадбирларини молиялаштириш ... **134**
IX. Ташаббусли бюджет жараёнлари ... **141**
9.1. Янги амалиётлар ... 142
9.2. Умумий натижалар ... 143
9.3. "Маҳалла бюджети" тизими доирасида амалга оширилган ишлар ... 145
X. Маҳаллий бюджетлар ижроси ... **147**
XI. Давлат мақсадли жамғармалари ижроси ... **154**
XII. Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари ... **215**
XIII. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ... **222**
XIV. Давлат-хусусий шериклик, халқаро рейтинг ва индекслар ҳамда бошқа кўрсаткичлар ва Давлат ташқи ва ички қарзи таҳлили ... **230**

Кириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар шароитида давлат молиясини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, шунингдек, макроиқтисодий ва фискал барқарорликни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада бюджет жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, бюджет маблағларининг натижадорлигини ошириш ҳамда давлат молияси устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда қабул қилинган ўрта ва узоқ муддатли стратегик мақсадларга мувофиқ иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш ҳамда инвестициявий жозибадорликни юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда Давлат бюджети муҳим ўрин тутмоқда.

Мазкур ҳисоботда 2026 йилнинг биринчи ярим йиллик якунлари бўйича мамлакат иқтисодиётининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари ижроси, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши, шунингдек давлат ташқи ва ички қарзи ҳолати тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган.

Шунингдек, ҳисоботда бюджет маблағлари ҳисобидан таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартиришга қаратилган дастурларни молиялаштириш натижалари ёритилган. Бундан ташқари, давлат харидлари тизими, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари, халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичлар ҳамда давлат молияси бошқарувини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган.

Ҳисоботда асосий эътибор Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари ижросининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан динамикасига, макроиқтисодий муҳитнинг бюджет кўрсаткичларига таъсирига ҳамда бюджет маблағларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига эришишдаги аҳамиятини баҳолашга қаратилган.

Умуман олганда, мазкур ҳисобот жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида давлат молияси соҳасида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ва мавжуд тенденцияларни ҳар томонлама баҳолаш, шунингдек бюджет тизими бюджетларининг ижроси самарадорлигини таҳлил қилиш имконини беради.

I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

Жаҳон иқтисодиётида юқори даражадаги ўзгарувчанлик ва ноаниқликлар сақланиб қолаётган шароитда ҳам мамлакатимизда изчил ва кенг кўламли ислоҳотларнинг амалга оширилиши макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлаш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган ишлар натижасида **2026** йилнинг **январь-июнь** ойларида **ялпи ички маҳсулот** *(ЯИМ)* **8,5 фоиз**га ўсиб, **1 072,7 трлн сўм**га етди.

Бунда, бозор хизматлари **16,9 фоиз**га, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш **8 фоиз**га, қурилиш ишлари **13,8 фоиз** ва қишлоқ хўжалиги **4,7 фоиз**га ўсди.

1-диаграмма. Иқтисодиёт тармоқлари ўсиш суръатлари, *фоизда*



2-диаграмма. Тармоқларнинг қўшилган қийматдаги улуши, *фоизда*






Ҳудудларни комплекс **ривожлантиришга** қаратилган давлат дастурлари доирасида амалга оширилган **кенг кўламли** ва **изчил** чора-тадбирлар ҳудудлар иқтисодиётида **ижобий динамика**ни шакллантириб, иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарор ошишига хизмат қилди. Хусусан, ҳудудларнинг ўртача ўсиш суръати **9,6 фоиз**ни *(ЯИМнинг 86,9%)* ташкил қилиб, ЯИМ ўсиш суръатининг **8,3 фоиз банд**ини таъминлади.

*ЯИМнинг шаклланишида Тошкент шаҳри **21,1** фоиз улуш билан энг катта ҳисса қўшди. Шунингдек, Навоий вилояти **10,6 фоиз** ҳамда Тошкент вилояти **9,7** фоиз кўрсаткичи билан кейинги ўринларни эгаллаган.*

Юқори ўсиш суръатлари **Тошкент** шаҳрида *(13,3%)*, **Қорақалпоғистон Республикаси** *(10,2%)*, **Самарқанд** *(9,7%)*, **Фарғона** ва **Хоразм** *(9,1%)*, **Андижон** ва **Бухоро** *(8,8%)* вилоятларида кузатилди.


3-диаграмма. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, *фоизда*




Нархлар барқарорлигини таъминлаш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилган зарурий тадбирлар натижасида **йил бошига нисбатан инфляция** даражаси **3,3 фоиз** *(2025 йилда – 4,2%)* ташкил қилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлар инфляцияси йил бошига нисбатан **2,4 фоиз**ни *(умумий инфляцияга таъсири – 0,9 фоиз банд)*, ноозиқ-овқат маҳсулотлари инфляцияси **3,9 фоиз**ни *(1,3 ф.б.)* ва хизматлар инфляцияси **4,1 фоиз**ни *(1,1 ф.б.)* ташкил этди.

4-диаграмма. Йил бошига нисбатан инфляция даражаси, *фоизда*



5-диаграмма. Инфляция даражасининг ойлик динамикаси, *фоизда*




Иқтисодиёт ўсишнинг талаб омиллари

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида аҳоли умумий даромадлари **16,6 фоиз**га *(618,3 трлн сўм),* пул ўтказмалари – **13 фоиз** *(9,3 млрд долл)*, давлат бюджет харажатлари – **18,6 фоиз** *(205,6 трлн сўм)*, иқтисодиётга кредит қўйилмалари – **13,6 фоиз** *(702,9 трлн сўм),* тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – **33,4 фоизга** *(12,4 млрд долл)* ошиши **ялпи талабни рағбатлантирувчи асосий омиллар бўлди.**

Шу билан бирга, жорий йилнинг **январь-июнь ойларида** ташқи савдо айланмаси **41 млрд долл**арни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **7,4 фоиз**га *(2025 йилнинг мос даврида – 19,7 фоиз)* **ошди**.

Маълумот учун: *Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 10 тонна олтин экспорт қилинган (2025 йилда 70 тонна).*

6-диаграмма. 2025-2026 йиллар январь-июнь ойларида ташқи савдо кўрсаткичлари, *млрд долл*



Бунда, олтинсиз экспорт кўрсаткичи **31,6 фоиз**га ошиб *(2025 йилда 22,8 фоиз)*, **14,4 млрд долларни** ташкил қилди.

Экспорт таркибида хизматлар экспортининг **35,7 фоиз**га, ҳар хил тайёр маҳсулотларнинг **1,9 баробар**га, кимё маҳсулотларининг **31,7 фоиз**га, саноат маҳсулотларининг **24,8 фоиз**га ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг **9 фоиз**га ортиши **экспортни оширувчи асосий омиллар**дан бўлди.

1-жадвал. 2026 йил январь-июнь ойларида экспорт ва импорт таркиби

№	Кўрсаткичлар	Экспорт			Импорт		
		млн долл.	ўсиш суръати, %	улуши, %да	млн долл.	ўсиш суръати, %	улуши, %да
	Жами	**15 862,3**	**91,2**	**100,0**	**25 148,9**	**121,0**	**100,0**
1	Озиқ-овқат ва тирик ҳайвонлар	1 321,6	109,0	8,3	2 821,7	144,2	11,2
2	Ичимликлар ва тамаки	127,7	138,8	0,8	184,5	121,7	0,7
3	Ноозиқ-овқат хом ашёси, ёқилғидан ташқари	150,0	110,8	0,9	757,1	112,4	3,0
4	Минерал ёқилғи, мойлаш материаллари ва шунга ўхшаш материаллар	772,8	105,6	4,9	2 229,6	119,3	8,9
5	Ҳайвон ва ўсимлик мойлари, ёғлар ва мумлар	61,5	194,4	0,4	317,1	134,8	1,3
6	Кимёвий моддалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар	1 281,1	131,7	8,1	3 031,1	116,7	12,1
7	Саноат маҳсулотлари	2 322,2	124,8	14,6	3 507,5	109,4	13,9
8	Машина ва транспорт ускуналари	632,9	132,3	4,0	8 253,3	125,1	32,8
9	Ҳар хил тайёр маҳсулотлар	1 364,5	194,9	8,6	866,3	117,7	3,4
10	Бошқа маҳсулотлар	1 629,8	24,6	10,3	222,1	190,1	0,9
11	Хизматлар	6 198,2	135,7	39,1	2 958,7	112,3	11,8


Шунингдек, ҳисобот даврида **338,9 трлн сўмлик асосий капиталга инвестициялар** ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **17,5 фоиз**га ошган.

Бунда, **марказлашган** инвестициялар ҳажми **ҳукумат кафолати** остидаги кредитларнинг **1,5 баробар**га ҳамда **бюджет** маблағларининг **1,5 баробар**га ошиши ҳисобига **40,8 трлн сўм**га етиб, ўсиш суръати қарийб **1,5 баробар**ни ташкил этди.

Марказлашмаган инвестициялар ҳажми эса **298,1 трлн сўм**ни ташкил этиб **14,1фоиз**га ўсди.


Бунда, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар **235,6 трлн сўм** *(ўсиш – 16,4%)*, аҳоли маблағлари – **19 трлн сўм** *(8,8%)*, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари **4,8 трлн сўм**ни *(14,1%)* ташкил этди.

7-диаграмма. Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг улуши, *фоизда*



Капитал қўйилмаларнинг **47,1 фоизи** саноатга йўналтирилган бўлса, хизматларга – **25,6 фоиз**, қишлоқ хўжалигига – **9,7 фоиз ва** қурилишга – **17,6 фоизи** йўналтирилди.

8-диаграмма. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг таркиби, *фоизда*



Тармоқ ва соҳалар ўсишининг таҳлили

Жорий йилнинг **январь-июнь** ойларида кузатилган юқори иқтисодий фаоллик натижасида республика товар-хомашё биржа битимлари **16,7 фоиз**га *(96,3 трлн сўм)* ўсди. Хусусан, дизель ёқилғиси *(43%),* суюлтирилган газ *(28,6%)*, цемент *(23,6%)*, пахта хомашёси *(ўсиш – 9,1 %)* **ошган**.

Шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини зарурий энергия ресурслари билан таъминлашда **электр энергияси** ишлаб чиқариш ҳажми **7,1 фоиз**га ўсиб, қарийб **45,5 млрд кВт** соатни ташкил қилди.

Қайта тикланувчи электр манбалари ҳисобидан электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 20,1 фоизга ёки 10,1 млрд кВт соатни ташкил қилиб, унинг тармоқдаги улуши 22,1 фоизга етди (2025 йилда – 19,7%).

Бунинг натижасида, **саноат маҳсулотлари** ишлаб чиқариш ҳажми **637,2 трлн сўм**ни ташкил этиб, ўсиш суръати **8 фоиз**ни ташкил этди *(2025 йилда – 6,6%)*.

9-диаграмма. Саноат тармоқлари ўсиш суръати, *фоизда*




Саноат маҳсулотлари ўсиш суръати асосан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш **12 фоиз**га, автомобилсозлик саноати **19,6 фоиз**, тўқимачилик **10,1 фоиз**, резина ва пластмасса буюмлар **20,1 фоиз** ва металл рудаларни қазиб олиш **12,5 фоиз**га каби тармоқларнинг юқори ўсиши ҳисобидан таъминланди.

10-диаграмма. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби, *фоизда*




11-диаграмма. Ҳудудлар кесимида саноат тармоғининг ўсиш суръатлари, *фоизда*



Бозор хизматлари ҳажми **664,9 трлн** сўмни, ўсиш суръати **16,9 фоиз**ни ташкил қилди *(2025 йилда – 13,3%)*.


Бунда юқори ўсиш суръатлари **молиявий** хизматлар *(ўсиш – 26,3%),* **алоқа** ва **ахборотлаштириш** *(22,1%),* **савдо** *(14,9%),* **транспорт** *(14,7%)* ҳамда **яшаш ва овқатланиш** хизматлари *(11,6%)* ошиши ҳисобига бозор хизматларининг ўсиши таъминланди.

12-диаграмма. Бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, *фоизда*



Ҳудудлар кесимида эса республика кўрсаткичидан юқори ўсиш суръатлари **Тошкент шаҳрида** *(19,4%) ва* **Навоий** *(18,9%)* вилоятида кузатилди.

13-диаграмма. Ҳудудлар кесимида кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, *фоизда*



Хизматлар соҳасини юқори ўсиш суръатларини таъминлашда қуйидагилар асосий рағбатлантирувчи омиллар бўлди:

а) Хизматлар экспорти **6,1 млрд** долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,6 млрд** долларга ёки **36,2 фоиз**га ошиши бозор хизматларини рағбатлантирувчи асосий омил бўлди. Бунда **туризм** хизматлари **56 фоиз**га *(3,3 млрд долл),* транспорт **20 фоиз**га *(2 млрд долл)* ҳамда телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари **12,8 фоиз**га *(545,3 млн долл)* ошган;

б) Чакана савдо товар айланмаси **251,8 трлн** сўмни *(ўсиш–20,2%)* ташкил этди. Жумладан, йирик корхоналарнинг савдо товар айланмаси **49,6 трлн** сўмни *(30%)*, кичик тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси эса **173,3 трлн** сўмни *(16%)* ташкил этиши;

в) 2026 йилнинг январь-июнь ойларида республикага **6,6 млн** нафар **хорижий сайёҳлар** ташриф буюриб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври *(1,3 млн нафар кўп)* билан солиштирилганда **24,9 фоиз**га **ошган**;


г) Жами **103,9 трлн сўм**лик транспорт хизматлари кўрсатилиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **14,7 фоиз**га кўп. 2026 йилнинг январь-июнь ойларида барча транспорт турлари орқали жами **3,8 млрд нафар йўловчи** *(ўсиш – 6%)* ҳамда **821,1 млн тн** (4,9%) юк ташилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **271 трлн** сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **4,7 фоиз**га ўсди.

Бунда, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда хизмат кўрсатиш - **4,5 фоиз**, ўрмон хўжалиги - **6,6 фоиз** ва балиқчилик - **35,6 фоиз**га ошди.


Маълумот учун: *жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 94 фоизини деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик соҳалари, 5,3 фоизини ўрмон хўжалиги ва 0,7 фоизини балиқчилик маҳсулотлари ташкил этади.*

14-диаграмма. Қишлоқ хўжалигини ўсиш суръати, *фоизда*



Ҳудудлар кесимида **Қорақалпоғистон** Республикаси (*ўсиш –6,2%*), **Жиззах** (*5,5%*), **Қашқадарё** *(5,4%) ва* **Наманган** *(4,9%)* вилоятларида ўсиш республика кўрсаткичидан *(4,7%)* юқори ўсиш кузатилган.

15-диаграмма. Ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалигининг ўсиш суръати, *фоизда*




Қишлоқ хўжалиги тармоғининг ўсишининг асосий омиллари сифатида деҳқончиликда жами **106,2 трлн** сўмлик ва чорвачиликда **144,6 трлн** сўмлик маҳсулотлар етиштирилиши ҳисобига таъминланган.

2026 йилнинг январь–июнь ойларида жами **192 трлн** сўмлик **қурилиш ишлари** бажарилди *(ўсиш – 13,8%)*.

Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари **юқори ўсиш** суръатлари **Қорақалпоғистон Республикаси** *(1,4 баробар),* **Самарқанд** *(1,4 баробар),* **Навоий** *(ўсиш - 28,3%),* **Хоразм** *(23,3%)*, **Фарғона** *(22,7%),* **Жиззах** *(19,9%),* **Андижон** *(19,7%),* **Қашқадарё** *(19,4%)* ва **Бухоро** *(16,2%)* вилоятларида кузатилди.

16-диаграмма. Ҳудудларда қурилиш ишларининг ўсиш суръатлари, *фоизда*




II. Давлат бюджети даромадларининг ижроси

2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида **Давлат бюджети даромадлари 207,4 трлн сўм**ни ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **63,2 трлн сўм**га (+43,8 %) кўп бўлди. Жумладан:

– **Солиқ қўмитаси** томонидан **149,4 трлн сўм** (жами тушумга нисбатан 72%);

– **Божхона қўмитаси** томонидан **40,9 трлн сўм** (жами тушумга нисбатан 19,7%, шундан ҚҚС бўйича ўзаро ҳисобга олинган сумма 1,5 трлн сўм) шакллантирилди.

17-диаграмма. 2024-2026-йилларнинг биринчи ярим йиллиги бўйича Давлат бюджети даромадлари динамикаси, *трлн сўм*




Маҳаллий бюджетларда 2026 йил биринчи ярим йиллигида жами **6,2 трлн сўм** *(ўтказиб бериладиган даромад билан бирга)* **қўшимча даромад** шаклланди.

Жумладан, **Тошкент шаҳри** 1,9 трлн сўм, **Тошкент вилояти** 607 млрд сўм, **Фарғона вилояти** 522 млрд сўм, **Самарқанд вилояти** 470 млрд сўм, **Қашқадарё вилояти** 466 млрд сўм, **Бухоро вилояти** 412 млрд сўм.

2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджети даромадлари таркибида **бевосита** солиқлар **37,1 фоиз**ни, **билвосита** солиқлар **29,7 фоиз**ни, **ресурс солиқлари 14 фоиз**ни ва **бошқа даромадлар 19,2 фоиз**ни ташкил қилди.

18-диаграмма. 2025-2026-йилларнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджети даромадлари тузилмаси



2-жадвал. Солиқ тўловчилар сонининг ўзгариш динамикаси, *нафар**


Кўрсаткичлар номи	01.01.2026 йил ҳолатига	01.07.2026 йил ҳолатига	Ўсиш % да
1. Асосий солиқ турлари бўйича тўловчилар сони			
Фойда солиғи	210 002	225 418	7,3%
Қўшилган қиймат солиғи	252 418	270 695	7,2%
Акциз солиғи, жами	5 273	5 316	0,8%
Ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ	1 659	1 659	0,0%
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	145 911	145 911	0,0%
Юридик шахслар мол-мулк солиги*	78 356	80 512	2,8%
Юридик шахслар ер солиги*	186 331	195 047	4,7%
2. Солиқ тўловчи жисмоний шахслар			
Даромад солиғи *(қатъий белгиланган даромад солиғи тўловчилардан ташқари)*	5 817 084	6 121 284	5,2%
Мол-мулк солиғи	7 007 239	7 071 467	0,9%
Ер солиғи	5 929 796	5 967 029	0,6%

**) Солиқ қўмитасининг 2026 йил 28 июлдаги 07-99827-сонли хати бўйича тақдим этилган маълумотга асосан.*

***) Қатъий белгиланган даромад солиқ тўловчилари айланмасидан келиб чиқиб 1 фоизлик тўловга ўтганлиги сабабли чиқариб ташланди.*

Бевосита солиқлар бўйича жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида давлат бюджетига жами **77 трлн сўм** келиб тушди, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **33 трлн сўм**га ёки **75,1 фоиз**га кўп бўлди.

19-диаграмма. Бевосита солиқлар таркиби, *трлн сўм*



Фойда солиғи бўйича тушумлар стратегик товарлар бўйича нархлар ошиши ҳисобига қўшимча тушумларни (**14 трлн сўм**) инобатга олган ҳолда **50,5 трлн сўм**ни ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан тушумлар **30,2 трлн сўм**га ёки **2,5 баробар**га кўп бўлди.

Шу билан бирга, **махсус рента солиғи** бўйича тушумлар **1,6 трлн сўм**ни ташкил этди.

Харажатларни оптималлаштириш ҳамда таннархни қисқартириш йўналишида амалга оширилаётган ишлар ҳисобига **4,6 трлн сўм** қўшимча фойда солиғи ундирилди.


Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида **айланмадан олинадиган солиқ бўйича** тушумлар **1,3 трлн сўм**ни ташкил этди ва 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **234,5 млрд сўм**га ёки **15,1 фоизга** пасайган.

Тушум камайишининг асосий сабаби жорий йилдан бошлаб қатъий белгиланган суммада тўловчи солиқ тўловчилар учун солиқ ставкасининг бекор бўлиши ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини-ўзи банд қилган шахсларга солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорида белгиланди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумлари 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида **23,6 трлн сўм**ни *(2025 йилнинг мос даврига нисбатан **3,7 трлн сўм**га ёки **18,5 % га** ошди)* ташкил этди.

Билвосита солиқлар бўйича тушумлар **61,6 трлн сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **10,3 трлн сўм**га ёки **20 фоизга** кўп бўлди.

20-диаграмма. Билвосита солиқлар таркиби, *трлн сўм*



2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида **қўшилган қиймат солиғи** тушумлари **43,5 трлн сўм**ни ташкил қилди, бу 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **7,6 трлн сўм**га ёки **21,3 фоиз**га кўпдир.

Маълумот учун, ҳисобот даврида ҚҚС ялпи тушумлари (ўзаро ҳисобга олинган сумма билан биргаликда) 55,6 трлн сўмни ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 16 % га ошган.

Солиқ органлари томонидан **25,3 трлн сўм** *(2025 йилнинг мос даврига нисбатан 18,1 фоизга кўп),* божхона органлари томонидан **30,4 трлн сўм** *(шундан ўзаро ҳисобга олинган 1,5 трлн сўм)* ҚҚС бўйича тушумлар ундирилиши таъминланди.


Жорий йилнинг 1 январь ойидан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари реализацияси учун ҚҚСнинг «ноль» ставкаси жорий қилинди ва бунинг натижасида **795,6 млрд сўм** маблағ қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ихтиёрида қолдирилди.

ҚҚС занжири узлуксизлигини таъминлаш, солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш ҳисобига тенг рақобат муҳитини яратиш ҳамда қўшилган қиймат солиғини йиғиш ҳамда ҚҚС салбий суммаси ўрнини қоплаб бериш маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чоралар ҚҚС самарадорлигини ошириш имконини берди.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва уларни чакана сотиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига улар томонидан ҳисобот даврида тўланган қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш тизими жорий этилиши натижасида **306 та** тадбиркорлик субъектига **21,7 млрд сўмлик** ҚҚС суммалари қайтарилди.

Шунингдек, 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан ҚҚС бўйича тушумларнинг ўсиши иқтисодий фаолликнинг ошиши, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштирилиши билан бир қаторда, солиқ тўловчилар сонининг ортиб бориши билан шартланади.

21-диаграмма. 2025-2026-йилларнинг биринчи ярим йиллигида қўшилган қиймат солиғи динамикаси



ҚҚСдан манфий фарқни қоплаш учун 2026 йил биринчи ярим йиллиги давомида солиқ тўловчиларга **12,1** трлн сўм миқдорида қўшилган қиймат солиғи суммаси қайтарилди *(ялпи ҚҚС тушумларига нисбатан 21,8%)*. Солиштириш учун, 2025 йилнинг мос даврида ҳам ушбу мақсадларда жами **12,1** трлн сўм *(ялпи ҚҚС тушумларига нисбатан 25,2%)* маблағлар солиқ тўловчиларга қайтарилган.

Ҳисобот даври якунида қўшилган қиймат солиғи тўловчилар сони 270,7 мингтани ташкил этиб, жорий йил 1 январь ҳолатига нисбатан 18,3 минг тага ёки 7,2 фоизга ошди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида **акциз солиғи** тушумлари **11,4 трлн сўм**ни ташкил этди, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **1,3 трлн сўм**га ёки **12,6 фоизга** ошди.

Солиқ органлари томонидан йиғилган акциз солиғи тушумлари **10,2 трлн сўм**ни ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **895,3 млрд сўм**га ёки **9,6 фоиз**га ошди.

Божхона органлари маъмурчилигида акциз солиғи тушумлари **1,2 трлн сўм**ни ташкил этди ҳамда 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **378,3 млрд сўм**га ёки **46,7 фоиз**га ошган.

Акциз солиғи тушумлари 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида қуйидагича кўринишда бўлди:

– алкоголь маҳсулотлари *(пиво маҳсулотлари билан бирга)* – 1,2 трлн сўм *(2025 йилнинг мос даврида – 1,1 трлн сўм)*;

– тамаки маҳсулотлари – 1,7 трлн сўм *(1,4 трлн сўм)*;

– нефть маҳсулотлари – 301,7 млрд сўм *(245,4 млрд сўм)*;

– табиий газ – 3,4 трлн сўм *(3,3 трлн сўм)*;

– шакарли ва энергетик ичимликлар – 647,9 млрд сўм *(509,3 млрд сўм);*

– полиетилен грануласи – 106,2 млрд сўм *(97 млрд сўм)*;

– бензин, дизель ёқилғиси ва газни охирги истеъмолчига реализация қилишдаги акциз солиғи – 2,8 трлн сўм *(2,5 трлн сўм);*

– чипс – 8 млрд сўм *(2026 йилдан бошлаб)*.

Давлат бюджети даромадларининг барқарорлигини таъминлаш, соғлиқни сақлашга салбий таъсир кўрсатувчи маҳсулотлар истеъмолини чеклаш ҳамда бюджет йўқотишларининг олдини олиш мақсадида, ҳар йили тамаки ва алкоголь маҳсулотларига нисбатан акциз солиғи ставкалари камида йиллик инфляция даражасида индексация қилинмоқда.

Шу жумладан, 2026 йилда ҳам тамаки, алкоголь, нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарларга акциз солиғи ставкаси оширилди.

Шунингдек, акциз маркалари ва электрон назорат тизимлари орқали ноқонуний айланишга қарши кураш кучайтирилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида, акциз солиғидан тушган тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ошди.

Божхона божи. 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида божхона божи тушуми **6,7 трлн сўм**ни ташкил этди ёки 2025 йилнинг мос даври билан солиштирганда **1,4 трлн сўм**га ёки **25,3 фоиз**га ошди.

Божхона даромадларининг ошиши асосан айрим божхона имтиёзларининг амал қилиш муддатининг тугаши, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, расмийлаштирув жараёнининг тезлашиши ва божхона маъмуриятчилигининг янги усулларини жорий этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар билан боғлиқ.

Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг харид қобилиятини мустаҳкамлаш, асосий турдаги озиқ-овқат ва истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни таъминлашга қаратилган фармонларда кўзда тутилган, айрим товарлар импортида тақдим этилган божхона тўловлари бўйича имтиёзлар муддатининг узайтирилиши эвазига 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида **4 трлн сўм** маблағ тадбиркорлар ихтиёрида қолдирилди.

Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича умумий тушумлар **29,1 трлн сўм**ни ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **9,5 трлн сўм**га ёки **48,7 фоиз**га ошди.

Ҳисобот даврида, ресурс солиқлари бўйича даромадларнинг асосий улуши, яъни **59,8 фоиз**и **ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа** тўғри келади.


Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан **7,1 трлн сўм**га ошди (+68,5%) ва **17,4 трлн сўм**ни ташкил этди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида **мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича** тушумлар **11,1 трлн сўм**ни ташкил этди.

Мол-мулк солиғи бўйича тушумлар **4,9 трлн сўм**ни ташкил этди ва 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **754,4 млрд сўм**га ёки **18,4 фоиз** га ошди.

Ер солиғи бўйича тушумлар **6,3 трлн сўм**ни ташкил этиб, 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан **1,5 трлн сўм**га ёки **31,6 фоиз**га кўп бўлди.

22-диаграмма. 2025-2026-йилларнинг биринчи ярим йиллигида ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи динамикаси, *трлн сўм*



Тушумлар ўсишига қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатди:

- солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотларнинг 1 кв. метр учун белгиланган мутлақ миқдорини ҳамда 2025 йилда амалда бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун базавий солиқ ставкаларини ўртача 7 фоизга индексация қилиниши;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан базавий ер солиғи ставкаларига камайтирувчи ва ошириш коэффициентларини қўлланилиши.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкасига нисбатан оширувчи коэффициентларни қўлланилиши ва ставканинг индексация қилиниши ҳисобига солиқ ставкаси 2025 йилга нисбатан ўртача 20 фоизга ошди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида **сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича** тушумлар **582,6 млрд сўм**ни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **200,9 млрд сўм**га ёки **52,6 фоизга** ошди.

Сув солиғидан тушумларнинг ошишига асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

- саноат корхоналари, электр станциялари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун сарфланган сув ҳажми бўйича ўртача **7 фоизга** индексация қилинганлиги;

- қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқ етиштириш учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича сув ўлчагичларисиз анъанавий усулда суғоришда **107 сўм** солиқ ставкасига **1,1 оширувчи** коэффициентларни қўлланилиши;

- сув солиғига маҳаллий кенгашлар томонидан **0,7 дан 1,5 гача** бўлган оширувчи ва камайтирувчи коэффициентларни (қишлоқ хўжалиги, коммунал ва электр станциялар учун белгиланган солиқ ставкалари бундан мустасно) қўлланилиши.

2.1. Давлат бюджетининг бошқа даромадлари ва солиқсиз тушумлари

Ҳисобот даврида бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тўловлар бўйича тушумлар **39,7 трлн сўм**ни *(2025 йилнинг мос даврига нисбатан 10,4 трлн сўм ёки 35,3 % га кўп)* ташкил этди. Тушумларнинг асосий қисми давлат улушига эга корхоналар томонидан тўланадиган дивидендлар ҳисобига тўғри келди ва **26 трлн сўм**ни ташкил этди.

Қолган даромадлар, қуйидагиларни ўз ичига олади:

– давлат активларини хусусийлаштиришдан маҳаллий бюджетларга тушумлар – 1,2 трлн сўм;

– давлат божи – 1,5 трлн сўм;

– жарималар – 1,4 трлн сўм;

– йиғимлар – 944,7 млрд сўм.


2.2. Солиқ имтиёзлари бўйича

Солиқ қўмитаси маълумотларига кўра, ҳисобот даврида солиқ имтиёзлари суммаси **80 трлн сўм**ни, Солиқ кодексига мувофиқ **53,6 трлн сўм**ни (**66,9%**) ташкил қилди.

3-жадвал. 2026 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида солиқ турлари кесимида фойдаланилган солиқ имтиёзлари, *млрд сўм*

Т/Р	Солиқ тури	Солиқ имтиёзлари фойдаланилган		*Улуши, %*
		ҳолатлар сони	суммаси	
Жами		**193 970**	**80 022,8**	**100%**
1	Қўшилган қиймат солиғи	24 380	63 696,0	79,6%
2	Фойда солиғи	34 406	8 140,9	10,2%
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (солиқ агентлари)	31 601	906,1	1,1%
4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	346	10,4	0,01%
5	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	13 584	2 257,0	2,8%
6	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	16 254	2 889,8	3,6%
7	Ижтимоий солиқ	41 226	2 014,8	2,5%
8	Айланмадан олинадиган солиқ	32 173	107,8	0,1%

23-диаграмма. 2026 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида фойдаланилган солиқ имтиёзларида солиқ турлари улуши



Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида солиқ имтиёзлари умумий ҳажмининг **63,7 трлн сўм** ёки 79,6 фоизи ҚҚС ҳисобига тўғри келди *(шундан 26,4 трлн сўм ҚҚСдан ноль даражали ставка ҳисобига тўғри келади)*.


Фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзлари **8,1 трлн сўм**ни (10,2%) ташкил қилди.

Шу билан бирга, солиқ имтиёзлари умумий ҳажмида юридик шахслардан олинадиган ер солиғи **2,9 трлн сўмни** (3,6%) ташкил қилди.

III. Давлат бюджетининг харажатлари ижроси


Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида **Давлат бюджетининг харажатлари** *(давлат мақсадли жамғармаларига ўтказилган трансфертлар билан бирга)* **205,6 трлн сўмни** ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **32,3 трлн сўмга** ёки **18,6 фоизга** ўсди.

24-диаграмма. 2024–2026 йиллар биринчи ярим йиллик Давлат бюджети харажатлари ижроси, *млрд сўм*



Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджетидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда ягона ижтимоий солиқ тўловлари учун **101,4 трлн сўм** маблағ ажратилди. Бунда, **83,8 трлн сўм** иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга ҳамда **17,6 трлн сўм** ижтимоий солиқ тўловларига йўналтирилган.

25-диаграмма. Давлат бюджетидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда ягона ижтимоий солиқ тўловлари, *трлн сўм*



4-жадвал. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг 2026 йил биринчи ярим йиллик ижроси

Т/р	Кўрсаткичлар	Режа	Ижро	Фарқ	
				Сумма	Фоиз
	ЖАМИ*	**212 041,0**	**205 582,6**	**6 458,4**	**97,0%**
	шундан, марказлашган инвестиция харажатлари	***10 947,0***	***9 696,1***	***1 250,9***	***88,6%***
1.	**Ижтимоий харажатлар**	**109 773,8**	**105 834,2**	**3 939,6**	**96,4%**
	шундан:				
1.1	таълим	51 850,1	49 538,6	2 311,5	95,5%
1.1.1	мактабгача таълим	9 691,2	9 209,3	481,9	95,0%
1.1.2	умумий таълим	35 077,6	34 026,0	1 051,6	97,0%
1.1.3	кадрлар тайёрлаш	7 081,3	6 303,2	778,1	89,0%
1.2	соғлиқни сақлаш	23 652,5	22 731,0	921,5	96,1%
1.3	маданият ва спорт	4 885,4	4 657,4	228,1	95,3%
1.4	фан	1 290,1	1 101,7	188,5	85,4%
1.5	нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари	7 518,6	7 295,7	223,0	97,0%
1.6	аҳоли бандлиги даражасини ошириш	183,5	183,5	0,0	100,0%
1.7	аҳолига паст тарифларни қўлланиши ҳисобига давлат корхоналарига етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ харажатлари	6 898,5	6 863,0	35,6	99,5%
1.8.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига трансфертлар	12 150,0	12 150,0	0,0	100,0%
1.9.	аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун харажатлар	827,4	815,0	12,4	98,5%
2.	**Иқтисодиёт харажатлари**	**33 825,2**	**31 617,6**	**2 207,6**	**93,5%**
	шундан:				
2.1	сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари	5 081,5	4 878,5	203,0	96,0%
2.2	геология қидирув ишлари	290,0	290,0	0,0	100,0%

Т/р	Кўрсаткичлар	Режа	Ижро	Фарқ	
				Сумма	Фоиз
2.3	аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш	3 753,9	3 349,9	404,0	89,2%
2.4	табиатни муҳофаза қилиш	139,0	119,5	19,6	85,9%
2.5	ташаббусли бюджет	2 986,9	3 233,4	-246,5	108,3%
2.6	маҳалла бюджети жамғармаси	270,2	249,5	20,7	92,4%
3.	**Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари**	**11 262,1**	**10 679,8**	**582,3**	**94,8%**
4.	**Суд органларини сақлаш харажатлари**	**1 019,2**	**1 000,5**	**18,6**	**98,2%**
5.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари**	**1 520,9**	**1 355,9**	**165,0**	**89,1%**
6.	**Давлат томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш харажатлари**	**795,5**	**790,6**	**4,9**	**99,4%**
7.	**Давлат қарзларига хизмат кўрсатиш ва қоплаш харажатлари**	**10 431,8**	**10 404,7**	**27,1**	**99,7%**
8.	**Бошқа харажатлар**	**43 412,6**	**43 899,3**	**-486,7**	**101,1%**

*Изоҳ: * - Давлат мақсадли жамғармаларига ўтказилган трансфертлар инобатга олинган*


3.1. Ижтимоий соҳа харажатлари

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлардан бири ижтимоий соҳага эътибор кучайиб бормоқда. Буни давлат бюджетидан ушбу соҳага ажратилаётган маблағлар ҳажми ошиб боришидан ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий харажатлар учун Давлат бюджетидан **105,8 трлн сўм** ёки 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **8,5 трлн сўмга** ёки **8,7 фоиз** кўп маблағ ажратилди.

Ҳисобот даврида **Давлат бюджети** харажатларининг таркибида **ижтимоий соҳа** харажатларининг улуши **51,5 фоизни** ташкил этган.


Бундай динамика давлатнинг аҳоли турмуш даражасини ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва бошқа ижтимоий хизматлар сифатини яхшилашга устувор аҳамият қаратилаётганидан далолат беради.

26-диаграмма. Давлат бюджетидан 2024-2026 йиллар Ижтимоий соҳа харажатлари учун ажратилган маблағлар, *млрд сўм*



Ижтимоий харажатларнинг ортиши, аввало, аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва фаровонлигини таъминлаш, реал даромадларини ошириш ҳамда таълим ва соғлиқни сақлаш хизматлари сифатини яхшилашга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, инсон капиталининг ривожланиши, ижтимоий адолат ва тенг имкониятларни таъминлаш орқали узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам замин яратади.

27-диаграмма. Ижтимоий соҳа харажатлари таркиби, *млрд сўм*



Хусусан, **таълим тизими муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантириш харажатларига** Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар миқдори ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **5,4 трлн сўмга** ёки **12,4 фоизга** ошиб, **49,5 трлн сўмни** ташкил этди.

28-диаграмма. Таълим соҳаси харажатлари таркиби, *млрд сўм*




Таълим соҳасига амалга оширилган харажатларнинг **68,7 фоизи** умумий таълимга, **18,6 фоизи** мактабгача таълимга ва **12,7 фоизи** кадрлар тайёрлашга йўналтирилди.

3.1.1. Мактабгача таълим

Ҳисобот даврида **мактабгача таълим тизимига** жами **9,2 трлн сўм** ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,1 трлн сўм** кўп маблағ ажратилди. Шундан, республика бюджетидан **4,6 трлн сўм** ҳамда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан **4,6 трлн сўм** маблағ ажратилган.

29-диаграмма. Мактабгача таълим соҳасига ажратилган маблағлар, *млрд сўм*



Шу жумладан:

– иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари учун – **3 651,4 млрд сўм;**

– ягона ижтимоий тўловлари учун – **921,5 млрд сўм**;

– давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган мактабгача таълим муассасаларига бюджет субсидиялари учун – **2 020,3 млрд сўм;**


– озиқ-овқат харажатлари учун – **1 457,9 млрд сўм** йўналтирилган.

30-диаграмма. Мактабгача таълимга ажратилган маблағлар харажатлар кесимида



2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат-хусусий шерикчилиги асосида ташкил этилган мактабгача таълим муассасаларига субсидиялар учун **2 020,3 млрд сўм** ёки 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **176,5 млрд сўм** кўп маблағ йўналтирилди.

31-диаграмма. ДХШ шаклидаги мактабгача таълим муассасаларига субсидиялар, *млрд сўм*



Мактабгача таълим муассасаларида ҳисобот даврида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилган ишлар

Ҳисобот даврида таълимнинг бошланғич бўғини ҳисобланган мактабгача таълим муассасаларида қулай шароит яратиш мақсадида, жами

150 та мактабгача таълим муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун **406,4 млрд сўм** молиялаштирилди.

Жорий йилда дастур доирасида 150 та муассасалар фойдаланишга топширилиши натижасида **15 930 ўринли** янги бинолар қурилиши, реконструкция қилиниши натижасида **1 770 ўринли** биноларнинг ҳолати яхшиланади, **4 800 ўрин қувватига эга** мавжуд объектлар мукаммал таъмирланиши режалаштирилган.

Шунингдек, 2026 йил дастур доирасида ажратилган маблағлар ҳисобига **148 та** мактабгача таълим муассасалари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.


3.1.2. Умумий таълим

Сўнгги йилларда **мактаб таълими** сифатини ошириш, таълим муассасаларидаги шарт-шароитларни яхшилаш, замонавий ўқув муҳитини шакллантириш ҳамда аҳоли сони ва таълимга бўлган талабдан келиб чиқиб, қўшимча ўқув ўринларини яратиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида, **умумтаълим соҳасига** 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида **34 трлн сўм** ёки 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **3,2 трлн сўм** кўп маблағ ажратилди.

Бунда, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун **24,2 трлн сўм,** ягона ижтимоий тўлов харажатларига **6,1 трлн сўм,** бошқа харажатларга **3,7 трлн сўм** маблағ ажратилди.

32-диаграмма. 2024-2026 йилларда умумтаълим соҳасига ажратилган маблағлар, *млрд сўм*




Ўз навбатида соҳага ажратилаётган маблағларнинг йилдан йилга ўсиб боришига ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларининг ошириб борилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Республика бўйича умумтаълим мактаблари сони 2026 йилда **10 551 тани** ташкил этмоқда.

Ўз навбатида, умумтаълим мактабларида таълим олаётган ўқувчилар сони 2026 йил биринчи ярим йиллиги якунида **6 578,2 мингта** бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **31 346 тага** кўпайган.

Шу билан бирга, педагог ходимлар сони ҳисобот даврида **538,2 мингтани** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **11,5 мингтага** кўпайган.

33-диаграмма. Умумтаълим мактабларида таълим олаётган ўқувчилар ва мактаблар сони



2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида таълим соҳасида ривожлантириш дастурлари бўйича бажарилган ишлар:

- умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш билан боғлиқ харажатлар учун **10,4 млрд сўм**;
- таълим соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш учун **125 млрд сўм**;
- Мактабгача ва мактаб таълими вазири жамғармаси маблағларини шакллантириш учун **11 млрд сўм**;
- Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги муассасаларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш учун **3,4 млрд сўм**;
- умумтаълим мактабларига жалб қилинган 377 та хорижий тил ўқитувчилари учун **206,7 млрд сўм**;

- Болалар учун мўлжалланган миллий контентлар яратиш ва уларни оммалаштиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари учун **60 млрд сўм;**
- «Келажак» марказларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси учун **16,6 млрд сўм** маблағлар йўналтирилди.

Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 14 июндаги 365-сонли қарорига асосан давлат умумий ўрта таълим ташкилотларида айрим тоифадаги ўқувчиларни қўшимча таълимга жалб қилиш бўйича январь-июнь ойлари давомида **95,4 млрд сўм** маблағлар ажратилди.

Умумий таълим муассасаларида 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилган ишлар

а) умумтаълим мактаблари бўйича:

Дастур доирасида **434 та** умумтаълим мактабларида қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари учун **1 893,7 млрд сўм** молиялаштирилди.

Дастур доирасида жорий йилда ажратилган маблағлар ҳисобига **130 381 ўқувчи ўрни** яратилиши, **7 484 ўқув ўрин**ли мавжуд биноларни реконструкция қилиниши, **89 585** ўқув ўринли бинолар мукаммал таъмирланиши ҳамда мазкур умумтаълим мактаблари учун **66 та янги спортзаллар** қурилиши режалаштирилган.

б) ижод ва ихтисослашган мактаблар бўйича:

Дастур доирасида **14 та** ижод ва ихтисослашган мактабларда қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилиб январь-июнь ойларида **165,5 млрд сўм** маблағ молиялаштирилди.

Дастур доирасида 2026 йилда **3 048 ўқувчи ўрни** ва **935 ётоқ ўрни** яратилиши, **696 ўқув ўринли** бинолар мукаммал таъмирланиши, мазкур мактаблар учун **8 та** янги спортзал қуриш, шунингдек ушбу объектларнинг **8 таси** жорий йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

3.1.3. Кадрлар тайёрлаш

Ҳисобот даврида Давлат бюджетидан **Кадрлар тайёрлаш** соҳасига **6,3 трлн сўм** ёки таълим соҳаси харажатларининг 12,7 фоизи йўналтирилди.

Кадрлар тайёрлаш бўйича амалга оширилган харажатларнинг **33,3 фоизи** ёки **2,1 трлн сўм** қисми **ўрта махсус ва касбий таълим** муассасаларини сақлаш ҳамда ушбу йўналишларда таълим олувчиларга қулай шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш учун сарфланди.


Шундан, ўрта махсус ва касбий таълим муассасаларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган ҳамда ижтимоий солиқ тўловлари учун **1,1 трлн сўм,** бошқа харажатлар учун қарийб **1 трлн сўм** маблағ ажратилди.

5-жадвал. 2024–2026 йил биринчи ярим йиллигида ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларига ажратилган маблағлар, *млрд сўм*

Йўналишлар	2024 йил 6 ойлик	2025 йил 6 ойлик	2026 йил 6 ойлик	2025 йилга нисбатан ўсиш (%)
Жами	**1 575,3**	**1 737,7**	**2 101,4**	**120,9**
Академик лицейлар	193,1	223,7	268,2	119,9
Коллежлар	315,3	304,7	293,8	96,4
Техникумлар	1 066,9	1 209,3	1 539,4	127,3

Изоҳ: Касб-ҳунар мактаблари 2025 йил 1 январдан тугатилганлиги сабабли 2024 йилда уларнинг харажатлари Техникумлар харажатларига қўшилган.

34-диаграмма. Ўрта махсус ва касбий таълим ташкилотлари сони



Ўрта махсус ва касбий таълим соҳасини ривожланиши ва ўқувчиларни ҳамда таълим берувчи ўқитувчиларни рағбатлантириш борасида кўплаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинмоқда.

Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6208-сон Фармонига мувофиқ профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олаётган “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга улар ишлаб-чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўтаган вақтида, бироқ олти ойдан кўп бўлмаган муддатда профессионал таълим ташкилотлари томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки

баравари миқдорида ҳар ойлик субсидия ажратиш белгиланиб, ушбу харажатларни амалга ошириш учун **0,5 млрд сўм** миқдоридаги маблағлар кўзда тутилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги “Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармонига асосан ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Касбий таълимни ривожлантириш жамғармаси** ташкил этилиб, касбий таълим соҳасини ривожлантириш мақсадида давлат бюджети ҳисобидан ҳисобот даврида **50 млрд сўм** маблағлар йўналтирилди.

Бундан ташқари, мазкур Фармонга асосан 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб **14 та техникумда** халқаро таълим дастурларини жорий қилиш белгиланган бўлиб, ушбу тадбирларни амалга ошириш учун давлат бюджети ҳисобидан **116,1 млрд сўм** маблағ ажратилди.

Олий таълим соҳаси

Кадрлар тайёрлаш соҳасининг яна бир қисми бўлган **олий таълим муассасаларини сақлаш** харажатлари учун ҳисобот даврида **3,6 трлн сўм** харажатлар амалга оширилди. Ушбу маблағларнинг қарийб **2,2 трлн сўми** иш ҳақи ва ижтимоий солиқ тўловларига, стипендия тўловларига **936,7 млрд сўм** ва **474,7 млрд сўм** эса бошқа харажатлар учун йўналтирилди.

35-диаграмма. Олий таълим муассасаларини сақлаш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, *млрд сўм*



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-390-сон Қарорига мувофиқ, 2026 йилдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ходимлари сонини босқичма-босқич ошириш режаси тасдиқланиб, унга кўра 2026 йилда Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ходимлари сонини **140 нафар**га ошириш;

Фанлар академиясининг Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи методик маркази, Халқаро молекуляр аллергология маркази раҳбар ва илмий ходимларининг иш ҳақлари илмий муассасаларнинг раҳбар ва илмий ходимлари базавий лавозим маошларига тенглаштириш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 13 мартдаги “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-40-сонли Фармонига мувофиқ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази негизида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси ташкил этилди. Унга кўра, Қишлоқ хўжалигида илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиб, мазкур жамғармага хар йили Республика бюджетидан **50 млрд сўм** маблағ йўналтириш белгиланди. Шу билан бирга, Академиянинг фахрий профессорлари ва академикларини рағбатлантириш тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 25 мартдаги “Эко-маданият” умуммиллий лойиҳаси доирасида экологик таълим, илм-фан ва тарғиботни жадаллаштиришга оид комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-110-сонли қарорига мувофиқ Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетига (Green University) қабул қилиш бўйича 2026-2027 ўқув йили қабул мавсумига бакалавриат ва магистратура дастурлари бўйича кадр тайёрлаш учун Марказий Осиё ва бошқа хорижий давлатлар фуқароларига йилига камида қўшимча **давлат гранти бўйича 50 та квота** ажратилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 26 майдаги “Янги авлод илмий кадрларини тайёрлаш ва уларни аттестация қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-98-сон Фармонига мувофиқ:


– устувор илмий ихтисосликларга қабул қилинган докторантларга базавий стипендиянинг **1,7 баравари** миқдорида оширилган стипендия тўловлари тўлаш жорий этилди;

– Хирш индекси бўйича илмий раҳбарларга кўрсаткичларига қараб меҳнатга ҳақ тўлашнинг 40 ва 80 бараваригача рағбатлантириш;

– Олий аттестация комиссияси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари ва моддий рағбатлантириш шартлари бўйича Фанлар академияси бошқарув аппарати ходимларига тенглаштирилди.

2017–2025 йилларда олий таълим тизими жадал кенгайиб, институционал ва миқдорий ўсиш кузатилди. Олий таълим муассасалари сони 77 тадан 207 тага етди *(2,7 баробар ўсиш)*. Айниқса, нодавлат ва хорижий таълим муассасалари улуши ортиб, таълим бозорида рақобат муҳити шаклланмоқда.

36-диаграмма. Олий таълим муассасалари сони



Ёшларнинг олий таълим билан қамров даражаси тўрт баравардан кўпроққа ошиб, ушбу кўрсаткич 2016 йилдаги **9 фоиздан 44 фоизга** етказилди. Талабалар сони **1 миллион 600 минг нафар**дан ортди.

6-жадвал. Олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар сони

Кўрсаткич	Жами талаба сони	шундан	
		Бакалавр	Магистратура
Талабалар сони	**1 629 469**	**1 568 972**	**60 497**
шундан			
Давлат ОТМлари	955 776	917 434	38 342
Нодавлат ОТМлари	633 054	615 726	17 328
Хорижий ОТМ филиаллари	40 639	35 812	4 827

Ҳурматли Президентимизнинг ташаббуслари билан сўнгги йилларда Республика олий таълим муассасаларида талабаларни **турар жой билан таъминлаш** даражасини яхшилаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат олий таълим муассасалари талабаларини турар жой билан таъминлаш мақсадида тизимли ишлар йўлга қўйилган ва ушбу мақсадлар учун тегишли тартибда Давлат бюджети ҳисобидан зарур маблағлар ажратиб келинмоқда. Жумладан:

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 563-сон қарорига асосан 2022-2026 йилларда жами **109,6 минг ўринли 241 та** талабалар турар жойларини барпо этиш режалаштирилган.

Натижада, Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари асосида ҳамда мавжуд биноларни мослаштириш орқали реконструкция қилиш ҳисобига янги бинолар қурилиши натижасида жами **78,2 минг янги** ётоқ ўринлари яратилди.

Шундан, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосида **38,9 минг ўринли 75 та** ҳамда олийгоҳларнинг ўз маблағлари ҳисобидан **39,3 минг ўринли 98 та** ётоқхоналар барпо этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида давлат олий таълим муассасаларидаги талабалар турар жойлари сони **386 тага** етказилиб, **156,2 минг** нафардан ортиқ талабани жойлаштириш имконияти яратилди. Ётоқхонага эҳтиёжи мавжуд талабаларнинг таъминланиш даражаси эса **57 фоизга** етказилди.

Ҳисобот даврида мазкур харажатлар учун **91,3 млрд сўм** маблағлар ажратилди.

7-жадвал. Давлат бюджетидан ажратилган субсидия маблағлари, *млрд сўм*

Кўрсаткичлар	Сумма
Давлат-хусусий шериклик ва давлат олий таълим ташкилотларининг буюртмалари асосида талабалар турар жойини барпо этиш бўйича лойиҳалар учун субсидиялар	71,0
Талабалар турар жойини барпо этган Хусусий шерикларга яшаган ҳар бир талаба учун компенсация тўловлари учун субсидия (БҲМнинг 15 ва 20 баравари)	20,3
Жами	**91,3**

Бундан ташқари, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, тадбиркорлик ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда уларнинг муносиб даромад олиши учун қўшимча шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 605-сонли қарори билан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабалар томонидан тўланадиган ижара тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш тизими жорий этилган.

Мазкур дастур доирасида 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида ижара ҳуқуқи асосида яшаётган қарийб **52 минг нафар** талабаларга ижара тўловларининг бир қисмини қоплаш учун **90,6 млрд сўм** миқдорида маблағ молиялаштириб берилди.

Бугунги кунда давлат олий таълим муассасалари магистратурасида таҳсил олаётган хотин-қизларнинг тўлов-контракт миқдори Давлат бюджетидан қайтариш шартисиз қоплаб бериш тизими жорий этилган.

Натижада 2026 йилда давлат олий таълим муассасалари магистратурасида таҳсил олаётган қарийб **11,1 минг нафар** хотин-қизларнинг **75,5 млрд сўм** миқдорида тўлов-контракт маблағлари тўлаб берилди.

Бундан ташқари:

а) мамлакатимиздаги ёшларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, 2021–2022 ўқув йилидан бошлаб:

республикадаги барча олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари бакалавр ҳамда магистратуранинг кундузги таълим шаклида тўлов-контракт асосида таҳсил олиш учун имтиёзли таълим кредити ажратишнинг янги тизими йўлга қўйилган.

Натижада, 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида тижорат банклари томонидан **26,2 млрд сўм** миқдорида **1,8 минг нафарга** яқин талабаларга имтиёзли таълим кредитлари ажратилди.

б) Мамлакатдаги хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлаш мақсадида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:

республикадаги барча хусусий, хорижий ва давлат олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида кундузги, сиртқи ва кечки таълим шаклида хотин-қизларнинг тўлов-контракт асосида таҳсил олиши учун имтиёзли шартларда (фоизсиз) таълим кредитлари ажратишнинг янги тизими жорий этилган.

Натижада, 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида тижорат банклари томонидан **87,8 млрд сўм** миқдорида қарийб **7 минг нафар** талаба хотин-қизларга фоизсиз таълим кредитлари молиялаштирилди.

8-жадвал. Ҳисобот даврида тижорат банклари томонидан ажратилган таълим кредитлари, *млн сўм.*

Т/р	Банклар номи	Суммаси	Талаба сони	Шундан, хотин қизлар
Жами		**113 977**	**8 807**	**6 984**
1	Микрокредит банк	3 369	273	214
2	Асака банк	846	56	42
3	Агробанк	21 094	1 708	1 324
4	Халқ банк	41 046	3 286	2 612
5	Бизнесни ривожлантириш банки	14 641	1 279	1 002
6	Ориент Финанс банк	419	26	21
7	Турон банк	346	22	14
8	Миллий банк	10 113	861	725
9	Ўзсаноатқурилиш банк	12 604	678	524
10	Ҳамкор банк	6 048	384	326
11	Алоқа банк	3 451	234	180

Олий таълим, Илм-фан ва инновацион объектлари бўйича 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилган ишлар

г) Олий таълим муассасалари бўйича:

Ҳисобот даврида олий таълим муассасалари объектларида амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишлари учун буюртмачилар томонидан **251,5 млрд сўм** маблағлар ўзлаштирилган.

Дастур доирасида 2026 йилда **26 та** олий таълим объектларида **7 550 ўринли ўқув блоклари** янгидан қуриш ҳамда **6 165 ўринли** ўқув бинолар таъмирланиши, шунингдек, **2 300 ётоқ ўрни** яратилиб, мавжуд **870 ўринли** ётоқхонада шароитлар яхшиланиши кўзда тутилган.

з) Илм-фан ва инновацион объектлари бўйича:

Ҳисобот даврида 2 та Илм-фан ва инновацион *(илмий тадқиқот)* **объектларида** қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун Дастур доирасида **42 млрд сўм** маблағ ажратилган.

Ушбу объектларнинг 1 таси йилдан-йилга ўтувчи объект ҳисобланиб, 1 та объект жорий йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 мартдаги **ПҚ-100-сонли** Қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу Қарорга асосан бино ва иншоотларни қурилиш-таъмирлаш объектларининг лойиҳа ҳужжатларида биноларнинг ўз эҳтиёжлари учун қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари (қуёш панеллари ва шу кабилар) ва муқобил иссиқлик тизимлари (гелиоколлекторлар, иссиқлик насослари ва шу кабилар) ҳамда энергия тежовчи ускуналарни **мажбурий ўрнатиш талаби киритилган**.

2026 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилган ижтимоий соҳа муассасаларининг **лойиҳа-смета ҳужжатларини** мазкур қарор талабларига **мувофиқлаштириш** бўйича топшириқ берилган.

3.1.4. Маданият ва санъат соҳаси

Мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш миллий маданий меросни асраб-авайлаш, уни бойитиш ва келажак авлодларга етказиш, жамиятда маънавий юксалишни таъминлаш ҳамда эстетик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.


Ушбу йўналишда маданият муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, театр, музей, кутубхона ва бошқа маданий инфратузилмаларни модернизация қилиш, миллий санъат ва халқ оғзаки ижоди намуналарини кенг тарғиб этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни маданият ва санъатга жалб этиш, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, халқаро маданий алоқаларни ривожлантириш орқали мамлакатимизнинг маданий салоҳиятини янада юксалтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Ҳисобот даврида **маданият соҳасига 2 442,6 млрд сўм маблағлар ажратилган бўлиб,** 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **515,6 млрд сўм** ёки **26,8 фоиз** кўп маблағлар йўналтирилди.

Бунда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун **904,8 млрд сўм,** ижтимоий солиқ тўловлари учун **223,2 млрд сўм** ва бошқа харажатларга **1 314,6 млрд сўм** ажратилди.

37-диаграмма. Ҳисобот даврида маданият соҳасига ажратилган маблағлар, *млрд сўм*



9-жадвал. 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида маданият соҳасига йўналтирилган маблағлар, *млрд сўм*

Харажатлар йўналиши	Касса харажати	Жамига нисбатан фоизда
ЖАМИ	**2 442,6**	**100,0**
Ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналарни сақлаш харажатлари	159,5	6,5
Музейлар, кўргазмалар ҳамда кўргазма залларини сақлаш харажатлари	88,0	3,6
Маданият саройлари ва марказларини сақлаш харажатлари	195,8	8,0
Театрлар, мусиқа жамоалари, концерт томоша муассасалари харажатлари	383,2	15,7
Телевидение, матбуот ва радио хизматлари харажатлари	383,1	15,7
Кинематография агентлиги, “Қорақалпоққино” агентлигини сақлаш харажатлари ҳамда давлат буюртмасига асосан миллий кино яратиш, кино соҳаси тадбирлар учун харажатлар	93,5	3,8
Маданий мерос объектларида реставрация, тиклаш ишларини амалга ошириш харажатлари	77,6	3,2

Харажатлар йўналиши	Касса харажати	Жамига нисбатан фоизда
Маданият ва санъат объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар харажатлари	135,0	5,5
Бошқа маданий чора-тадбирлар ва муассасалар харажатлари	926,9	37,9



I. Маданият ва санъат соҳасида мамлакатимизда 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида халқаро миқёсдаги қатор нуфузли тадбирлар юқори савияда ташкил этилди. Жумладан, **“Лазги”, “Бойсун баҳори”, “Халқаро зардўзлик ва заргарлик”, “Тошкент баҳори”, “Халқаро гуллар”, “Ипак йўли” II Ёшлар халқаро цирк санъати фестивали ҳамда “III Халқаро мақом санъати” анжумани** нафақат миллий маданиятимизни тарғиб қилиш, балки Ўзбекистоннинг халқаро маданий нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Ҳисобот даврида республика бўйлаб **4,2 мингдан** зиёд концерт-томошалар ва **5 464 та** спектакль намойиш этилди. Ушбу маданий тадбирларда **8,1 миллион нафар**дан ортиқ аҳоли иштирок этди. Театрларда **82 та** янги спектакль саҳналаштирилиб, **79 та** маҳаллий ва **35 та** хорижий гастроль сафарлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, “Юлдуз билан саёҳат” лойиҳаси доирасида **7 та** ижодий сафар ташкил қилиниб, аҳолининг чекка ҳудудларида ҳам маданий хизматлар қамрови кенгайтирилди.

Ҳисобот даврида **иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш** давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида изчил давом эттирилди. Вазирлик томонидан **12 та республика** ва **халқаро танлов** ҳамда **фестивалларда** ташкил этилиб, уларда қарийб **950 нафар ижодкор** ёш иштирок этди. Танловлар якунига кўра **185 нафар** ёш **ғолиб ва совриндор** сифатида эътироф этилди. Шу билан бирга, йил бошидан буён **халқаро танлов** ва **фестивалларда** муваффақият қозонган **иқтидорли ёшлар** сони **1 491 нафарга** етди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-22-сон Фармони ижросини таъминлаш доирасида апрель ойида ташкил этилган

“Ёшлик баҳори” форуми ёш истеъдодларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлашнинг муҳим майдонига айланди. Форум доирасида **20 га яқин ижодий тадбир** ўтказилиб, уларга **600 нафардан зиёд иқтидорли ёшлар** жалб этилди. Шунингдек, **“Ёш операчилар”**, **“Ёш балет ижрочилари”**, **“Хуш кайфият” аскиячилар танлови**, **“Folk Party” фестивали**, **Мукаррама Турғунбоева номидаги миллий рақс танлови**, **“Эсар Жайхун шамоллари” анъанавий қўшиқчилик танлови**, **III Халқаро мақом танлови**нинг республика саралаш босқичи каби қатор нуфузли танловлар юқори савияда ташкил этилди.

Маданият соҳасида **давлат-хусусий шериклик механизмлари** ҳам кенг жорий этилмоқда. Ярим йил давомида **4 та маданият объекти 7,2 миллиард сўмлик** давлат-хусусий шериклик асосида **хусусий секторга берилди**. Қиймати **25,3 миллиард сўм** бўлган яна **6 та** янги лойиҳа танловга чиқарилди. Шу билан бирга, соҳага **72 минг АҚШ доллари** миқдорида **грант маблағлари** жалб этилди.



Халқаро маданий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳам муҳим натижаларга эришилди. **Ўзбекистон–Хитой** ва **Ўзбекистон–Туркия** Ҳукуматлараро комиссияларининг маданият бўйича **қуйи қўмиталари йиғилишлари** ўтказилди. Шунингдек, **Марказий Осиё ва Америка Қўшма Штатлари маданият вазирларининг илк учрашуви** ташкил этилди, **Тожикистон** ва **Грузия маданият кунлари** мамлакатимизда юқори савияда ўтказилди.

Айни пайтда **Президентимизнинг ПФ–103-сонли Фармони** ижросини таъминлаш юзасидан **маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган янги механизмлар** ишлаб чиқилмоқда. Улар қаторида ҳар бир ижодкор учун **электрон портфолио** яратиш, иқтидорли ёшларнинг илк ижодий лойиҳаларини **давлат грантлари орқали қўллаб-қувватлаш**, хорижда **малака ошириш** тизимини кенгайтириш, **уч босқичли скаутинг** тизимини жорий этиш, ижодкорлар учун махсус **“Ижодий оромгоҳ”** ташкил қилиш каби муҳим ташаббуслар мавжуд.

II. Кинематография соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни давлат томонидан қўллаб қувватланиши натижасида **2026 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида** агентлик ва тизим ташкилотларини сақлаш харажатлари учун **12,9 млрд сўм**, Давлат буюртмасига асосан миллий кино маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва “Тирик тарих” дастури доирасида **80,6 млрд сўм** маблағлар йўналтирилди.


1. Давлат буюртмаси асосида **18 та бадиий**, **9 та бадиий-публицистик**, **4 та ҳужжатли**, **7 та анимацион фильм**, **2 та қисқа метражли фильм**, **1 та киносериал**, **17 та ижтимоий ролик** ҳамда **“Янги Ўзбекистон киносолномаси”**нинг **12 та сони**ни ишлаб чиқариш молиялаштирилди. Шунингдек, **6 та миллий сериал** давлат субсидияси билан қўллаб-қувватланди.

2. 2026 йилнинг январь-июнь ойларида **25 та миллий кино маҳсулоти** тўлиқ якунланди. Улар қаторида **“Жасорат”**, **“Лангартоғ йўлида”**, **“Журналист”**, **“Ўзбек арслони”** каби бадиий фильмлар, **“Имом Бухорий мажмуаси”**, **“Тоғ жангчиси”** сингари ҳужжатли фильмлар ҳамда **“Миттивой”** анимацион фильми томошабинларга тақдим этилди.

Миллий кинони аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида республика бўйлаб давлат буюртмаси асосида яратилган **170 дан ортиқ фильмнинг бепул намойишлари** ташкил этилди.

Шу билан бирга, давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган фильмлар учун **11 та** йўналиш бўйича **танлов** эълон қилиниб, унга **66 та киностудиядан 175 та лойиҳа** тақдим этилди. Саралаш натижаларига кўра энг муносиб кинолойиҳалар давлат буюртмасига қабул қилинди.

Миллий фильмларни халқаро аудиторияга етказиш ишлари ҳам фаол давом эттирилди. **“Эврилиш”**, **“Мақсад сари”**, **“Саробга йўл”** ва **“Сўқоқдаги саргузашт”** фильмлари **Megogo, YouTube, Etnomedia TV** ва **Allplay** платформаларига жойлаштирилди. Шунингдек, **“Жасорат”**, **“Лангартоғ йўлида”**, **“Журналист”**, **“Ўзбек арслони”** каби **10 та тўлиқ метражли фильмнинг миллий премьераси** ўтказилди.



Халқаро ҳамкорлик доирасида **Туркия**, **Озарбайжон**, **Венгрия** ва **Тожикистон** билан **5 та қўшма кинолойиҳа** бўйича келишувлар имзоланди. Давлат буюртмаси асосида яратилган миллий фильмлар **дунёнинг 10 та нуфузли халқаро кинофестивалида** иштирок этиб, қатор мукофотларни қўлга киритди. Жумладан, **“Қадам. Қуёш боласи Юсуф” фильми** Франциядаги халқаро фестивалнинг **Гран-при** мукофотига, **“Ҳакер” фильми** Туркияда **“Энг яхши Ўзбекистон фильми”** номинациясига, **“Пахта” фильми** эса **“Энг яхши сценарий”** мукофотига сазовор бўлди.

Миллий кино санъатини аҳолига яқинлаштириш мақсадида амалга оширилган **“Биз бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!”** шиори остида **“Кинокарвон”** ижодий лойиҳаси Андижон, Фарғона, Наманган ва Бухоро вилоятларида ўтказилиб, **14 та миллий фильм** намойиши, **ижодий**

учрашувлар ва **тарғибот тадбирлари** орқали **37 минг нафарга яқин аҳоли** қамраб олинди.



III. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамда унинг республика бюджетидан молиялаштириладиган тизим ташкилотларини сақлаб туриш, давлат буюртмасига асосан миллий теле ва радио маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари учун **2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида 383,3 млрд сўм** маблағ ажратилди.

Жумладан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун **178,6 млрд сўм**ни, ижтимоий солиқ тўловлари учун **44,4 млрд сўм**ни ва бошқа харажатларга **160,3 млрд сўм** ажратилди.

Ҳисобот даврида **Президентнинг ҳудудларга ташрифлари**, давлат сиёсати ва қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, шунингдек, ижтимоий, маънавий-маърифий ва тарбиявий мавзуларни ёритувчи **кўрсатувлар**, **ток-шоулар** ва **махсус лойиҳалар** мунтазам тайёрланиб эфирга узатилди.



Шу билан бирга, **“O‘zbektelefilm”** давлат муассасаси томонидан “Yoshlar” teleradiokanali” буюртмаси асосида **“Ўйиндан ташқари”**, **“Блогер келин”** ва **“Дада”**, “Ma’rifat” ijodiy birlashmasi” буюртмасига асосан **“Аёллар симфонияси”**, **“Психолог”** ва **“Оила сири”**, **“Эҳтиёт бўлинг – фирибгар!”**, “Toshkent shahri teleradiokanali” буюртмасига асосан **“Шабнам”**, “Mahalla” teleradiokanali” буюртмасига асосан **“Курьер”** ва **“Баланд уй ташвишлари”** каби телесериал ва теленовеллалар ишлаб чиқарилди.

Натижада жами **290 қисм телесериал**, турли мавзулардаги **300 қисм теленовелла** тайёрланиб, томошабинларга **393 соатлик миллий телемаҳсулот** эфирга узатилди. Бу орқали аҳолини миллий қадриятлар, оилавий муносабатлар, маънавий тарбия, ҳуқуқий маданият ҳамда замонавий ҳаётдаги долзарб масалаларни акс эттирувчи сифатли контент билан таъминлаш имкониятлари янада кенгайди.

IV. Маданий мерос агентлигига маданий мерос объектларида реставрация, тиклаш ишларини амалга ошириш, шунингдек, музейларни мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш харажатлари учун 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида **104,1 млрд сўм** маблағ ажратилди. Жумладан,

– Маданий мерос объектларини реставрация қилиш, таъмирлаш-тиклаш археологик ишлар харажатлари учун **77,6 млрд сўм**;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 975-сон қарори билан Давлат музейларини ривожлантириш ва таъмирлаш-тиклаш харажатлари учун **919,2 млн сўм**ни ташкил этди.




Ҳисобот даврида **60 та маданий мерос объектида** реставрация ва таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш бўйича шартномалар тузилди. Шу билан бирга, **28 та объект** учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга **6,1 млрд сўмлик** шартномалар имзоланди ҳамда **39 та объектнинг** лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича давлат экспертизасининг ижобий хулосалари олинди.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятидаги **Улуғбек мадрасаси**, **Тиллақори гумбази**, **Сарой Мулкхоним мажмуаси**, **Сўфи Оллоёр масжиди**, Тошкент шаҳридаги **Юнусхон мақбараси**, **Юнусобод Оқтепаси**, Жиззах вилоятидаги **Хўжа Мушкент ота** ва **Қалиятепа**, Сурхондарё вилоятидаги **Хўжаикон туз ғори**, **Кампиртепа**, **Далварзинтепа**, Тошкент вилоятидаги **Тункет-3** археология ёдгорлиги ҳамда **Шайх Умар Валий Боғистоний** мажмуаси каби кўплаб тарихий объектларда реставрация ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Амалга оширилаётган лойиҳалар орасида Сурхондарё вилоятидаги **Фаёзтепа** археология ёдгорлигида реставрация ва ҳимоя панжаралари ўрнатиш ишлари, Андижон вилоятидаги **“Оқмозор ота”** зиёратгоҳини таъмирлаш, Фарғона вилоятидаги **“Хуржун мадрасаси”**ни асл тарихий қиёфасини сақлаган ҳолда тиклаш ишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хоразм вилоятидаги **“Дешон қалъа”**да амалга оширилган реставрация ишлари эса тарихий иншоотларни илмий асосда тиклашнинг ёрқин намунаси бўлди. Қалъа деворларининг йўқолган қисмлари қайта барпо этилди, анъанавий қурилиш материаллари асосида мустаҳкамланди, пиёдалар учун махсус йўлаклар барпо қилинди ҳамда ҳудудда бир неча минг квадрат метр ҳажмда йўл қопламалари ва сомон сувоқ ишлари бажарилди.

Маданий мерос объектларида амалга оширилаётган реставрация ва таъмирлаш-тиклаш ишларидан фотолавҳалар



Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги натижалари маданий мерос объектларини асраш, уларнинг тарихий қиёфасини тиклаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсати изчил давом этаётганини кўрсатмоқда. Реставрация ишлари кўламининг кенгайиши, замонавий илмий ёндашувларнинг жорий этилиши ҳамда тарихий обидаларнинг сақланиши миллий маданий меросни муҳофаза қилиш ва унинг туристик жозибадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Маданият муассасаларида 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилган ишлар


Маданият вазирлиги тизимидаги 15 та маданият ва санъат муассасаларининг қуриш-таъмирлаш ишлари учун **121 млрд сўм** маблағлар ўзлаштирилди.

Ажратилган маблағлар ҳисобидан 2026 йил дастур доирасида **250 ёток ўринли** ҳамда **4 600 ўринли** янги маданият объектларини қуриш, шунингдек бошқа турдаги **11 та** объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.

3.1.5. Спорт соҳаси

Спорт соҳасини қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда оммавий спортни кенг тарғиб қилиш мақсадида ҳисобот даврида Давлат бюджетидан жами **2 214,8 млрд сўм** маблағ йўналтирилди.

38-диаграмма. Ҳисобот даврида спорт соҳасига ажратилган маблағлар, *млрд сўм*



Ушбу маблағларнинг **794,4 млрд сўми** республика бюджети ҳисобидан, **1 420,3 млрд сўми** эса маҳаллий бюджетлар ҳисобидан таъминланган.

Бу эса аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишни ошириш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш йўлида муҳим қадам бўлмоқда.


Бунда, иш ҳақи ва ижтимоий солиқ тўловлари – **1 102,2 млрд сўм**;

бошқа харажатлар – **1 112,6 млрд сўм**, шундан ривожлантириш дастурлари харажатлари – **416,1 млрд сўм**;

Шунингдек, спорт соҳасига ажратилган маблағларни соҳалар кесимида қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин.

1-расм

Спорт соҳасидаги муассасалар сони



10-жадвал. Ҳисобот даврида спорт соҳасига ажратилган маблағларни соҳалар кесимида

Харажатлар йўналиши	Сумма (млрд сўм)	Улуши (фоизда)
Жами	**2 214,8**	**100**
Спорт мактабларини сақлаш харажатлари	860,4	38,8
Ихтисослаштирилган спорт мактабларини сақлаш харажатлари	240,7	10,9
Олий спорт маҳорат мактабларининг сақлаш харажатлари	72,3	3,3
Футбол академияларини сақлаш харажатлари	78,4	3,5
Спорт турлари бўйича маҳорат мактабларини сақлаш харажатлари	29,1	1,3
Чавандозлар мактабларини сақлаш харажатлари	11,4	0,5

Харажатлар йўналиши	Сумма (млрд сўм)	Улуши (фоизда)
Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг **ҳудудий календарь режаси**	60,7	2,7
Миллий футбол марказининг сақлаш харажатлари	6,2	0,3
Федерация ва ассоциацияларни қўллаб-қувватлаш ва бошқа харажатлар	439,5	19,8
Ривожлантириш дастурлари	416,1	18,8

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорларига асосан тасдиқланган спорт соҳасига доир ривожлантириш дастурларига **2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида** жами **416,1 млрд сўм** маблағ молиялаштирилган. Жумладан:

➢ Олимпия ўйинларига самарали тайёргарлик кўриш харажатлари учун **115,0 млрд сўм**. Шундан:

– **60,5 млрд сўм** - спорт тадбирларини ташкил этиш харажатлари;

– **15,4 млрд сўм** – Спортчи ва тренерларнинг стипендия харажатлари;

– **16,6 млрд сўм** – Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ва спорт федерация (уюшма)ларнинг маъмурий устав харажатларига (иш ҳақи ва сақлаш харажатлари);

– **22,5 млрд сўм** – бошқа харажатлар учун сарфланган.





Маълумот учун: *Ўзбекистонда бир қатор* ***нуфузли халқаро спорт мусобақалари, спорт тадбирлари, техник курслар, учрашувлар*** *ўтказилди. Жумладан,* ***26 та*** *Олимпия спорт турлари бўйича миллий терма жамоа аъзоларининг* ***139 та*** *маҳаллий ва 86* ***та*** *халқаро ўқув-машғулот йиғинларида,* ***47 та*** *Жаҳон кубоги ва чемпионатларида,* ***34 та*** *Осиё кубоги ва чемпионатларида,* ***57 та*** *халқаро* ***турнир*** *ва* ***мусобақаларда*** *иштироки таъминланиб, жами* ***365 та медаллар*** *(****106 та*** *олтин,* ***111 та*** *кумуш ва* ***148 та*** *бронза) қўлга киритилди. Жумладан:*

*– **20-21 апрель** кунлари Фарғона вилоятида велоспортнинг шоссе йўналиши бўйича **“Grand Prix Fergana”** ва **“Grand Prix Fergana Ladies”** халқаро мусобақаси, **28-29 апрель** кунлари Тошкент вилоятида велоспортнинг шоссе йўналиши бўйича **“Tour of Bostonliq ва “Tour of Bostonliq Ladies”** халқаро мусобақалари ўтказилди;*

*– **21-24 май** кунлари Тошкент шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича Жаҳон челленж кубоги бўлиб ўтди. Мусобақада 19 мамлакатдан 70 нафардан зиёд спортилар иштирок этди.*

➢ Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг **республика календарь режаси** учун **94,9 млрд сўм** маблағ молиялаштирилди. Шундан:

Спорт тадбирлари учун **46,8 млрд сўм**;

Ўзбекистон футбол ассоциациясини қўллаб-қувватлаш харажатлари учун **12,5 млрд сўм**;

Спорт мактабларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш харажатлари учун **10,4 млрд сўм**;

Қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш харажатлари учун **2,6 млрд сўм**;

“Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги аълочиси” кўкрак нишони, спорт вазирлигининг логотипи туширилган кўкрак нишони белгисини (ping) тайёрлаш харажатлари учун **90 млн сўм**;

Олимпия ва Паралимпия ўйинлари, Жаҳон чемпионатларининг ғолиб ва совриндорлари ва уларнинг тренерларини тақдирлаш харажатлари учун **1,9 млрд сўм**;

Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиби бўлган спортчиларга умрбод ойлик тўлови харажатлари учун **1,6 млрд сўм**;

бошқа харажатлар учун **19 млрд сўм.**

***Маълумот учун:** Пара спорт турлари бўйича биринчи ярим йилликда **Жаҳон кубоги, Осиё чемпионати, Жаҳон серияси, Гран-при ва Халқаро турнирларда** жами **380 та медаль** қўлга киритилиб, шулардан **42 таси Осиё чемпионатида** қўлга киритилган.*

➢ Паралимпия ўйинларига самарали тайёргарлик кўриш харажатлари учун **35 млрд сўм**. Шундан:

21,3 млрд сўм - спорт тадбирларини ташкил этиш харажатлари;

7,8 млрд сўм – спортчи ва тренерларнинг стипендия харажатлари;

3,1 млрд сўм – терма жамоа спортчиларини тиббий кўрикдан ўтказиш ва фармакология харажатлари

2,8 млрд сўм – Ўзбекистон Миллий Паралимпия қўмитасининг маъмурий устав харажатларига (иш ҳақи ва сақлаш харажатлари).





➢ **“Беш ташаббус олимпиадаси”** доирасидаги спорт мусобақаларини тизимли ташкил этиш ва ўтказиш учун харажатлари учун **37,9 млрд сўм**;

➢ Спорт мактаблари **тиббиёт хоналарини замонавий асбоб-ускуналар, замонавий ўқув адабиётларини чоп этиш ва харид қилиш ва махсус спорт кийимлари** билан таъминлаш харажатлари **22,6 млрд сўм**;

➢ 2026 йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган **46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига** комплекс тайёргарлик кўриш харажатлари учун **34,8 млрд сўм** молиялаштирилди. Шундан:

– Халқаро шахмат федерациясига (FIDE) кафолат маблағлари учун **26,5 млрд сўм** -;

– **8,3 млрд сўм** - спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш учун.

➢ “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказилган спорт мусобақаларида ғолиб бўлган ҳамда спорт инфратузилмаси ривожланмаган маҳаллаларда **спорт майдончаларини барпо этиш** дастурини амалга ошириш харажатлари учун **53 млрд сўм**;

Маълумот учун: *Мазкур дастур доирасида 2026 йил учун* ***360 та*** *спорт майдончасини қуриш режалаштирилган.*

➢ Ўзбекистон **футболини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** учун **13,6 млрд сўм**;

➢ **Халқаро Кураш ассоциацияси** фаолиятини қўллаб-қувватлаш харажатлари учун **9,2 млрд сўм**.

Шу билан бирга, спорт соҳасига режалаштирилган бюджет маблағларидан янада самарали фойдаланиш ҳамда молиявий соғломлаштиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 мартдаги **ПҚ-107-сон** қарорига мувофиқ **спорт соҳасини бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш**, яъни спорт федерация (уюшма)лари ва профессионал спорт клублари бошқарувига

босқичма-босқич тадбиркорларни ва соҳага хусусий инвестицияларни жалб қилиш тизими жорий этилди.

Мазкур қарорга кўра, спорт федерация (уюшма)лари ва профессионал спорт клублари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида **2026 йилда** Давлат бюджетидан **700 млрд сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилди.

Жумладан:

- суперлигадаги футбол клубларини қўллаб-қувватлаш учун **560 млрд сўм** *(ҳар бир Суперлига футбол клуби учун **35,0 млрд сўмдан**);*

- олимпия ўйинларига самарали тайёргарлик кўришни қўшимча молиялаштириш мақсадлари учун **100 млрд сўм**;

- профессионал футбол клублари ва спорт федерацияга жалб этилган тадбиркорларнинг соҳани ривожлантиришга қаратилган истиқболли лойиҳалари учун грантлар маблағлар **40 млрд сўм**.

Шу билан бирга, қарорда жорий йилда миллий терма жамоаларининг Олимпия ва Паралимпия ўйинларига самарали тайёргарлик кўриш ҳамда мамлакатимизда ўтказиладиган нуфузли халқаро спорт тадбирларини юқори савияда ўтказиш харажатлари учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига **55 млрд сўм**, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасига **50 млрд сўм** ажратилиши кўзда тутилди.

Шунингдек, спорт федерация (уюшма)лари ва профессионал спорт клублари фаолиятини сақлаш билан боғлиқ харажатлари учун сармоя киритган тадбиркорларни Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун **солиқ ва бошқа бир нечта имтиёзлар** жорий этилди.

Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилган ишлар

Ҳисобот даврида **14 та Жисмоний тарбия ва спорт** йўналишдаги объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукаммал таъмирлаш ишлари учун **109,9 млрд сўм** маблағлар ўзлаштирилди.


Дастур доирасида 2026 йилда **11 та** объектлар фойдаланишга топширилиши назарда тутилган бўлиб, шундан янги 6 та спорт иншоотлари қуриб берилади ва мавжуд 5 та лойиҳалардан “Турон” комплекси учун спорт майдони қуриш ва 4 та ихтисослаштирилган БЎСМларнинг, спорт майдонларини реконструкция қилиниши режалаштирилган.

3.1.6. Соғлиқни сақлаш соҳаси

Мамлакатимизда инсон саломатлиги ва ҳаётини муҳофаза қилиш, аҳолига сифатли, самарали ва замонавий тиббий хизматларни кўрсатишни таъминлаш, тиббий ёрдамнинг очиқлиги ва ҳаммабоплигини ошириш, тиббий хизматлар сифатини янада яхшилаш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда фуқароларнинг тиббий хизматлардан фойдаланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини кафолатлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида **соғлиқни сақлаш соҳасига** 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджетидан **22,7 трлн сўм** ёки 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **2,8 трлн сўм** кўп маблағлар ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан соғлиқни сақлаш соҳасидаги **3 839 та** муассасалар фаолият кўрсатиши таъминлаб келинмоқда.

39-диаграмма. Соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағлар, *млрд сўм*



Ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш тизимидаги муассаса ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларига **13 064,6 млрд сўм** ҳамда ижтимоий солиқ тўловларига **3 271,7 млрд сўм** маблағлар йўналтирилди.

Шунингдек, дори-дармон ва зарарсизлантирувчи воситалар учун **1 689,1 млрд сўм**, моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш харажатларига **127,9 млрд сўм** ва бошқа харажатларга **4 577,8 млрд сўм** маблағ ажратилди.

40-диаграмма. Ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш тизимига ажратилган маблағлар



2-расм. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги муассасалар сони



Тиббиёт муассасалари томонидан ўзини ўзи молиялаштиришни ва шартнома асосида молиялаштиришни ривожлантириш орқали соҳага ажратилаётган маблағлар самарадорлигига эришилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, 2024 йилда Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасалари Давлат тиббий суғурта тизими асосида молиялаштирилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311-сонли қарорига асосан 2025 йил 1 январдан бошлаб:

– Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларидаги барча давлат тиббиёт муассасалари;

– барча вилоятларнинг ҳудуд даражасидаги давлат тиббиёт муассасаларини молиялаштиришнинг янги механизми асосида маблағ билан таъминлаш жорий этилди.

Шунингдек, 2026 йил 1 январдан барча ҳудудларда давлат тиббиёт муассасаларини молиялаштиришнинг янги механизми асосида маблағ билан таъминлаш жорий этилди.

Шу билан бирга, тиббиёт муассасалари томонидан аҳолига кўрсатилаётган пуллик тиббий хизматлар босқичма-босқич кенгайтириб борилмоқда. Аҳолига кўрсатилаётган пуллик тиббий хизматлардан **877,4 млрд сўм** миқдорида тушумлар қилиниши таъминланди.

Шунингдек, тиббий хизматлар бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш ва аҳолига кафолатланган ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш учун тиббий суғурта тизимини босқичма-босқич жорий этиш муҳим стратегик қадамдир.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида **14 та** Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, **21 та** республика даражасидаги муассасалар, **55 та** ҳудудий тиббиёт муассасалари ва **104 та** нодавлат тиббиёт ташкилотлари билан шартномалар тузилди, улар томонидан **48 518 нафар** беморлар даволанди ва даволаш муассасаларига жамғарма ҳисобидан **670,9 млрд сўм** маблағлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорларига асосан тасдиқланган соғлиқни сақлаш соҳасига доир Давлат дастурлари ва марказлашган тадбирларга ҳисобот даврида **822,3 млрд сўм,** шундан, Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасига **413 млрд сўм** трансфертлар ажратилган. Хусусан,



– Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасига жорий йилнинг январь-июнь ойларида **“спинал мушак атрофияси”** ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш харажатлари учун **208 млрд сўм** маблағ йўналтирилган.

*Бунда, ҳисобот даврида "спинал мушак атрофияси" ташхиси қўйилган **201 нафар** бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва бепул дори воситалар билан таъминланди.*

– Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун **160 млрд сўм** маблағ ажратилди.

Шу жумладан, ривожлантириш дастурларидан:



Болаларни вакцинация қилиш билан боғлиқ харажатларига **229,1 млрд сўм** маблағлар ўзлаштирилди.


*Мазкур дастур доирасида, ҳисобот даврида Республика бўйича **1,4 млн нафар** болаларда 13 турдаги бошқарилувчи юқумли касалликларга қарши вакциналар билан эмлаш тадбирлари миллий эмлаш календари асосида тўлиқ якунланган.*

Ҳисобот даврида иммунизация миллий дастурига асосан вакцина билан эмланадиган болаларнинг қамрови 100 фоизга бажарилган, шунингдек иммунизация миллий дастурига асосан вакцина билан эмланган болалар сони 383 442 нафарни ташкил этган.



нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш учун 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида **12,8 млрд сўм** йўналтирилган.

Дастур доирасида 2026 йилда Кохлеар имплонтларини ўрнатиш бўйича ўтказиладиган операциялар сони 218 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида операцияларнинг 66,1 фоизи бажарилган.



Эндокринологик касалликларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш чора-тадбирларига ажратилган маблағлар дастури бўйича ҳисобот даврида **44,3 млрд сўм** ажратилди.

Ҳисобот даврида Қандли диабетнинг 1 ва 2-тури билан касалланган беморлар сони 114 185 нафани ташкил этган.

Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш дастури бўйича 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида **16,1 млрд сўм** маблағ йўналтирилди.



Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини шакллантириш харажатлари учун **30,1 млрд сўм** маблағлар ажратилди.

Бунда, мураккаб ташҳисли республикада даволаб бўлмайдиган болаларда юқори технологик жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун хорижий мутахассисларни жалб қилиш тадбирларига маблағлар йўналтирилмоқда.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилган ишлар

Ҳисобот даврида 241 та тиббиёт муассасаларида қуриш-таъмирлаш ишлари учун **715,9 млрд сўм** маблағлар ажратилди.

Дастур доирасида 2026 йилда тиббиёт соҳасига ажратилган маблағлар эвазига **3 685 қатновли** ва янги **2 440 ўринли** (койка) тиббиёт муассасалари яратилади**, 3415 қатновли** ва **1 082 ўринли** мавжуд биноларда реконструкция ишлари амалга оширилади, **3 560 қатновли** ва **888 ўринли** биноларда таъмирлаш, шунингдек, **52 та объектларда** бошқа турдаги тиббиёт объектларида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

3.1.7. Нафақа, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида **нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари** учун Давлат бюджетидан **7 295,7 млрд сўм** маблағ ажратилди *(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **827 млрд сўм** ёки 12,8 фоизга кўп)*.

Кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўловлари учун ҳисобот даврида Давлат бюджетидан **1 831,2 млрд сўм** маблағ йўналтирилди.

Ижтимоий нафақа олувчи оилалар сони юқори бўлган ҳудудларда аҳолининг бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадларни оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда оилаларни кам таъминланган деб эътироф этувчи мезонларга ижтимоий адолатлилик тамойиллари асосида ўзгартиришлар киритилиши натижасида *(Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 ноябрда қабул қилинган 596-сон қарори)* ижтимоий нафақа олувчи оилаларнинг сони жами оилаларга нисбатан қамров даражаси **5,4 фоизни** ташкил этди.

2026 йил январь-июн ойларида **577 минг та** оилаларга, шундан **544 минг** та оилаларга **1 748,8 млрд сўмлик** болалар нафақаси ва **33 минг**та оилаларга **82,5 млрд сўмлик** моддий ёрдам тўловлари тўлаб берилди.

3-расм



Т/р	Худудлар номи	2024 йил 6 ойлик	2025 йил 6 ойлик	2026 йил 6 ойлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	276,1	155,7	150,5
2	Андижон вилояти	431,6	157,9	109,7
3	Бухоро вилояти	177,8	79,5	71,8
4	Жиззах вилояти	217,3	112,6	87,5
5	Қашқадарьё вилояти	494,0	267,8	191,3
6	Навоий вилояти	88,2	51,6	47,3
7	Наманган вилояти	460,6	244,7	201,6
8	Самарканд вилояти	541,2	250,0	204,4
9	Сурхондарё вилояти	414,5	243,5	205,7
10	Сирдарё вилояти	120,3	50,4	49,6
11	Тошкент вилояти	218,0	126,0	128,3
12	Фарғона вилояти	518,8	275,0	202,5
13	Хоразм вилояти	243,7	120,7	120,9
14	Тошкент шахри	81,6	55,8	60,6
	Жами	4 283,7	2 191,0	1 831,5

2026 йил январь-июнь ойларида ногиронлиги бўлган **480 минг нафар** фуқароларга **3 020,6 млрд сўм** нафақа тўлаб берилди. Шундан болаликдан ногиронлиги бўлган **167,1 минг нафар** фуқароларга **1 045,5 млрд сўм** тўлаб берилди.

Ҳисобот даврида муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш мақсадида **91,2 млрд сўм** маблағлар йўналтирилиб, муҳтож шахслар **54 мингта** ваучерлар билан таъминланди.

Ҳисобот даврида ижтимоий реестрга киритилган, шунингдек, Ижтимоий реестрга киритилмаган, бироқ моддий аҳволи бўйича “давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидаги оилалар мезонларига тўғри келувчи, оиладаги жон бошига даромади минимал истеъмол харажатларининг 1,5 баробаридан ошмайдиган **391 минг та** оилаларга **88,2 млрд сўм** электр энергияси ва табиий газ бўйича компенсация тўловлари тўлаб берилди.

2026 йил январь-июнь ойларида зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги шахслар ва болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) **95 минг нафар** оналарга жами **477,7 млрд сўм** ёшга доир нафақа тўланди.

Шу билан бирга, ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган ҳар бир 18 ёшгача боланинг парвариши учун **71 минг нафар** шахсга **353,4 млрд сўм**лик парваришлаш нафақаси, давлат пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлмаган вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган оиланинг меҳнатга лаёқатсиз жами **58 минг нафар** аъзоларига **358,8 млрд сўм** боқувчисини йўқотганлик нафақаси тўлаб берилди.

Ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган **9 минг** шахслар учун ҳар ойда минимал истеъмол харажатлари миқдорида моддий ёрдам учун **39 млрд сўм** маблағ ажратилди.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган жами **7 мингдан** зиёд шахсларга 2026 йил январь-июнь ойларида **18,4 млрд сўм**лик нафақа тайинланди.

2026 йил январь-июнь ойларида бола туғилганда бериладиган бир марталик суюнчи нафақаси қарийб **100 минг нафар** фуқароларга нафақа тайинланиб **89,5 млрд сўм** ҳамда дафн маросими учун **79 минг нафар** фуқаро учун **149,4 млрд сўм** маблағ ажратилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 9 декабрдаги “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги 1101-сонли Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тайинлаш ва тўлаш тизимини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-206-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 декабрдаги “Аҳолига давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни амалга ошириш тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 796-сонли қарори қабул қилинган.

Унга кўра 2026 йил 1 январдан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан фуқароларнинг минимал суғурта стажи ва тўланган суғурта бадалига мутаносиб равишда ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўлаб берилмоқда.

2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси томонидан жами **72,3 минг** нафар аёлларга **840,6 млрд сўм**лик ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўлаб берилган.

Шундан, **60 358 нафар** бюджет ташкилотлари ходимларига **661 млрд сўм**, хусусий сектордаги **11 991 нафар** ходимлар учун **179,6 млрд сўм** маблағлар тўлаб берилган.

11-жадвал. Бюджет ташкилотлари ва хусусий секторда ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаб берилиши бўйича, *млн сўм*

№	Ҳудудлар номи	2026 йил январь-июнь ойларида		шундан			
				бюджет ташкилотларида		хусусий секторда	
		Сони	Суммаси	Сони	Суммаси	Сони	Суммаси
Жами		**72 349**	**840 597**	**60 358**	**660 987**	**11 991**	**179 610**
1	Қорақалпоғистон Республикаси	4 344	53 458	3 892	45 619	452	7 839

№	Ҳудудлар номи	2026 йил январь-июнь ойларида		шундан			
				бюджет ташкилотларида		хусусий секторда	
		Сони	Суммаси	Сони	Суммаси	Сони	Суммаси
2	Андижон вилояти	5 230	57 888	4 470	48 946	760	8 942
3	Бухоро вилояти	4 863	50 252	4 272	42 723	591	7 529
4	Жиззах вилояти	2 993	33 332	2 679	29 136	314	4 196
5	Қашқадарё вилояти	5 681	57 791	5 039	48 998	642	8 793
6	Навоий вилояти	3 793	45 637	2 951	33 255	842	12 382
7	Наманган вилояти	4 738	50 946	4 194	45 357	544	5 589
8	Самарқанд вилояти	6 017	73 412	5 326	63 757	691	9 655
9	Сурхондарё вилояти	4 620	52 528	4 251	47 731	369	4 797
10	Сирдарё вилояти	2 109	20 848	1 853	18 119	256	2 729
11	Тошкент вилояти	7 775	86 560	5 579	55 836	2 196	30 724
12	Фарғона вилояти	7 502	78 249	6 663	69 465	839	8 784
13	Хоразм вилояти	3 758	40 842	3 317	35 520	441	5 322
14	Тошкент шаҳри	8 926	138 856	5 872	76 526	3 054	62 329

3.1.8. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш



Мамлакатда аҳолини уй-жой билан таъминлашни қўллаб-қувватлаш ва яшаш муҳитини яхшилашга қаратилган давлат дастурлари доирасида ҳисобот даврида **815 млрд сўм** маблағлар молиялаштирилган.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 февралдаги “Аҳолини уй-жой билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш ва кўп квартирали уйлар қурилишини самарали ташкил этиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-29-сон Фармонига кўра белгиланган аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастури доирасида 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида ипотека кредитлари бўйича **814,2 млрд сўм** субсидия тўловлари молиялаштирилиб берилди.

Хусусан, 2026 йилда ипотека кредитлари бўйича субсидиялар тўлашнинг мақсадли кўрсаткичлари доирасида субсидия ажратиш учун аризалар тасдиқланган параметрлар асосида 16 мартдан 1 декабрга қадар қабул қилиниши назарда тутилган.

Ҳисобот даврида 2026 йилда ипотека кредитлари бўйича субсидиялар тўлашнинг мақсадли кўрсаткичлари доирасида **30 минг нафар** фуқароларга тақдим этилган ижобий субсидия хабарномалар бўйича бошланғич бадал тўловлари учун – **8 851 нафар** фуқароларга **265,5 млрд сўм** маблағлар тўлаб берилди.

Бунда, субсидия олувчи фуқароларнинг ижтимоий мезонларга мувофиқлигини баҳолаш жараёни Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг **“subsidiya.idm.uz” дастурий таъминот** тизими орқали автоматлаштирилган тарзда**, инсон омили иштирокисиз** амалга оширилмоқда.

Шунингдек, 2020–2025 йилларда ажратилган ипотека кредитлари бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш мақсадида **93 693 нафар** фуқароларга жами **548,7 млрд сўм** миқдорида субсидия маблағлари **тўлаб берилди.**

4-расм



Бундан ташқари, ҳисобот даврида тижорат банклари томонидан 2026 йил **аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастури доирасида** жами **42,5 минг** нафар фуқарога **13,1 трлн сўм** ипотека кредитлари ажратилган бўлиб шундан, **26 мингдан** зиёд фуқароларга **7,9 трлн сўм (61%) Давлат бюджети** маблағлари ҳисобига тўғри келади.

*Бунда республика миқёсида энг кўп ажратилган ипотека кредитлари Халқ банки – **1 809,7 млрд сўм,** Агробанк – **1 740,1 млрд сўм,** Ўзмиллийбанк – **1 109,3 млрд сўм**, Ипотекабанк – **652,4 млрд сўм**, Бизнесни ривожлантириш банки - **440,1 млрд сўм** ҳиссасига тўғри келади.*

Аҳолига паст тарифларни қўлланиши ҳисобига давлат корхоналарига етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ харажатлар учун ҳисобот даврида **6,7 трлн сўм** маблағ йўналтирилди.

Аҳолига иссиқлик таъминоти хизматлари учун пасайтирилган тарифларни қўллаш ҳисобига вужудга келган зарарларни қоплаш мақсадида иссиқлик таъминоти корхоналарига бюджетдан **1,4 трлн сўм** зарарлар қоплаб берилди.

1. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматлар, шу жумладан йўловчиларни шаҳар жамоат транспортида мунтазам ташиш билан банд бўлган ташувчиларга (жумладан, "Тошшахартрансхизмат" АЖ) брутто-шартнома асосида молиялаштириш тизими ташкил қилинди.

2025 йил 1 январдан Тошкент шаҳри йўналишларидаги барча автобусларда йўлкира ҳақини нақд пулда олиш амалиётидан воз кечилиб йўлкирани тўлаш **фақат электрон тўлов тизимига ўтказилди**.

Ҳисобот даврида мунтазам автобус йўналишида йўловчи ташишни брутто-шартнома асосида ташкил этиш ва молиялаштириш учун бюджетдан **1 100,3 млрд сўм** маблағ ажратилди.

1.1 Жорий йилда **"Тошшахартрансхизмат" АЖ**нинг чекланган тарифларда "Брутто-шартнома" асосида йўловчи ташиш хизматлари молиялаштириш учун Давлат бюджетидан жами **1 385,2 млрд сўм** ажратилган (махсус жамғарма йил бошига **2,9 млрд сўм** қолдиқ мавжуд).

1.2 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида шаҳар автобус йўналишида чекланган тарифларда йўловчи ташишни брутто-шартнома *(gross cost contract)* асосида молиялаштириш учун **790 млрд сўм** маблағ махсус жамғармага ўтказилди ҳамда:


брутто-шартнома бўйича бажарилган ишлар қиймати **1 091,3 млрд сўмни;**


ташишдан тушган тушумлар ҳисобидан – **310,5 млрд сўми;**



бюджетдан ажратилган маблағлари ҳисобидан – **780,7 млрд сўм** қоплаб берилган.

Жамият томонидан ҳисобот даврида жами **204,4 млн нафар** йўловчиларга хизмат кўрсатилган.

Хусусан:

- Йўналишли йўловчилар (нақд пул орқали)сони – **0,2 млн;**
- Электрон тўловдан фойдаланган йўловчилар сони – **192,2 млн;**
- Имтиёзли тариф режаси бўйича йўловчилар сони – **11,3 млн;**
- Бепул хизмат кўрсатилган йўловчилар сони – **0,7 млн.**

41-диаграмма. Ҳисобот даврида хизмат кўрсатилган йўловчиларни ташиш кўрсаткичлари, *млн нафар*



1.3 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида **“Тошкентметрополитени” ДУК**нинг чекланган тарифлар ҳисобига йўловчи ташиш хизматидан кутилаётган зарарларини қоплаш учун **Давлат бюджетидан 491,6 млрд сўм** ажратилган.

*“Тошкент метрополитени” ДУК томонидан тақдим этилган ҳисоб-китобларга асосан йўловчиларни ташишдан олинган даромадлар **155 млрд сўм**, харажатлар **497,1 млрд сўм**ни ташкил қилган.*

Корхона томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида **109,8 млн йўловчи**га хизмат кўрсатилган *(йўлакдан фойдаланувчилардан ташқари).*

Хусусан:

- йўналишли йўловчилар сони – **97,3 млн;**
- имтиёзли йўловчилар сони – **3,6 млн;**
- ойлик йўл чипталари – **3,4 млн;**
- ташилган пенсионерлар сони – **5,4 млн.**

42-диаграмма. Ҳисобот даврида йўловчиларга кўрсатилган хизматлар



2. Маҳаллий йўналишлардаги темир йўл ва авиаташувчиларни қўллаб қувватлаш харажатлари

2.1 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 февралдаги “Ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 100-сонли қарорга биноан “Uzbekistan Airways” АЖ томонидан белгиланган маҳаллий йўналишларда Махсус комиссия томонидан белгиланган нархда яъни **25 фоиз** арзонлаштирган тарзда барча тежамкор (“econom”) хизмат кўрсатиш тоифаси бўйича авиа чипталарни реализация қилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада Маҳаллий авиақатновларни ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” 2022 йил 26 октябрдаги ПҚ-412-сон қарорнинг 2-бандига мувофиқ Республикада ички туризмни ривожлантириш, йўловчиларга арзон нархларда авиаташув хизматларини кўрсатиш ва авиакомпаниялар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг резидент авиакомпанияларига ички туризм йўналишларидаги авиақатновлар учун авиа чипта нархининг **25 фоизи** миқдорида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан субсидия ажратиш муддати 2026 йил 1 январга қадар узайтирилиши белгиланган.

Ушбу мақсадларга 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида **66,5 минг нафар** йўловчи учун жами **11,4 млрд сўм**, шундан, **“UZBEKISTAN HELICOPTERS” МЧЖ**ларга **6,9 млрд сўм, “MY FREIGHTER” МЧЖ**ларга **1,2 млрд сўм** ва **“UZBEKISTAN AIRWAYS” АЖ**ларга **3,3 млрд сўм** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 7 майдаги “Минтақавий авиаташувларни ва ички туризмни янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 302-сон қарори билан **авиачипталар нархлари ҳамда субсидияланадиган авиақатнов йўналишларини субсидиялаш миқдорини белгилаш бўйича махсус комиссия** таркиби ўзгартирилди. махсус комиссия томонидан янги таҳрирдаги қарор қабул қилинди.

Бунда **субсидияланадиган авиақатнов янги йўналишлари, субсидиялаш миқдори** қайта кўриб чиқилиб резидент авиакомпанияларга ҳам татбиқ этилди.

Янги таҳрирдаги махсус комиссия қарорида **субсидияланадиган авиақатнов сони 46 тани** ташкил қилиб**, 24 та янги йўналишлар қўшилади.** Шунингдек, субсидия миқдори ҳаво кемаси бортидан келиб чиқиб дифференциал тарифлар жорий қилинди.

2.2 Фарғона шаҳридан Сўх туманига кичик авиация транспортида **аҳолига мақбул нархларда қатновларни йўлга қўйиш** натижасида

ташувчи кўрган зарарларни қоплаш дастури бўйича жами давлат бюджетидан қоплашга ҳисобот даврида **30,4 млн сўм** маблағлар йўналтирилди.

Бунда, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида **“Humo Air” МЧЖ** томонидан **14 та рейслардаги 118 нафар** йўловчиларга хизмат кўрсатилди.

2.3 Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшовчи **пенсионерлар, нафақа олувчилар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга** темир йўл ва авиа чипталар **50 фоизлик имтиёз** билан сотилиши натижасида ташувчилар томонидан кўрилган зарарни қоплаб бериш дастури бўйича жами **16,4 млрд сўм** қарийб **111 минг нафар** йўловчи учун, шундан **“Ўзтемирйўлйўловчи” АЖ**га **7,4 млрд сўм**, **“Uzbekistan Airways” АЖ**га **9 млрд сўм** бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди.

3.2. Иқтисодиёт харажатлари

Ҳисобот даврида **иқтисодиёт соҳасига** амалга оширилган харажатлар **31,6 трлн сўм**ни ёки жами Давлат бюджети харажатларининг **15,4 фоизини** ташкил этди. Жумладан:

– сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари – **4,9 трлн сўм**;

– геология қидирув ишларига – **290 млрд сўм**;

– аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш харажатлари – **3,3 трлн сўм**;


– уй-жой коммунал ишларига – **179,9 млрд сўм**;

– маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар– **6,4 трлн сўм**;

– ташаббусли бюджет харажатларига – **3,2 трлн сўм**;

– маҳалла бюджети жамғармасига – **249,5 млрд сўм**.

43-диаграмма. Иқтисодиётга амалга оширилган харажатларнинг асосий йўналишлари, *фоиз*



3.2.1. Қишлоқ хўжалиги соҳаси



Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича 115 та муассасаларни молиялаштиришга Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимидаги республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларига 2026 йилнинг биринчи ярим йилликда **1 трлн сўм** йўналтирилди.

Жумладан, вазирлик ва тизим ташкилотларини сақлаш харажатлари бўйича ҳисобот даврида **344,2 млрд сўм**лик харажатлар амалга оширилди.

Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасига бюджетдан **37,5 млрд сўм** трансфертлар ажратилди.

Шунингдек, ривожлантириш дастурлари учун ҳисобот даврида **662,8 млрд сўм** маблағ йўналтирилди.

12-жадвал. Қишлоқ хўжалиги соҳасига ривожлантириш дастурлари учун ажратилган маблағлар, *млрд сўм*

Т/р	Дастур номи	Сумма
1	Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этиш учун субсидиялар	21,9
2	Пахта хом ашёсини етиштирувчилар томонидан томчилатиб ва дискрет суғориш тизимини жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун харажатлар	23,3
3	Қишлоқ хўжалиги техникасини, лазерли текислаш, автопилот ускуналарини ҳамда дон уруғ сеялкаларини харид қилишда техника қийматини қисман қоплаб бериш, шунингдек қишлоқ хўжалик техникасини харид қилишга ажратилган лизинг ёки кредитлар бўйича фоизларни қоплаш учун субсидиялар	216,7
4	Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг насос агрегатлари истеъмол қиладиган электр энергияси харажатини қоплаш учун субсидиялар	57,5
5	Хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкилар, шунингдек маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинган бир кунлик жўжаларни сотиб олиш харажатларини ҳамда Мўғулистондан наслли қўй ва эчкилар импорт қилишда ҳаво транспорти орқали ташиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидиялар	1,3
6	Қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш, тупроқ бонитировкаси ва тупроқ хариталарининг корректировкасини ўтказиш, суғориладиган ерларда тупроқ агрокимёвий тадқиқот ишларини бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш, тупроқ (ер) мониторингини ўтказиш, яйлов ерларини хатловдан ўтказиш ва майдонларнинг электрон хариталарини ишлаб чиқиш харажатлари	49,9

Т/р	Дастур номи	Сумма
7	Уй ҳайвонларини вакцинация қилиш учун харажатлар	72,7
8	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларнинг ҳосилни суғурталаш харажатларининг 50 фоизини субсидиялаш	45,0
9	Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан боғдорчилик ва узумчилик соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган маблағлар	112,5
10	Чигиртка ва зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан махсус транспортлар, техника воситалари ва кимёвий препаратлар харид қилиш харажатлари	1,9
11	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни хатловдан ўтказиш учун харажатлар	16,6
12	Тут парвонасига қарши курашиш тадбирлари учун харажатлар	22,0
13	Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи туманларнинг 2025 – 2030 йилларга мўлжалланган ва лойиҳалаштиришдан олдин амалга ошириладиган ер тузиш чизмаларини ишлаб чиқиш харажатлари	21,5
Жами		**662,8**

Республикада ветеринар осойишталик ва эпизоотик барқарорликни таъминлаш бўйича амалга оширилган тадбирлар.

Республика ҳудудида ҳайвонларнинг ўта хавфли касалликларини келиб чиқиши ва четдан кириб келишини олдини олиш мақсадида, эпизоотияга қарши профилактик тадбирларни ўтказиш учун жами 1 200 та ишчи гуруҳ ташкил этилиб, унга 5 мингта соҳа мутахассислари ва масъуллар бириктирилди ҳамда ишчи гуруҳ ишини мувофиқлаштириб бориш бўйича республика, вилоят ва туман штаблари ташкил этилган. Шунингдек, ҳайвонлар касалликларига қарши ўтказиладиган профилактик тадбирлар “Маҳаллабай” ва “Хонадонбай” усулда амалга оширилмоқда.

Республика ҳудудида эпизоотияга қарши профилактик тадбирларни “Ҳайвонлар соғлиги — халқ саломатлиги” шиори остида оммавий равишда ташкил этиш белгилаб олинди.

2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида вакцина ва бактериологик препаратлар, тиббий ускуна ва жиҳозлар учун реагентлар ва реактивлар ҳамда дезинфекцияловчи ва шахсий ҳимоя воситалари сотиб олиш учун **72,7 млрд сўм** йўналтирилди.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси захирасида мавжуд бўлган 19,2 млн доза 37,3 млрд.сўмлик 9 турдаги вакциналар ва харид

қилинган вакциналар ҳисобидан **66 млрд сўм**лик 11 турдаги 46,7 млн доза вакциналар ҳудудларга тарқатилди.



Ҳайвонлар орасида келиб чиқаётган касалликларнинг мамлакатимиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш мақсадида биринчи ярим йилликда чорва молларининг 11 383,4 минг боши қуйдирги, 6 161,7 минг боши оқсил, 1 359 минг боши қорасон, 3 600 минг боши нодуляр дерматит, 6 619,9 минг боши чечак, 59,9 минг боши бруцеллёз, 362,3 минг боши брадзот, 34,6 минг боши тейлериоз, 50,1 минг боши лептосперо̀з, 9,7 минг бош туялар ўлат, 2 798,7 минг бош паррандалар ньюкасл касалликларига ҳамда рўйхатга олинган 744,4 минг бош ит ва мушуклар қутуриш касаллигига қарши профилактик эмланиб, 4,9 млн бош чорва моллари бруцеллёз касаллигига диагностик текширилди ҳамда 13,7 млн бош чорва моллари эктопаразитларга қарши профилактик ишлов берилиб, чорва моллари сақланадиган бино ва иншоотларда доимий равишда профилактик дезинфекция ва дезинсекция тадбирлари ўтказилди.

Аҳоли ва чорвачилик билан шуғулланувчи ходимлар хабардорлигини ошириш мақсадида бруцеллёз, қуйдирги, қутуриш, парранда гриппи ва Қрим-Конго геморрогик иситма касалликларининг келиб чиқиши, уни олдини олиш ва қарши курашиш тўғрисида 307 маротаба ҳудудий семинарлар ўтказилди ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари учун 97,2 минг дона варақалар тайёрланиб, тарқатилди, шу билан бирга, 103 маротаба телевидения ва радиода чиқиш қилиниб, матбуотда 157 та мақолалар чоп этилди.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан ўсимликлар ҳимоясини ташкил қилиш бўйича 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида 5 та давлатга 19 турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун фитосанитар рухсатлар олиниб, уларнинг сони 666 тага етказилди. Шунингдек, 64 та давлатга Агентлик томонидан расмийлаштириладиган фитосанитария сертификати асосида юклаш имконияти яратилди.

Ҳудудларда зарарли организмларга қарши курашиш мақсадида **61 турдаги** экинлар бўйича ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш (IPM) дастури **QR-код** орқали **“Agroko‘makchi”** мобил иловасига бириктирилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларига етказилди.

“Дала назорати” электрон тизимида асосий турдаги 48 та зараркунанда хашоратлар ва 8 турдаги касалликларни 10 кун олдин аниқлаш тизими жорий қилинди.

Органик сертификатга эга экин майдонлар 12 224 гектарга етказилди.

Жами 6,1 млн гектар (қайта мониторинг ҳисобига) экин майдонларда фитосанитар мониторинг тадбирлари ўтказилишига эришилди. 4 турдаги

маҳсулот экспорти бўйича 7 та корхона Хитойнинг реестрига киритилди. 178 тонна мош учун 3 та **“SPROUT”** сертификати расмийлаштирилди. 135 та намунадан 4 та ҳолатда (0,8 тонна) талабга жавоб бермайдиган минерал ўғитларни қўллашнинг олди олинди.

Ҳудудларнинг фитосанитар тозалигини таъминлаш тадбирлари давомида Ғўза майдонларида зараркунандаларни аниқлаш ва мониторинг ўтказиш юзасидан илдиз қуртига 890,4 минг дона, кўсак қуртига 814,3 минг дона, мевали боғларда 106,5 минг дона (олма, гилос ва бошқа) помидор куясига қарши 12,9 минг дона феромон тутқичлар ўрнатилди.

Шира-трипс тарқалиши башорат қилинган 353,6 минг гектар ғўза майдонида биологик (профилактика) ва 313,0 минг гектарда кимёвий ишловлар амалга оширилди.

Дала четлари ва коллектор-дренажлар атрофида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилишини ташкил қилишни мувофиқлаштириш бўйича республика, ҳудудий ва туманлар ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, 30 905 та фермер хўжаликларининг 15 863 гектар дала четларига 12,1 млн дона ҳамда 9 624 гектар каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонга 7,2 млн дона мевали дарахт кўчатлари экилди.

Республика бўйича дала четлари, каналлар, коллектор-дренаж ва суғориш тармоқлари атрофидаги суви танқис бўлган 292 гектар майдонларга 191 дона сув сиғимлари (бочкалар) ўрнатилиши ташкил қилинди.

Карантин агентлиги томонидан 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида тут парвонасига қарши кураш тадбирлари учун 22 млрд сўм маблағлар йўналтирилди.

Соҳага **2,2 млн АҚШ доллар** грант ва техник кўмак маблағлари ўзлаштирилди.

Агрокластер ва фермер хўжаликларининг 341,5 минг гектар суғориладиган ер майдонларига (азот, фосфор, калий ва гумус) контурбай агрокимёвий хаританомалар тайёрлаб берилди, шундан 340 минг гектар майдон маълумотлари “**uzagrolab.uz**” электрон платформасига киритилиб, хаританомалар рақамлаштирилди.

Тадбиркорлик субъектларига ҳамда ер эгаларига хизмат кўрсатиш доирасида 88 148 та халқаро ва 70 913 та ички фитосанитария сертификатлари, 95 751 та транспорт бирлигини очиш ва карантин кўриги далолатномаси, 22 320 та импорт карантин рухсатномаси, 50 722 та зарарсизлантириш далолатномалари электрон расмийлаштирилди.

Экспортда 50,3 мингта маҳсулотлар намуналари экспертизадан ўтказилиб, 623 та ҳолатда 12 турдаги, импортда 225,3 мингта экспертизадан ўтказилиб, 232 та ҳолатда 23 турдаги карантин объектлари аниқланди ва тегишли чоралар кўрилди.

Шунингдек, Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт мақсадли кўрсаткичларига эришиш доирасида БАА (GulFood 2026), Германия (Fruit Logistics 2026) ва Покистон (Made in Uzbekistan), Саудия Арабистони (Makkah Halal Forum 2026), Қатар (Doha Dry Fruits) давлатларида ўтказилган халқаро кўргазмаларда 220 дан зиёд мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспортчиси иштироки таъминланиб, **33 млн доллар** экспортолди шартномалар тузишга эришилди ҳамда Хитой Халқ Республикаси, Германия Федератив Республикаси ҳамда Италия Республикасида “study tour” миссиялари ташкил этилиб, жами 75 нафар экспортчи корхоналар вакилларининг иштироки таъминланди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 881 та телекўрсатув ҳамда 600 та радиодастурлар эфирга узатилди. 863 та мақолалар нашрга чиқарилди, 10 та танқидий материал, 393 та инфографик маълумотлар тайёрланди ҳамда 2 та матбуот анжумани, 5 та пресс-тур, 49 та брифинг ташкил қилинди.

Ердан фойдаланувчиларга ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш бўйича “Эркин мулоқот” онлайн маслаҳат бериш тизими йўлга қўйилди.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш Жамғармаси томонидан амалга оширилган ишлар.

2026 йилги пахта ва ғалла ҳосилини молиялаштириш учун жами **8 трлн 696 млрд сўм**, шундан ғалла ҳосилини етиштиришга **718 млрд сўм** *(жами ҳосил учун 3,3 трлн сўм)* ҳамда пахта ҳосилини етиштиришга **7 трлн 978 млрд сўм** кредит ресурслари ажратилди.

2026 йил мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банкларининг буюртмасига асосан 161 млрд сўм ресурс тўлиқ ажратилди.

Давлат ресурсига буғдой харид қилиш учун **2 332 млрд сўм** ҳамда харид қилинган буғдойни сақлаш харажатлари учун **254 млрд сўм** маблағ ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 январдаги ПФ-7-сон Фармонига асосан пахта хом ашёсини сақлаш ва бирламчи (тегирмон усулида) қайта ишлаш хизматларини ташкил этиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни сотиб олишга **2,5 млрд сўм** ресурс ажратилди.

Лизинг шартларида етказиб бериладиган ғалла ўриш комбайнларини молиялаштириш учун лизинг компанияларига **83,4 млрд сўм** ажратилди.

Пахтачилик соҳасига жами **1 154,4 млрд сўм** субсидия ажратилди, жумладан:

а) пахта етиштирувчилар томонидан биржа савдолари орқали реализация қилинган (электрон ҳисоб-фактура асосида) ҳар бир тонна пахта хомашёсига 1 млн сўмдан 2025 йил ҳосилига **244,1 млрд сўм (2,4 трлн сўм)**;

б) пахта хомашёсини ўз маблағлари ҳисобидан етиштирган ва харид қилган кластерларга сотиб олинган пахта хомашёси бўйича расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактура қийматининг 10 фоиз миқдори учун **552,7 млрд сўм**;

в) пахта хом ашёсини етиштириш учун олинган имтиёзли кредитларни ҳосил йилининг якунига (тегишли йилнинг 31 декабрига) қадар қайтарган фермерларга ушбу кредитлар бўйича тўланган фоиз тўловларининг 4 фоизлик пунктини субсидия сифатида қайтаришга **93,5 млрд сўм**;

г) пахта хом ашёсини ўз маблағлари ва тижорат кредитлари ҳисобидан етиштириб, биржада сотган фермерларга шаклланган ҳисобварақ-фактура қийматининг 10 фоизи учун **237,9 млрд сўм** субсидия ажратилди.

Бундан ташқари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига **24,5 млрд сўм** ажратилди.

Шу билан бирга, Давлат бюджетидан жалб қилинган **568 млрд сўм** ссуда маблағлари қайтарилди, шунингдек, бюджет ссудасига ҳисобланган **273 млрд сўм** фоизлар тўлаб берилди ҳамда Халқаро Ислом корпорациясидан жалб қилинган **170 млрд сўм** *(14 млн долл)* маблағларни қайтарилиши таъминланди.

3.2.2. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш



Ҳисобот даврида Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ва унинг тизим ташкилотларининг харажатларига республика бюджетидан **420,6** млрд сўм маблағ ажратилган, шундан:

– **80,1 млрд сўм** иш ҳақи харажатларига
– **18,8 млрд сўм** ижтимоий солиқ тўловларига
– **321,7 млрд сўм** бошқа харажатларга, шундан янги ташкил этилган Умумммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш мақсадли жамғармасига **274 млрд сўм** йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 ноябрдаги ПҚ- 343-сон қарорига асосан Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастрларини юритиш дастури доирасида 2026 йилнинг январь-июнь ойларида **1,3 млрд сўм** маблағлар йўналтирилди.

Мазкур дастур доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

– Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти билан Ўсимлик дунёси объектларини давлат кадастрини шакллантириш юзасидан “Республика ҳудудидаги танлаб олинган Иқтисодий аҳамиятига эга бўлган табиий ҳолда тарқалган ўсимлик турларнинг давлат кадастрини шакллантириш” ишлари;

– Фанлар академияси Зоология институти билан Ҳайвонот дунёси объектларини давлат кадастрини шакллантириш юзасидан “Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг иқтисодий аҳамиятга эга умуртқали ҳайвон турларининг давлат ҳисоби ва кадастрини шакллантириш” илмий-тадқиқот ишлари;

– Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти билан Ҳайвонот дунёси объектларини давлат кадастрини шакллантириш юзасидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳудудлари бўйича умуртқали ҳайвонларнинг (амфибиялар, рептилиялар, қушлар ва сут эмизувчилар) иқтисодий аҳамиятга эга бўлган турларининг давлат ҳисоби ва кадастрини шакллантириш” илмий-тадқиқот ишлари;

– Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Ўздаверлойиҳа” Давлат илмий лойиҳалаш институти томонидан Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастрини шакллантириш бўйича Қорақалпоғистон Республикасидаги Сариқамиш ва Дауткўл кўллари, Жиззах вилоятидаги Бойқўнғирсой, Гурдарасой, Мажрумсой, Гуралашсой, Олдошмонсой, Ухумсой сойлари, Тошкент вилоятидаги Майдонтол дарёси, Теракли, Ақчасой, Ғарбий Ақчасой, Шарқий Ақчасой, Бадоқ, Байқироқ, Тошкескан сойларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, шу жумладан соҳил бўйи минтақаларини белгилаш ишларини амалга оширилмоқда.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бўйича ҳисобот даврида **84,1 млрд сўм** маблағлар молиялаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2026 йил 25 мартдаги ПФ-47-сон Фармони қабул қилинган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 25 мартдаги 113 – Ф - сонли фармойишнинг 8-иловасига мувофиқ 2026 йилда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган манзилли кўкаламзорлаштириш инвестиция дастури тасдиқланган.

Ҳисобот даврида **104 гектар** майдонда “яшил боғ”лар барпо этилган ҳамда **183 минг дона** кўчатлар экилган.

Бундан ташқари, **21,7 минг гектар** майдонда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш тадбирлари амалга оширилган.

Чўлланиш ва қум кўчишининг олдини олиш мақсадида ҳимоя ўрмонларини (иҳота) яратиш дастури бўйича 2026 йилнинг январь-июнь ойларида **12,7 млрд сўм** маблағлар молиялаштирилган.

Ўрмон агентлиги тизимидаги хўжаликлар томонидан **1 007 гектар** майдонда ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилган.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси **137 гектар**, Андижон вилоятида **30 гектар**, Бухоро вилоятида **153 гектар**, Жиззах вилоятида **70 гектар**, Наманган вилоятида **74 гектар**, Навоий вилоятида **172 гектар**, Самарқанд вилоятида **210 гектар**, Сурхондарё вилоятида **37 гектар**, Тошкент вилоятида **112 гектар**, Фарғона вилоятида **12 гектар** майдонда ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилди.

Шунингдек, ўрмон хўжаликлари томонидан ҳисобот даврида **8,6 млн дона** кўчат етиштирилган.

Ўрмон хўжалигида махсус техникаларни харид қилиш дастури бўйича 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида **3,4 млрд сўм** маблағлар йўналтирилди.

3.2.3. Сув хўжалиги соҳаси



Сув хўжалиги соҳасини молиялаштириш доирасида ҳисобот даврида жами **4 878,5 млрд сўм** маблағ ажратилган бўлиб, мазкур маблағлар соҳанинг барқарор фаолиятини таъминлашга йўналтирилди.


Асосий улушни ташкил этган **3 987,7 млрд сўм** маблағлар сув хўжалиги объектларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш, энергия ресурслари учун ҳисоб-китоблар, техник хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа жорий ва капитал харажатларни қоплашга йўналтирилди.

Мазкур маблағлар сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, инфратузилмани ривожлантириш ва соҳанинг узлуксиз ишлашини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, ҳисобот даврида тизимдаги насос станцияларининг **162 та** насос агрегатлари жорий ҳамда **29 та** насос ва электродвигателлар мукаммал таъмирланиши натижасида **1 825,8 минг гектар** насос станциялари орқали суғориладиган ер майдонларига **27 641,1 млн м^3** сув етказиб берилиб кафолатли сув билан таъминланган.

Сув хўжалиги тизимидаги насос станциялари ҳамда соҳадаги давлат-хусусий шерик шартлари асосида бошқарувга берилган объектлар томонидан ҳисобот даврида жами **2 672,7 млрд сўм** бўлган **2 669,9 млн кВт.соат** *(2025 йилнинг мос даврида 1 239,7 млн кВт.соат)* электр энергияси истеъмол қилинган ҳамда ҳисобот давридан кейинги ой учун олдиндан тўловлар билан бирга жами **3 082,4 млрд сўм** молиялаштириб берилган.

44-диаграмма. Сўв хўжалиги тизимидаги насос станцияларининг электр энергияси харажатларини қоплаш учун ажратилган маблағлар, *млрд сўм*



Шундан, Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси, Наманган насос станциялари ва энергетика бошқармаси, Аму-Сурхон насос станциялари ва энергетика бошқармаси, Аму-Бухоро машина канали, Жиззах бош насос станциялари фойдаланган **1 866,0 млн кВт.соат** электр энергияси учун **2 163,3 млрд сўм** йўналтирилган.

Насос ва электродвигателларни янгилаш йўналиши бўйича.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 августдаги ПҚ-250-сонли Қарори билан ҳисобот даврида вазирлик тизимидаги насос станцияларда хизмат муддатини ўтаб бўлган **31 та насос** ва **30 та** электродвигател харид қилинган ва ўрнатилган. Натижада йилига **4,2 млн кВт.соат** электр энергияси иқтисод қилинишига эришилади.

Энерготежамкор қурилмаларни ўрнатиш йўналиши бўйича



Ҳисобот даврида **2 850 та** ёруғлик диод лампалар, **66 та** конденсатор қурилмалари, **79 та** частота ўзгартирувчи (плавный пуск) қурилмалари, қуввати **1 751 кВт** қуёш фотоэлектр панеллари, **67 та** конденсатор қурилмалари ва **12 км** кабелларини насос станцияларга ўрнатилган.

Бундан ташқари, 2026 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида сув хўжалиги тизимидаги **2 998 км** ирригация тармоқлари тозаланган, **3 141 та** гидропостлар ҳамда **3 054 та** гидротехник иншоотлар таъмирланган.

3.2.4. Аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш



Ободонлаштириш соҳаси йўналишида **республиканинг шаҳар ва туманларида** жами бугунги кунда **232 та** ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг мавжуд штат бирликлари **68,8 минг та**ни ташкил этмоқда.

Ушбу бошқармалар ходимларини сақлаш ҳамда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида **3 349,9 млрд сўм** маблағлар ажратилди. **Жумладан:**

– шаҳар ва туманлар аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлимларидаги мавжуд штат бирликлари, уларга бириктирилган ҳудудларни сақлаш ва бошқа тадбирларга ҳисобот даврида **2 145,1 млрд сўм** ажратилди;

– шаҳар ва туманлардаги дафн этиш жойларини сақлаш ва ободонлаштириш учун ҳисобот даврида **465,2 млрд сўм** ажратилди;

– шаҳар ва туман марказларида мавжуд тик қудуқлар, кузатув қудуқлари ва коллекторларни сақлаш ва жорий харажатлари бўйича ҳисобот даврида **30,4 млрд сўм** ажратилди*;*

– қаровсиз ҳайвонларни тутиш ва сақлаш тадбирларида банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи, сақлаш ва мазкур тадбирлар билан боғлиқ бошқа харажатлар бўйича ҳисобот даврида **17,4 млрд сўм** ажратилди;

– шаҳар/туман ҳокимликлари балансида мавжуд ички йўлларни сақлаш ва жорий таъмирлаш харажатлари бўйича ҳисобот даврида **400,7 млрд сўм** ажратилди;

– бошқа турдаги коммунал ривожлантириш бўйича харажатларга ҳисобот даврида **49,7 млрд сўм** ажратилди.

Ҳукумат қарорларига асосан, ободонлаштириш соҳаси бўйича қабул қилинган Давлат дастурларининг ижроси тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-46-сонли Фармонига асосан, 2026 йилда шаҳар/туман ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидаги кўкаламзорлаштириш ҳудудларига суғориш тизимларини *(386 км)* ва сув чиқариш қудуқларини *(207 дона)* ташкил этиш ҳамда махсус техникалар *(103 дона)* харид қилиш учун **174,5 млрд сўм** маблағлар ажратилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида қуйидаги ишлар амалга оширилди, жумладан:




– шаҳар/туман ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидаги кўкаламзорлаштириш ҳудудларига суғориш тизимларини ва сув чиқариш қудуқларини ташкил этиш учун ажратилган маблағлар доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг туман/шаҳар ҳокимликлари томонидан **207 та** лойиҳалар аниқланиб, бунда, **389 км** суғориш тизимлари ва **207 дона** сув чиқариш қудуқларини ташкил этиш белгилаб олинди.

Ҳисобот даврида объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш учун 207 та объектнинг барчасида белгиланган тартибда лойиҳачи ташкилотлар аниқланиб, шундан, 48 та объектда ишларни амалга ошириш учун пудратчилар аниқланди ҳамда мазкур тадбирлар учун **7,1 млрд сўм** маблағлар молиялаштирилди.





– “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида шаҳар/туман ободонлаштириш бошқармалари тасарруфида амалга оширилган кўкаламзорлаштириш майдонлари ва ўтқазилган дарахт ва буталарни сақлаш ва парвариш қилиш мақсадида бошқармалар моддий техник базасини мустаҳкамлаш учун жорий йилда 103 та махсус техника харид қилиниши режалаштирилган бўлиб, ажратилган маблағлар доирасида белгиланган барча махсус техникаларни харид қилиш бўйича таъминот корхоналари билан шартномалар тузилиши таъминланди ва **96,5 млрд сўм** маблағлар йўналтирилди.





2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 октябрдаги “Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари ҳамда ички хўжалик йўллари инфратузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 665-сонли қарорига мувофиқ, Республиканинг барча туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфидаги **ички кўчаларни сақлаш ва жорий таъмирлаш** *(шу жумладан, тупроқ йўлларни шағаллаштириш)* ишларини амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан 400,7 млрд сўм маблағлар молиялаштирилди.

3.2.5. Экспорт ва бошқа соҳалар

Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан амалга оширилган ишлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 мартдаги “Ташқи савдо ва ҳудудий саноатни ривожлантиришда тадбиркорлар бирлашмаларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ-126-сонли қарори** билан белгиланган молиявий кўмак кўрсатилади. Ҳисобот даврида Давлат бюджетидан **Савдога кўмаклашиш жамғармасига 272,4 млрд сўм** (йил боши қолдиқ 34,7 млрд) маблағ йўналтирилди.

Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш учун **Савдога кўмаклашиш жамғармасидан жами 306,8 млрд сўм** маблағлар ажратилди. Хусусан,

- 235 та тадбиркорлик субъектларининг халқаро кўргазма-ярмарка тадбирларида иштирок этишларида **37,9 млрд сўмлик** молиявий ёрдам ажратилди.

- 24 та тадбиркорлик субъектларига халқаро сертификатларини олиш харажатларини қоплаб беришда **4,6 млрд сўмлик** молиявий ёрдам ажратилди.

- 37 та тадбиркорлик субъектларига маҳсулотларни реклама қилиш ҳамда савдо майдончаларида жойлаштиришда **2,6 млрд сўмлик** молиявий ёрдам ажратилди.

– 238 та тадбиркорлик субъектларига чет элдаги савдо биносини сақлаш ҳамда омборхонани ижарага олишда **33,8 млрд сўмлик** молиявий ёрдам ажратилди.

– 8 та тадбиркорлик субъектларига хориждан малакали дизайнерлар, технологлар, маркетологлар, сифат назоратчилари ва агрономларни жалб қилиш харажатларини қоплаб беришда **1 млрд сўмлик** молиявий ёрдам ажратилди.

– 18 та тадбиркорлик субъектларига суғурта харажатларини қоплаб беришда **5,9 млрд сўмлик** молиявий ёрдам ажратилди.

– **173 та** тадбиркорлик субъектларига миллий брендлар ва маҳсулотларни хорижда тарғиб қилиш бўйича **“Made in Uzbekistan”** дастурини амалга оширишда **133,2 млрд сўмлик** молиявий ёрдам ажратилди.

– бошқа экспорт фаолиятни қўллаб-қувватлаш харажатлари учун **87,8 млрд сўмлик** молиявий ёрдам ажратилди.

Космик фаолияти, космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида амалга оширилган ишлар ва космик мониторингни бўйича

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида “Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан **121,8 млрд сўм** маблағлар ўзлаштирилган бўлиб, қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Давлат космик мониторинги доирасида:

Ер муносабатлари соҳасида космик мониторинг ишлари **Андижон** ва **Сирдарё вилоятлари** бўйича ўтказилди ва **жами 494 та** эҳтимоли юқори бўлган **ўзбошимчалик билан қурилган бино-иншоотлар** мавжудлиги аниқланди, шундан: аҳоли пункти ерларида **264 та**, қишлоқ хўжалиги ерларида **221 та**, ўрмон фонди ерларида **4 та**, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ерларида **5 та**;

Сув омборларининг муҳофаза зоналарида ер участкаларининг **ўзбошимчалик** билан эгаллаб олиниши, бино ва иншоотлар **қурилиш ҳолатлари**ни аниқлаш мақсадида космик мониторинг **9 та** сув омборида (*Қўрғонтепа, Ғирвонсой, Кўксераксой, Варзиқ, Ертикон, Дегрез, Лангар, Деҳқонобод, Кўксарой*) ўтказилди ва **жами 36 та** ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотлар аниқланди.

Геология соҳасида космик мониторинг ишлари **Тошкент** ва **Сирдарё вилоятларида** космик мониторинг ўтказилди ва **жами 71 та (161 га)** эҳтимоли юқори бўлган **ноқонуний қазиш ишлари** олиб борилган ҳолатлар **аниқланди**.

Сув хўжалиги соҳасида 10 та сув омборларида сув сатҳи режими мониторинги йўлга қўйилди. **2026 йил 30 июнь** ҳолатига кўра космик мониторинг орқали олинган маълумотлар қуйидагиларни кўрсатди: **Зомин** сув омборида – **897,81 м**; **Пачкамар** сув омборида – **664,13 м**; **Талимаржон** сув омборида – **391,69 м**; **Тўпаланг** сув омборида – **845,81 м**; **Ҳисорак** сув омборида – **1 минг 104,72 м**; **Тўсинсой** сув омборида – **654,52 м**; **Андижон** сув омборида – **895,3 м**; **Тошкент** сув омборида – **393,19 м**; **Оҳангарон** сув омборида – **1 минг 71,77 м** ва **Чорвоқ** сув омборида – **888,25 м**.

“Қишлоқ хўжалиги экин ерларида сув истеъмоли ҳажмларини аниқлаш” лойиҳаси бўйича **техник топшириқ ишлаб чиқилди**, Сув хўжалиги вазирлиги ва “Ўзбекгидроэнерго” АЖ билан **келишилди** ва **тасдиқланди** *(2026-йил 18 февралдаги 26/11-сон техник топшириқ)*.

Экология соҳасида космик мониторинги **Тошкент** ва **Сирдарё вилоятларида** ўтказилди ва **жами 265 та (35,14 га)** эҳтимоли юқори бўлган **ноқонуний чиқинди майдонлари** ва рухсат этилган **чиқинди полигонида чегара бузилиш ҳолатлари аниқланди**.

Бошоқли дон экинларидан бўшаган (ўримдан сўнг) ер майдонларида **сомонпоялар ва уларнинг қолдиқларини ёқиш** (далалар ёқилиши) ҳолатларини аниқлаш бўйича космик мониторинги **Андижон**, **Бухоро**, **Наманган** ва **Сурхондарё** вилоятларида ўтказилди ва **жами 373 та (3,4 минг га)** ноқонуний ҳолатлар аниқланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида космик мониторинги **Навоий**, **Сирдарё**, **Тошкент**, **Хоразм** ва **Қашқадарё вилоятларида** ўтказилди ва **жами 423 минг 338,3 га** майдонга **ғалла экилганлиги аниқланди**.

Маъмурий-ҳудудий, муҳандислик-коммунал, ичимлик суви билан таъминлаш, оқова сув тизимларини яхшилаш, йўл-транспорт инфратузилмаси, ирригация ва мелиорация ҳамда бошқа объектларда амалга оширилаётган ишлар.

Дастур ижроси юзасидан ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши ҳолати соҳалар кесимида таҳлили қуйидагилардан иборат:

2026 йилги **Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури** доирасида республика аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва оқава сув тизимларини яхшилаш мақсадида Давлат бюджетидан **“Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш”** жамғармасига **1 200 млрд сўм** трансферт маблағлари йўналтирилиши белгиланган.

Жорий йилнинг январь-июн ойларида республика аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва оқава сув тизимларини яхшилаш мақсадида Давлат бюджетидан **“Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш”** жамғармасига **106 та** объектлар учун **489,8 млрд сўм** маблағлар ажратилди.



Ҳисобот даврида ушбу маблағлар ҳисобидан **668,3 млрд сўмлик** қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган бўлиб, **837,2 млрд сўм** молиялаштириб берилди. Жумладан **660 км** ичимлик ва оқова сув тармоқларини тортиш ҳамда **22 та** ичимлик ва оқова сув иншоотларини қуриш ва реконструкци қилиш ишлари бажарилди.



2026 йил якуни билан республика бўйича марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражасини **84 фоиз**гача ҳамда оқова сув хизматлари билан қамраб олиш даражасини **23 фоиз**гача ошириш режалаштирилган. Натижада, қарийб **310 минг нафар** аҳоли илк бор ичимлик сув хизматлари билан таъминланади ҳамда **750 минг нафар** аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланади.

Иссиқлик таъминоти объектларида ҳисобот даврида **289,5 млрд сўмлик** қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, бажарилган ишлар ҳамда аванс тўловлари учун **319 млрд сўм** маблағлар молиялаштирилган.

Ҳисобот даврида иссиқлик таъминоти бўйича **44 та** объектда **72 км** иссиқлик тармоқларини тортиш ҳамда **19 та** иситиш қозонхонаси (котельный) қурилиб фойдаланишга топширилди.

Дастур доирасида 2026 йилда **иссиқлик таъминоти** бўйича жами **44 та** объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, **44 та** объектда **365 км** иссиқлик тармоқларини тортиш ҳамда **30 та** иситиш қозонхонаси (котельный) қурилиб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Йўл-транспорт инфратузилмаси



1. 223 та **йўл хўжалигидаги** объектларда қурилиш ишларини амалга ошириш**,** ўлчов тарозиларини ўрнатиш, техника ва машина-механизмлар харид қилиш учун аванс тўловларини молиялаштириш учун **2 444,1 млрд сўм** трансферт маблағлари йўналтирилди.

Дастур доирасида йил якунида жами **388,4 км** узунликдаги автомобиль йўллари ҳамда **4 646,3** пм кўприклар ва йўл ўтказгичлар қуриш ва таъмирлаш ишлари якунланиб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

2. 2026 йилги дастур доирасида **7 та** темир йўл транспорти ва метро объектларини қуриш ишларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида **21 млрд сўм** маблағлар ажратилди.



Ушбу маблағлар ҳисобига Самарқанд-Ургут электрлаштирилган темир йўл линиясини электрлаштириш орқали **55 км** узунликдаги қимси электрлаштирилади.

Шунингдек, Тошкент метрополитени Сергели йўналишининг «Чинор» бекатини реконструкция қилиш ва 4 та лифт ўрнатиш;

Метрополитен бекатларида йўловчилар хавфсизлик даражасини ошириш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ойнали ҳимоя тўсиқларини ўрнатиш;

Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг 6 та подстанциясида телебошқарув тизимини ўрнатиш;



Тошкент метрополитени Чилонзор ва Юнусобод йўналишлари бекатлари оралиғидаги ер ости тоннеларининг техник ва гидрологик ҳолатини ўрганиш ҳамда металл конструкциялар билан мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилди.

Ирригация ва мелиорация объектлари:

а) Жорий йилги дастур доирасида 262 та **ирригация объектларининг** *(101 та йилдан-йилга ўтувчи, 161 та янгидан бошланувчи)* қурилиш таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Ҳисобот даври якуни билан 101 та йилдан-йилга ўтувчи ва 161 та янгидан бошланувчи объектлар бўйича бажарилган ишлардан келиб чиқиб, **940,9 млрд сўм** маблағ ажратилди.

Жорий йилда инвестиция дастури доирасида ажратилган маблағлар ҳисобига **1 024 км** канал, **32,7 км** лоток тармоқлари, **13,2 км** дамба, **22 та** гидротехник иншоот, **17,3 м^3/сек** сув чиқариш қувватига эга бўлган насос станциялар, **31,8 км** босимли қувурлар, **46 та** суғориш қудуғи, **0,7 млн м^3** ҳажмли сув омбори қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган.





б) Ҳисобот даври якуни билан 43 та *(4 та йилдан-йилга ўтувчи ва 39 та янгидан бошланувчи)* **мелиорация объектлари** бўйича бажарилган ишлардан келиб чиқиб, **88,8 млрд сўм** маблағлар молиялаштирилган.

2026 йилги Инвестиция дастури доирасида ажратилган маблағлар ҳисобига **249,2 км** очиқ, **78,7 км** ёпиқ горизонтал коллектор-дренаж тармоқлари, **19 та** гидротехник иншоот, **40 та** кузатув ва **32 та** тик дренаж қудуқларини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида ирригация ва мелиорация объектларининг техник ҳолати яхшиланиб, лойиҳалар ҳудудидаги **305 минг гектар** майдонларнинг **сув таъминоти** ва **108 минг гектар** суғориладиган ер майдонларининг **мелиоратив ҳолати** яхшиланишига эришилади.





Маъмурий-ҳудудий, муҳандислик-инфратузилма, объектларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш



а) Ҳудудларнинг бош режа, ҳудудларнинг архитектура-режалаштириш лойиҳалари ва схемаларини ҳамда батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишлари учун жорий йилнинг январь-июнь ойларида **73 млрд сўм** молиялаштирилди.

Бунинг натижасида республикамиздаги **270 та** шаҳар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилмоқда.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ҳамда ўрмон хўжалиги объектларини қурилиш-монтаж ишларига **22,5 млрд сўм** маблағ ажратилган.



Ушбу ишларни амалга ошириш натижасида **30 та** ўрмон хўжалиги объектлари ишга тушириш ҳамда **1 та** экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши объектлари ишлари амалга оширилди. Ҳисобот даврида ушбу мақсадлар учун **13 млрд сўм** маблағ ўзлаштирилган.

Қирғоқ бўйи ва бошқа ҳимоя иншоотлари:

Жорий йилги дастур доирасида **79 та** қирғоқ бўйи ва бошқа ҳимоя иншоотларини мустаҳкамлаш объектларида *(**3 та** йилдан-йилга ўтувчи, **76 та** янгидан бошланувчи)* амалга оширилган қурилиш таъмирлаш ишларига ҳисобот даврида **66,1 млрд сўм** маблағлар молиялаштирилган.

Дастур доирасида 2026 йилда Инвестиция дастури доирасида ажратилган маблағлар ҳисобига **102 км** дарё ўзанларини тозалаш, қирғоқларини мустаҳкамлаш ва дамба қуриш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Махсус иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳамда йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш



Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналар ҳамда инвестиция лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун **92 та** объектлар амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишлари учун **410,9 млрд сўм** маблағ молиялаштирилди.

Жумладан:

– Ичимлик сув таъминоти ва канализация тармоқларини қуриш ишларига **98,9 млрд сўм**;

– Автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичларни қуриш ишларига **85 млрд сўм**;

– Ташқи электр тармоқлари билан таъминлаш учун **227 млрд сўм**;

Ушбу ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилиши натижасида қиймати **1,5 млрд АҚШ долларлик 65 та** инвестиция лойиҳалари зарурий инфратузилма билан таъминланди.



Йил якунига қадар ажратилган маблағлар ўзлаштирилиши натижасида саноат зоналаридаги **99 та** объектлар, жумладан, 44 та электр таъминоти объектлари, 28 та ичимлик суви ва оқова сув таъминоти объектлари, 16 та автомобиль йўллари, 7 та табиий газ ва 1 та ирригация объектлари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

IV. Давлат бюджетидан ажратилган субсидиялар

Давлат бюджетидан ажратилаётган субсидиялар иқтисодиётнинг устувор тармоқларини қўллаб-қувватлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда ҳудудларни барқарор ривожлантиришда муҳим молиявий таянч сифатида хизмат қилди.

Мазкур йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг асосий йўналишлари ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматлар нархлари барқарорлигини таъминлаш, иш ўринларини сақлаб қолиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, шунингдек аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига манзилли ёрдам кўрсатишга қаратилди.

Ҳисобот даврида субсидиялар ажратиш жараёни «2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ амалга оширилди. Ҳисобот даврида ушбу йўналишда жами **13 трлн** сўм миқдорида бюджет маблағлари йўналтирилди.

13-жадвал. Давлат бюджетидан ажратилган субсидиялар, *млрд сўм*

Т-р	Соҳалар номи	Сумма
	Жами	**13 049,8**
I	**Ижтимоий аҳамиятга эга**	**5 532,4**
1	Нодавлат мактабгача таълим муассасаларига Давлат бюджетидан субсидиялар	2 020,3
2	Аҳоли томонидан уй-жойлар сотиб олиш учун субсидиялар	815,0
3	Магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловларини бюджет ҳисобидан қоплаб бериш	75,5
4	Давлат-хусусий шериклик ва давлат олий таълим ташкилотларининг буюртмалари асосида талабалар турар жойини барпо этиш бўйича лойиҳалар учун субсидиялар	71,0
5	Талабаларни ойлик ижара тўлови харажатларини бир қисмини компенсация қилиш учун маблағлар	90,6
6	Талабалар турар жойини барпо этган Хусусий шерикларга яшаган ҳар бир талаба учун компенсация тўловлари учун субсидия (БҲМнинг 15 ва 20 баравари)	20,3
7	Автобусда йўловчилар ташишни брутто-шартнома асосида молиялаштириш учун маблағлар	1 100,3
8	Темир йўл орқали маҳаллий йўналишларда йўловчиларни ташиш хизматларини (Public service obligation) кўрсатишдан кўрилган зарарларни компенсация қилиш харажатлари	315,3
9	"Тошкент метрополитени" йўловчилар ташишни субсидиялаш	491,6
10	Шаҳар атрофи, шаҳарлараро ҳамда вилоят ички автобус йўналишларига субсидиялар	0,5
11	Авиаташувчиларга маҳаллий йўналишлардаги авиақатновлар учун чипта нархининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар	11,4
12	Фарғона шаҳридан Сўх туманига кичик авиация транспорти қатнови бўйича кўрилган зарарларни қоплаш учун харажатлар	0,03
13	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида истиқомат қилаётган пенсия ва нафақа олувчилар, ногиронлиги бўлган шахслар учун темир йўл ва авиайўловчилар чипталари имтиёзли тарифлар сотишдан кўрилган зарарни қоплаш харажатлари	16,4
14	Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш учун харажатлар	91,2
15	Ўзгалар парваришига муҳтож вояга етган шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизмати харажатлари	57,7

Т-р	Соҳалар номи	Сумма
16	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшовчи Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларга уй-жойида артезиан қудуқ қазиш, сув насосларини ўрнатиш ҳамда ичимлик суви фильтрларини харид қилиш харажатларини қоплаш учун субсидия	0,5
17	«Заковат» интеллектуал клуби» нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини молиялаштириш харажатлари	25,0
18	Энергия самарадорлигини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	150,0
19	Жисмоний шахсларга тегишли объектларда ўрнатилган қуёш панелларида ишлаб чиқарилган ва ўз истеъмолидан орттириб ягона электр энергетика тизимига узатилган электр энергиясини сотиб олиш учун субсидия	81,5
20	Умумтаълим мактабларида тўгаракларни ташкил этиш ва уларга «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилалар фарзандларини жалб қилиш учун маблағлар	92,8
21	Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш “Илҳом” жамоат фонди	3,0
22	Тошкент ҳайвонот боғига субсидия	2,6
II	**Энергетика соҳаси ва Иссиқлик таъминоти**	**4 976,8**
23	Иссиқлик таъминоти корхоналари учун аҳолига таърифларини паст нархларда ушлаб туриш натижасида кўрилган зарарни қоплаш харажатлари	1 390,6
24	Ички бозорда табиий газни улгуржи сотиб олиш ва сотиш бўйича ихтисослаштирилган компания зарарларини қоплаш ва жорий фаолиятини молиялаштириш учун харажатлар	3 526,0
25	Аҳоли эҳтиёжи учун қўшимча суюлтирилган газ ҳажмларини харид қилишдаги нарх тафовутини қоплаш харажатлари	60,2
III	**Тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолини бандлигини таъминлаш**	**636,9**
26	Туризмни ривожлантириш жамғармаси маблағлари	52,0
27	Савдога кўмаклашиш жамғармасига ажратиладиган маблағлар	272,4
28	Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишни кенгайтириш ва ёшларни янада қўллаб-қувватлаш тадбирлари учун харажатлар	242,0
29	"UzVC" миллий венчур фондни ривожлантириш харажатлари	40,0
	Миллий сериаллар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун республика миқёсида фаолият юритувчи телеканалларга ажратиладиган субсидиялар	5,5
30	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	25,0
IV	**Қишлоқ ва сув хўжалиги**	**1 611,1**
31	Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси тадбирларини молиялаштириш учун ажратилган маблағлар	978,5

Т-р	Соҳалар номи	Сумма
32	Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси	37,5
33	Қишлоқ хўжалиги техникасини, лазерли текислаш, автопилот ускуналарини ҳамда дон уруғ сеялкаларини харид қилишда техника қийматини қисман қоплаб бериш, шунингдек қишлоқ хўжалик техникасини харид қилишга ажратилган лизинг ёки кредитлар бўйича фоизларни қоплаш учун субсидиялар	216,7
34	Пахта хом ашёсини етиштирувчилар томонидан томчилатиб ва дискрет суғориш тизимини жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун харажатлар	23,3
35	Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан боғдорчилик ва узумчилик соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган маблағлар	112,5
36	Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этиш учун субсидиялар	21,9
37	Тут парвонасига қарши курашиш тадбирлари учун харажатлар	22,0
38	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларнинг ҳосилни суғурталаш харажатларининг 50 фоизини субсидиялаш	45,0
39	Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг насос агрегатлари истеъмол қиладиган электр энергияси харажатини қоплаш учун субсидиялар	57,5
40	Хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкилар, шунингдек маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинган бир кунлик жўжаларни сотиб олиш харажатларини ҳамда Мўғулистондан наслли қўй ва эчкилар импорт қилишда ҳаво транспорти орқали ташиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидиялар	1,3
41	Картошканинг «in-vitro» ўсимликлари ва микротуганакларидан 10 миллион дона мини-туганакларни етиштириш харажатлари	19,8
42	Агрокомплекс лойиҳасини молиялаштириш учун «Uzagrostar xolding» компаниясига ажратилган маблағлар (картошка маҳсулотларини сақлаш)	75,0
V	**Геология-қидирув ишлари харажатлари**	**290,0**
VI	**Бошқа субсидиялар**	**2,6**

V. Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлари ҳамда “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш натижалари

Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 83-сонли “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, БРММ

ҳисобга олиниши ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш ҳамда кўриб чиқишда акс эттирилишини таъминлаш белгиланган. Қарорда тасдиқланган **16 та миллий мақсад ва 159 та вазифаси белгилаб олинган.**

Давлат бюджетининг БРММни амалга ошириш учун харажатларини таснифлаш услубиёти ресурсларни тақсимлаш, қўшимча молиялаштиришни талаб қиладиган соҳаларни аниқлаш ва харажатлар самарадорлигини таҳлил қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш жараёнини такомиллаштириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, бюджет маблағларидан фойдаланишда шаффофликни, хабардорлик ва жавобгарликни оширади.

Ҳисобот даврида Давлат бюджетининг харажатлари (давлат мақсадли жамғармаларига ўтказилган трансфертлар билан бирга) **205,6 трлн сўмни** ташкил этиб, жами харажатларнинг **78,5 фоизи** барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларни амалга ошириш билан боғлиқ йўналишларга йўналтирилди.

14-жадвал. Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларни амалга ошириш учун давлат бюджети харажатлари, *млрд сўм*

Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлар	**2026 йил 6 ойлик ижро**	
	Сумма	**Харажатдаги улуши, фоизда**
Жами	**161 304,2**	**78,5**
1-мақсад. Барча жойларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш	23 431,7	11,4
2-мақсад. Озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, овқатланиш рационини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш	847,3	0,4
3-мақсад. Соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги кишиларнинг фаровонлигига кўмаклашиш	23 913,1	11,6
4-мақсад. Умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш	49 091,1	23,9
5-мақсад. Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш	307,9	0,1

Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлар	2026 йил 6 ойлик ижро	
	Сумма	Харажатдаги улуши, фоизда
 **6-мақсад.** Барча учун сув ресурслари ва санитариянинг мавжудлиги ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш	6 481,7	3,2
 **7-мақсад.** Арзон, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан барча учун умумфойдаланиш имкониятини таъминлаш	7 207,4	3,5
 **8-мақсад.** Самарали бандликни ошириш ҳамда эркаклар ва хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш асосида барқарор ва умумқамровли иқтисодий ўсишга кўмаклашиш	1 386,0	0,7
 **9-мақсад.** Барқарор инфратузилмани яратиш, умумқамровли ва барқарор саноатлашув ва инновацияларга кўмаклашиш	9 157,1	4,5
 **10-мақсад.** Мамлакат ичида тенгсизликни унинг барча кўринишларида қисқартириш	287,8	0,1
 **11-мақсад.** Шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг очиқлиги, хавфсизлиги ва экологик барқарорлигини таъминлаш	18 375,7	8,9
 **12-мақсад.** Истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг оқилона моделларига ўтишни таъминлаш	1 595,7	0,8
 **13-мақсад.** Иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши кураш бўйича тезкор чораларни қабул қилиш	667,7	0,3
 **15-мақсад.** Қуруқлик экотизимларини ҳимоялаш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш, ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг емирилишини тўхтатиш ва ортга қайтариш, биохилма-хилликнинг йўқолиб кетиш жараёнини тўхтатиш	642,2	0,3
 **16-мақсад.** Барқарор ривожланиш мақсадлари йўлида тинчликсевар ва очиқ жамиятлар барпо этилишига кўмаклашиш, барча учун одил судлов имкониятидан фойдаланишни таъминлаш ва барча даражаларда самарали, ҳисобдор ва кенг иштирокка асосланган муассасаларни ташкил этиш	4 823,6	2,3
 **17-мақсад.** Барқарор ривожланиш мақсадларида Глобал шериклик доирасида амалга ошириш воситаларини мустаҳкамлаш ва ишларни фаоллаштириш	13 088,1	6,4

Давлат бюджети харажатларининг 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида ижросини «яшил» бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш натижалари

Харажатларни «яшил» бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлашда биринчи навбатда иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитга ижобий ёки салбий таъсирга эга тадбирлар аниқлаб олинади. Иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитга ижобий ёки салбий таъсирга эга тадбирлар қуйидаги **3 та гуруҳга** (атроф-муҳит мақсадлари) ажратилади ҳамда ушбу гуруҳларнинг ҳар бири «ижобий» ва «салбий» таъсири бўйича таҳлил қилинади:

1) Иқлим ўзгариши **таъсирини юмшатиш** тадбирлари;

2) Иқлим ўзгариши **оқибатларига мослашиш** тадбирлари;

3) **Атроф-муҳит масалалари билан** боғлиқ бошқа таъсирлар.

Харажатларни «яшил» бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда ҳар бир бюджет сатри юқорида келтирилган 3 та атроф-муҳит мақсадларига таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан баҳоланса, иккинчи босқичда баҳоланган ҳар бир бюджет сатри қуйидаги 4 та тоифалар бўйича гуруҳланади:

5-расм. Харажатларни «яшил» бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлашда гуруҳлаш



Давлат бюджети харажатларининг 2026 йилнинг биринчи ярим йиллик ижроси «яшил» бюджетлаштириш тамойиллари асосида **таснифлаш натижаларига** кўра:

«A» тоифа бўйича харажатлар миқдори 21,1 трлн сўм бўлиб, жами харажатлардаги улуши 10,2 фоизни ташкил этади.

Ушбу тоифада:

– сув хўжалиги ташкилотларини сақлаш ва сув билан таъминлашга оид тадбирлар харажатлари *(сув тадбирлари иқлим ўзгариши шароитида муҳим ўрин тутади)*;

– ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича харажатлар *(ҳудудларда инфратузилмаларни ривожлантирилиши, ободонлаштириш иқлим ўзгаришига мослаштириш тадбирлари ҳисобланади);*

Т/р	Вазирлик ва идоралар номи	6 ойлик режа	6 ойлик ижро	Фоиз	Изоҳ
	шундан:				
	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағларини шакллантириш	7 333,6	0,0	0,0	
	шу жумладан:				
	Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг хорижий мамлакатларга ташрифларини ҳамда чет эл делегацияларини, давлат ва сиёсий арбобларини қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар	0,8	0,0	0,0	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	137 567,0	109 622,0	79,7	Пудрат ташкилотлари томонидан қурилиш таъмирлаш ишлари режа графигидан кечга қолганлиги сабабли ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмаган.
	Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкий зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармасига трансфертлар	316 000,0	301 000,0	95,3	
25.	**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси**	**1 826 541,4**	**1 690 917,1**	**92,6**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	1 608 496,3	1 473 514,2	91,6	
	шундан:				
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	140 000,0	135 000,0	96,4	
	Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари	140 000,0	135 000,0	96,4	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	119 102,9	119 102,9	100,0	
	«Эл-юрт умиди» жамғармасига трансфертлар	98 942,1	98 300,0	99,4	
26.	**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати**	**67 586,7**	**61 316,2**	**90,7**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	67 586,7	61 316,2	90,7	

Т/р	Вазирлик ва идоралар номи	6 ойлик режа	6 ойлик ижро	Фоиз	Изоҳ
27.	**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси**	**91 044,8**	**79 609,1**	**87,4**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	91 044,8	79 609,1	87,4	
28.	**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)**	**11 107,3**	**10 003,7**	**90,1**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	11 107,3	10 003,7	90,1	
29.	**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси**	**1 551 532,4**	**1 515 310,1**	**97,7**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	1 434 521,1	1 411 092,4	98,4	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	117 011,3	104 217,7	89,1	
30.	**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**	**1 007 242,7**	**988 814,0**	**98,2**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	1 002 652,7	984 224,0	98,2	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	4 590,0	4 590,0	100,0	
31.	**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди**	**9 278,2**	**9 138,4**	**98,5**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	9 278,2	9 138,4	98,5	
32.	**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши**	**31 270,6**	**29 295,4**	**93,7**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	31 270,6	29 295,4	93,7	
33.	**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси**	**14 587,3**	**14 348,7**	**98,4**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	14 587,3	14 348,7	98,4	

Т/р	Вазирлик ва идоралар номи	6 ойлик режа	6 ойлик ижро	Фоиз	Изоҳ
34.	**Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси**	**436 488,9**	**413 492,6**	**94,7**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	387 884,1	383 321,9	98,8	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	9 917,8	9 917,8	100,0	
	«O‘zbekiston 24» ва «Mahalla» телерадиоканалларини республика ҳудудида эфирга узатишни тўлиқ HD форматга ўтказиш харажатлари	9 917,8	9 917,8	100,0	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	48 604,8	30 170,7	62,1	Ўзбекистон МТРКнинг Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси 69-уйда жойлашган бинолари ҳамда Телерадиомаркази биносини мукаммал таъмирлаш ҳамда Ўзбекистон МТРКнинг Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси 69-уйда жойлашган ҳудудида янги бино қуриш объектлари пудрат ташкилоти томонидан қурилиш таъмирлаш ишлари режа графигидан кечга қолганлиги сабабли маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмаган.
35.	**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги**	**21 420,0**	**21 261,4**	**99,3**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	21 420,0	21 261,4	99,3	
36.	**Республика Маънавият ва маърифат маркази**	**64 468,9**	**64 210,7**	**99,6**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	64 468,9	64 210,7	99,6	
	шундан:				
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	49 500,0	49 500,0	100,0	
	Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасига бюджетдан ажратиладиган маблағлар	49 500,0	49 500,0	100,0	
37.	**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази**	**9 188,4**	**8 914,4**	**97,0**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	9 188,4	8 914,4	97,0	

Т/р	Вазирлик ва идоралар номи	6 ойлик режа	6 ойлик ижро	Фоиз	Изоҳ
38.	**Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши**	**310 000,0**	**310 000,0**	**100,0**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	310 000,0	310 000,0	100,0	
39.	**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси**	**330 106,4**	**300 233,2**	**91,0**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	319 887,9	293 622,9	91,8	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	50 000,0	50 000,0	100,0	
	Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	50 000,0	50 000,0	100,0	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	10 218,5	6 610,3	64,7	Тошкент шаҳридаги Ўсимлик моддалари кимёси илмий-текшириш институти лаборатория биносини реконструкция қилиш объектида ишлар буюртмачи томонидан тўғри ташкил этилмаганлиги сабабли ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмаган.
40.	**Ўзбекистон Бадиий академияси**	**123 796,6**	**106 242,8**	**85,8**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	120 279,5	104 082,9	86,5	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	3 517,2	2 159,9	61,4	Ҳисобот даврида объектлар бўйича экспертиза хулосалари олинмаганлиги сабабли ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмаган.
41.	**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги**	**28 957,5**	**28 697,3**	**99,1**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	28 957,5	28 697,3	99,1	
42.	**Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси**	**64 613,7**	**63 371,0**	**98,1**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	64 613,7	63 371,0	98,1	

Т/р	Вазирлик ва идоралар номи	6 ойлик режа	6 ойлик ижро	Фоиз	Изоҳ
43.	**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги**	**65 914,5**	**65 366,4**	**99,2**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	65 914,5	65 366,4	99,2	
44.	**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги**	**9 433,1**	**8 955,5**	**94,9**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	9 433,1	8 955,5	94,9	
45.	**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани)**	**1 855,2**	**1 683,1**	**90,7**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	1 855,2	1 683,1	90,7	
46.	**«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси**	**462,0**	**339,1**	**73,4**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	462,0	339,1	73,4	
47.	**Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази**	**6 391,3**	**4 591,7**	**71,8**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	6 391,3	4 591,7	71,8	
48.	**Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги**	**4 023,9**	**3 822,9**	**95,0**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	4 023,9	3 822,9	95,0	
49.	**Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси**	**586 215,4**	**579 161,1**	**98,8**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	586 215,4	579 161,1	98,8	

Т/р	Вазирлик ва идоралар номи	6 ойлик режа	6 ойлик ижро	Фоиз	Изоҳ
50.	**Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги**	**167 161,1**	**143 986,9**	**86,1**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	108 398,1	104 140,3	96,1	
	шундан:				
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	80 762,1	78 510,2	97,2	
	маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, шунингдек археологик ишлар учун харажатлар	79 438,5	77 591,0	97,7	
	давлат музейларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун харажатлар	1 323,5	919,2	69,5	Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда сифатли бўлиши ҳамда тайёрлаш жараёнларини мураккаблиги учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш жараёнлари чўзилганлиги натижасида ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмаган.
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	58 763,0	39 846,5	67,8	Наманган вилояти Аҳсикент археология ёдгорлик мажмуасида очиқ осмон остидаги музей биноларини қуриш объектида археологик қазиш ва ковлаш ишларининг халқаро мутахассислар иштирокида амалга оширилиши ва мазкур ишлар учун белгиланган муддатнинг узоқроқ даврни талаб қилганлиги сабабли маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмаган.
51.	**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги**	**9 991 851,8**	**9 544 556,2**	**95,5**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	9 635 548,0	9 317 543,1	96,7	
	шундан:				
	кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўлаш учун ажратилган маблағлар	1 836 918,1	1 831 235,6	99,7	

Т/р	Вазирлик ва идоралар номи	6 ойлик режа	6 ойлик ижро	Фоиз	Изоҳ
	ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ногиронлик нафақасини тўлаш учун ажратилган маблағлар	1 048 999,3	1 045 034,3	99,6	
	меҳнатга лаёқатсиз ва зарур иш стажига эга бўлмаган фуқароларга ҳамда ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оналарга нафақаларни тўлаш учун ажратилган маблағлар	3 175 575,6	3 165 075,1	99,7	
	бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақани (суюнчи пулини) тўлаш учун ажратилган маблағлар	94 792,5	89 495,4	94,4	Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақани (суюнчи пулини) тўлаш бўйича 100 168 та аризалар келиб тушган бўлиб, ҳисобот даврида барча аризалар тўлиқ қаноатлантирилган.
	дафн маросими харажатларини қоплаш учун ажратилган маблағлар	157 304,6	149 414,2	95,0	
	муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш учун харажатлар	91 256,4	91 234,3	100,0	
	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшовчи Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларга уй-жойида артезиан қудуқ қазиш, сув насосларини ўрнатиш ҳамда ичимлик суви фильтрларини харид қилиш харажатларини қоплаш учун субсидия	623,9	523,9	84,0	Субсидия олувчилар бўйича амалда шаклланган эҳтиёж режалаштирилган кўрсаткичдан кам бўлганлиги ҳамда маблағлар фақат тасдиқланган харажатлар доирасида ажратилганлиги сабабли маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмаган.
	Эҳтиёжманд оилаларга табиий газ ва электр энергияси истеъмолининг базавий меъёрдан ошган қисми учун компенсация тўлови харажатлари	88 156,3	88 153,9	100,0	
	етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш учун харажатлар	140 063,6	86 900,7	62,0	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 12 декабрь кунидаги ПФ-259-сонли Фармони шартларига асосан етим болларга уй-жойларни харид қилиш “Таклиф сўрови” орқали амалга оширилмоқда. Ҳисобот даврида янги тизимда ишлаш жараёнида аҳоли ўртасида

Т/р	Вазирлик ва идоралар номи	6 ойлик режа	6 ойлик ижро	Фоиз	Изоҳ
					тушунмовчиликлар бўлганлиги сабабли маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмаган. Йил давомида ажратилган маблағ тўлиқ ўзлаштирилиши таъминланади.
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	38 113,7	27 013,3	70,9	Объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва лойиҳа топшириқларини келишиш жараёнлари сезиларли муддатга чўзилиб кетиши оқибатида ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмаган. Бугунги кунда барча объектларни қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, маблағлар тўлиқ ўзлаштирилган.
	Ижтимоий суғурта жамғармасига трансфертлар	318 190,0	200 000,0	62,9	Ижтимоий суғурта жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг бошқа манбалари мавжудлиги ҳамда жамғарма ҳисобидан амалга оширилиши лозим бўлган тўловлар қолдиқ маблағлар ҳисобидан тўлиқ амалга оширилганлиги сабабли, Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларга эҳтиёж кам бўлган ва ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмаган.
52.	**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди**	**754 514,6**	**754 428,3**	**100,0**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	754 514,6	754 428,3	100,0	
	шундан:				
	маҳаллаларнинг бошқарув тизими фаолиятини молиялаштириш учун маблағлар	546 565,1	546 565,1	100,0	
53.	**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги**	**392 580,4**	**379 323,5**	**96,6**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	392 580,4	379 323,5	96,6	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	306 755,5	306 755,5	100,0	

Т/р	Вазирлик ва идоралар номи	6 ойлик режа	6 ойлик ижро	Фоиз	Изоҳ
	Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишни кенгайтириш ва ёшларни янада қўллаб-қувватлаш ҳамда субсидиялар учун маблағлар	242 000,0	242 000,0	100,0	
	2026 йил Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган 46-бутунжаҳон шахмат олимпиадасига комплекс тайёргарлик кўриш учун харажатлар	34 800,3	34 800,3	100,0	
	Жаҳонда машҳур бўлган китобларни таржима қилиш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш харажатлари	4 955,2	4 955,2	100,0	
	«Заковат» интеллектуал клуби харажатлари	25 000,0	25 000,0	100,0	
54.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги**	**86 866,2**	**19 419,9**	**22,4**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	86 866,2	19 419,9	22,4	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	67 375,3	0,0	0,0	
	эталонлар ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини харид қилиш учун харажатлар	67 375,3	0,0	0,0	Эталонлар ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини харид қилиш бўйича тендер савдоларини кечикиши сабабли маблағлар ўзлаштирилмаган. Ҳисобот даврида жами 61,3 млрд сўмлик эталон бўйича тендер эълонга жойлаштирилган бўлиб, шундан 32,2 млрд. сўмлик тендер савдолари якунланган. Қолган 29,1 млрд сўмлик эталон учун ҳужжатлар қабули давом этмоқда.
55.	**Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси**	**36 184,6**	**31 246,3**	**86,4**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	36 184,6	31 246,3	86,4	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	14 224,8	14 224,8	100,0	

Т/р	Вазирлик ва идоралар номи	6 ойлик режа	6 ойлик ижро	Фоиз	Изоҳ
	Оила ва хотин-қизлар қўмитасини ривожлантириш ва ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш	14 224,8	14 224,8	100,0	
56.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси**	**29 295,8**	**26 158,4**	**89,3**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	29 295,8	26 158,4	89,3	
57.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергияси агентлиги**	**22 964,8**	**18 496,2**	**80,5**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	22 964,8	18 496,2	80,5	
58.	**Ўзбекистон Республикаси Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги**	**803,8**	**771,1**	**95,9**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	803,8	771,1	95,9	
59.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси**	**14 502,2**	**14 390,5**	**99,2**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	14 502,2	14 390,5	99,2	
60.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси**	**5 750,0**	**5 672,5**	**98,7**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	5 750,0	5 672,5	98,7	
61.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги**	**99,0**	**0,0**	**0,0**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	99,0	0,0	0,0	

Т/р	Вазирлик ва идоралар номи	6 ойлик режа	6 ойлик ижро	Фоиз	Изоҳ
62.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси**	**6 285,2**	**6 132,3**	**97,6**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	6 285,2	6 132,3	97,6	
63.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Энергия самарадорлиги миллий агентлиги**	**235 481,8**	**185 437,5**	**78,7**	
	шу жумладан:			0,0	
	жорий харажатлар	235 481,8	185 437,5	78,7	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	200 000,0	150 000,0	75,0	
	Энергия самарадорлигини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш	200 000,0	150 000,0	75,0	
64.	**Ўзбекистон Республикаси Телекоммуникацияларни тартибга солиш агентлиги**	**126,3**	**108,1**	**85,6**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	126,3	108,1	18,2	
65.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги**	**26 602,3**	**18 483,0**	**69,5**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	26 602,3	18 483,0	69,5	
66.	**Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси**	**18 779,9**	**18 408,2**	**98,0**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	18 779,9	18 408,2	98,0	

Т/р	Вазирлик ва идоралар номи	6 ойлик режа	6 ойлик ижро	Фоиз	Изоҳ
67.	**Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси**	**134 449,6**	**101 890,6**	**75,8**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	97 847,0	70 407,2	72,0	
	шундан:				
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	25 200,0	15 005,4	59,5	
	Кадастр агентлиги томонидан маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш учун харажатлар	25 200,0	15 005,4	59,5	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	36 602,6	31 483,4	86,0	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 февралдаги ПҚ-73-сон қарорига асосан бош режалар, ҳудудларнинг архитектура-режалаштириш ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишлари бўйича буюртмачи ташкилоти ўзгартирилган. Шунингдек, бош режаларни ишлаб чиқиш ишлари тасдиқланган режа-графикда белгиланган муддатларга нисбатан кечиктириб бажарилганлиги сабабли ажратилган маблағлар ўз вақтида ўзлаштирилмаган.
68.	**Бошқа ташкилотлар**	**39 586 799,1**	**39 505 764,8**	**99,8**	
	шу жумладан:				
	жорий харажатлар	38 834 589,0	38 811 924,2	99,9	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	752 210,1	693 840,6	92,2	Пудрат ташкилотлари томонидан қурилиш таъмирлаш ишлари режа графигидан кечга қолганлиги сабабли ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмаган.

VIII. Камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг яшаш даражасини ошириш тадбирларини молиялаштириш

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳоли турмуш даражасини ошириш, ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш, янги иш ўринларини яратиш ва узлуксиз даромад манбаларини шакллантириш ҳамда таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилинг январь-июнь ойларида аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва иш ўринларини “соя”дан чиқариш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти ва бандлик дастури доирасида 2,7 миллион аҳоли даромади оширилди, 506 минг аҳоли доимий ишга жойлаштирилди, 546 минг норасмий бандлар фаолияти легаллаштирилди.

Мақсадли кўрсаткичларга қуйидагилар ҳисобига эришилди:

(**а**) **маҳалла ихтисослашувини чуқурлаштириш**га қаратилган **101 мингта микролойиҳалар** ***(“Сайхунобод”** тажрибаси)* ишга туширилди;

*Жумладан, **юридик шахсларда 35 мингта** микролойиҳа амалга оширилди ва **106 минг аҳоли даромади оширилганлиги** солиқ органлари томонидан тасдиқланди.*

(**б**) **кичик ва ўрта бизнес**га жами **76 трлн сўм,** шундан **тадбиркорлик дастурлари** доирасида **19 трлн сўм кредитлар** ажратилди;

*Жумладан, **оилавий тадбиркорлик дастури – 2,9 трлн сўм**, **“Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” – 3 трлн сўм**, **“Бизнесга биринчи қадам” – 2,9 трл сўм** ва **“Маҳалла лойиҳаси” – 9,8 трлн сўм**.*

(**в**) **“Osonish.uz”** платформасида **214 минг иш қидирувчи** резюмесини жойлаштирди, **33 мингта иш берувчи** рўйхатдан ўтди ва **48 мингта бўш иш ўрни** эълон қилиниб, **75 минг** аҳоли барқарор ишга эга бўлди;

(**г**) манзилли дастурлар доирасида **780 минг аёллар**, **641 минг ёшлар** ва **22 минг ногиронлар** даромадли меҳнат билан таъминланди;

(**д**) давлат ва хусусий касбий таълим ташкилотларида **51 минг нафар** фуқаролар **касб-ҳунарга ўқитилди**.

*Шундан **42 минг** хотин-қизлар, **19 минг** ёшлар, **2,4 минг** миграциядан қайтган ва **10 минг** ижтимоий реестрдаги фуқаролар.*

Камбағалликни қисқартириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

– “Индивидуал режалар” асосида **294 мингта** камбағал оилага ёки **1,3 миллион** аҳолига **376 мингта** хизматлар кўрсатилди (режа ижроси 228 %);

Шундан 105 минг нафари доимий ишга жойлаштирилди, 41 мингига молиявий хизматлар кўрсатилди, 218 минги тадбиркорликка жалб қилинди ва 12 минги касб-ҳунарга ўқитилди.

– йил бошидан “Ижтимоий реестр”даги **275 мингта** камбағал оила ёки **1,2 миллион** аҳолининг расмий даромади ва моддий-мулкий аҳволи яхшиланган натижасида камбағалликдан чиқарилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги ПФ-143-сонли Фармони ҳамда ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “«Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-330-сонли қарори қабул қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 декабрдаги ПФ-223-сонли Фармонида ҳар бир туман ва шаҳарда ҳудуднинг иқтисодий ўсишига туртки берувчи саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш йўналишларида **5 тадан драйвер** лойиҳаларни амалга ошириш вазифаси белгиланган.

Туман ва шаҳарларнинг мавжуд ихтисослашуви ҳамда иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилган **“драйвер” лойиҳаларни** қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мазкур лойиҳаларни самарали жорий этиш учун зарур муҳандислик-коммуникация тармоқлари, транспорт ва логистика инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, инвестицияларни жалб қилиш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қилувчи комплекс чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилмоқда.

Ҳудудларда 2026 йилда **саноат**, **қишлоқ хўжалиги** ҳамда **хизмат кўрсатиш** йўналишларида тадбиркорликнинг ривожланишига туртки берувчи **286 та** “драйвер” лойиҳаларни зарур инфратузилма билан таъминлаш учун республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга **1 трлн сўм** маблағ ажратилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мазкур ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳудудий ҳокимият органлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги “Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш” жамғармаларига **458,3 млрд сўм** маблағлар ўтказиб берилди.

Бунда, йил давомида **286 млрд сўмлик** йўл инфратузилмаси, **96 млрд сўмлик** электр, **44 млрд сўмлик** ичимлик ва оқова сув, **171 млрд сўмлик** суғориш суви таъминотини яхшилаш тадбирлари, **430 млрд сўмлик** ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини амалга ошириш режалаштирилган.

Ажратилган маблағлар ҳисобидан **437 та** инфратузилма объектларида қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунда **418 та** *(96 фоиз)* объектда лойиҳачи ташкилот аниқланган бўлса, **381 та** *(87 фоиз)* объектда пудратчи аниқланган ва **қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланган**.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ажратилган маблағларнинг **367 млрд сўми** (35 фоиз) молиялаштирилиб, **333 млрд сўмлик** (32 фоиз) ишлар бажарилди.

Хусусан, йўл инфратузилмасига **121,7 млрд сўм**, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга **123,9 млрд сўм**, ирригация тармоқларини ривожлантиришга **72 млрд сўм**, ичимлик ва оқова сув таъминотини яхшилашга **25,4 млрд сўм**, электр тармоқлари тортишга **24 млрд сўм** молиялаштирилди.

***Мисол учун**, Самарқанд вилояти Қўшработ туманининг Қўрғон, Тоз ва Урганжи маҳаллаларидаги сув таъминоти оғир бўлган **45 гектар** ер майдонларининг суғориш тизимини яхшилаш учун насос, қуёш панели ўрнатиш, артезиан қудуқ қазиш, трансформатор ўрнатиш ва электр кабель тортиш ишларига **2,7 млрд сўм** ажратилиб, пудратчилар томонидан **1 млрд сўмлик** ишлар бажарилди. Бунинг натиажсида экин ерларидан самарали фойдаланиш орқали **110 нафар** аҳоли бандлиги таъминланиши режалаштирилган.*

6-расм

2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида ажратилган маблағларнинг молиялаштирилиши ва ишлар бажарилиши



Драйвер лойиҳаларни амалга ошириш натижасида йил якуни билан **50,2 минг нафар** аҳоли даромадини ошириш, **5,1 минг**та янги тадбиркорлар фаолиятини йўлга қўйиб, **1,8 мингта** мавжуд тадбиркорлар фаолиятини кенгайтириш режалаштирилган.

Аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уларни замонавий инфратузилма билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар доирасида 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида “Янги Ўзбекистон қиёфаси”даги ҳамда “оғир” тоифадаги туман (шаҳар) ва маҳаллаларни комплекс ривожлантириш бўйича белгиланган дастурлар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 октябрдаги “Алоҳида туман (шаҳар) ва маҳаллаларни аҳолининг яшаши ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ-298 сонли** қарорига мувофиқ **2026 йилда “Янги Ўзбекистон қиёфаси”** мақоми берилган туман(шаҳар)лар дастурлари ҳамда **“Янги Ўзбекистон қиёфаси”даги** маҳаллалар дастурлари учун **маблағларни ажратилиши ва лойиҳаларни ижроси** бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда.

1.1 Жорий йилда **“Янги Ўзбекистон қиёфаси”** мақоми берилган **33 та** туман (шаҳар)ларда аҳолининг яшаши ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун намунали ҳудудга айлантиришга қаратилган “Тараққиёт ва етакчилик маскани” дастурлари тасдиқланиб, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга жами **2,3 трлн сўм** маблағлар ажратилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мазкур ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳудудий ҳокимият органлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” жамғармаларига **1,4 трлн сўм** маблағлар ўтказиб берилди.

Ҳисобот даврида **1 340 та** объектдан **1 333 тасида** лойиҳачи ташкилотлар аниқланиб, **905 тасида (68%)** пудратчилар аниқланиб, қурилиш ишлари бошланган. **519 млрд сўм (13%)** маблағлар ўзлаштирилиб, **345 млрд сўм (9%)**лик ишлар бажарилган.

Мазкур дастурлар орқали **404 та** лойиҳалардаги 508 та объектлар доирасида **503 км** йўлни асфалтлаш, **29 дона** кўприк қуриш, **340 км** электр тармоғи тортиш, **209 дона** трансформатор ўрнатиш, **215 км** ичимлик, **68 км** оқова сув, **51 км** суғориш (ирригация) тармоғи тортиш, **310 км** пиёдалар ва велосипед йўлаклари ташкил қилиш каби тадбирларни амалга ошириш белгилаб олинди.

***Жумладан**, Фарғона вилояти, Қува туманига ажратилган **30 млрд сўм** маблағлар доирасида **7 та** лойиҳадаги 9 та объектларда ишлар амалга оширилиб, йил якуни билан **338 та** янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиши ва **955 та** янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.*

***Мисол учун**, "Каркидон" туризм комплекси ҳудудида "Гуллар боғи"ни ташкил этиш учун **11,2 млрд сўм** ажратилиб, **5,5 км** электр тармоғи, **12 км** томчилаб суғориш тизими тортиш**, 76 дона** ёритиш тизими ўрнатиш**, 3,9 туп** дарахт экиш каби тадбирлар амалга оширилади.*

Дастурлар натижасида **2026 йил якуни билан 8,5 мингта** янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш, **35,7 минг**та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

1.2 Шунингдек, **"Янги Ўзбекистон қиёфаси"** мақоми берилган **330 та** маҳаллага шаҳар муҳити ва яшаш шароитларини олиб кириш бўйича "Тараққиёт ва етакчилик маскани" дастурлари тасдиқланиб, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга жами **1,6 трлн сўм** маблағлар ажратилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мазкур ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳудудий ҳокимият органлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" жамғармаларига **1,2 трлн сўм** маблағлар ўтказиб берилди.

Ҳисобот даврида **833 та** объектдан барчасида лойиҳачи ташкилотлар аниқланиб, **818 тасида (98%)** пудратчилар аниқланиб, қурилиш ишлари бошланган. **824 млрд сўм (48%)** маблағлар ўзлаштирилиб, **652 млрд сўм (38%)**лик ишлар бажарилган.

Мазкур дастур орқали маҳаллаларда **674 та** лойиҳалардаги **833 та** объектларда доирасида **996 км** йўлни асфалтлаш, **113 км** тупроқ йўлларни шағаллаштириш, **22,6 минг** дона кўча ёритиш чироқлари ўрнатиш, **884 км** электр линияси тортиш, **453 дона** трансформатор ўрнатиш, **307 км** ичимлик, **53 км** суғориш (ирригация) тармоғи тортиш каби тадбирлар амалга оширилади.

Натижада, **5 мингта** янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш орқали **22 минг** та янги иш ўринлари яратиш, **9 мингта** аҳолининг даромадини ошириш режалаштирилган.

***Мисол учун**, Наманган вилояти, Поп тумани **"Чиғаноқ" маҳалласига** ажратилган **5,0 млрд сўм** маблағлар ҳисобига **3,6 км** йўлни асфалтлаш, **2,5 км** пиёдалар йўлаги қуриш ҳамда **1 та** ижтимоий объектда таъмирлаш ишларини бажариш натижасида **21 та** янги тадбиркорлар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.*

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 февралдаги “2026 йилда ҳудудларни янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ-49 сонли** қарорига мувофиқ **“Оғир тоифадаги”** туманлар, шунингдек **“Оғир тоифадаги”** маҳаллаларнинг Ислоҳот дастурлари учун **маблағларни ажратилиши ва лойиҳаларни ижроси** бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда.

2.1 Танлаб олинган **37 та** “оғир” туманларнинг ихтисослашуви, географик жойлашуви ва бошқа инфратузилмавий имкониятларидан келиб чиқиб “солиштирма устунлик” йўналишларини ишга солишга қаратилган Дастурлар тасдиқланиб, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга **1,1 трлн сўм,** маҳаллий бюджетдан **160 млрд сўм** маблағлар ажратилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мазкур ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳудудий ҳокимият органлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” жамғармаларига **835,8 млрд сўм** маблағлар ўтказиб берилди.

Ҳисобот даврида **1 883 та** объектдан **1 880 тасида** лойиҳачи ташкилотлар аниқланиб, **1 274 тасида (68%)** пудратчилар аниқланиб, қурилиш ишлари бошланган. **733 млрд сўм (15%)** маблағлар ўзлаштирилиб, **501 млрд сўм (10%)**лик ишлар бажарилган.а

Мазкур дастурлар орқали **439 та** лойиҳалардаги **604 та** объектлар **доирасида 807 км** йўлни асфалтлаш, **240 км** пиёдалар ва велосипед йўлаклари ташкил қилиш, **121 км** ичимлик, **62 км** оқова сув, **99 км** суғориш (ирригация) тармоғи тортиш, **179 дона** трансформатор ўрнатиш, **451 км** электр линияси тортиш каби тадбирларни амалга ошириш белгилаб олинди.

Натижада, **6,8 мингта** янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш, **2,1 тасининг** фаолиятини кенгайтириш орқали **36,1 минг** нафар аҳолини банд қилиш режалаштирилган.

*Мисол учун, Хоразм вилояти, Қўшкўпир туманида “Баҳористон” маҳалласидаги жамоат паркини аҳоли дам олиш масканига айлантириш учун ажратиладиган **4,4 млрд сўм** маблағ ҳисобидан **500 метр** асфалтлаш, **1,6 км** пиёдалар йўлаги қуриш, **90 дона** тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш тадбирлари амалга оширилади.*

*Лойиҳа доирасида **15 та** тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, **50 нафар** аҳоли банд қилинади.*

2.2 Шунингдек, Камбағаллик даражаси юқори бўлган **913 та** “оғир” маҳаллаларнинг ихтисослашувини чуқурлаштиришга қаратилган Дастурлар тасдиқланиб, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга жами **1,8 трлн сўм** республика бюджетидан ва **458,6 млрд сўм** маблағлар маҳаллий бюджетдан ажратилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мазкур ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳудудий ҳокимият органлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” жамғармаларига **1,4 трлн сўм** маблағлар ўтказиб берилди.

Ҳисобот даврида **1 309 та** объектдан барчасида лойиҳачи ташкилотлар аниқланиб, **1 298 тасида (99%)** пудратчилар аниқланиб, қурилиш ишлари бошланган. **1 283 млрд сўм (46,7%)** маблағлар ўзлаштирилиб, **1 008 млрд сўм (36,6%)**лик ишлар бажарилган.

Мазкур дастур орқали **1 279 та** лойиҳалар **доирасида 1,2 минг км** йўлни асфалтлаш, **262 км** пиёдалар ва велосипед йўлаклари ташкил қилиш, **189 км** ичимлик, **4 км** оқова сув, **194 км** суғориш (ирригация) тармоғи тортиш, **734 дона** трансформатор ўрнатиш, **1,8 минг км** электр линияси тортиш каби тадбирларни амалга ошириш белгилаб олинди.

Натижада, **9,6 мингта** янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш, **3,6 мингтасининг** фаолиятини кенгайтириш орқали **26 минг нафар** аҳолини банд қилиш режалаштирилган.

*Мисол учун, Марғилон шаҳар “Косибчилик” маҳалласига ажратилган **3 млрд сўм** маблағ ҳисобидан **2 дона** ТП ўрнатиш, **7 км** электр тармоқлари тортиш, **800 метр** ички йўлларни таъмирлаш орқали маҳаллада саноат, савдо ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун шароит яратилади.*

Ўз навбатида, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган тадбирларни молиялаштириш учун давлат бюджети харажатларининг **10,3 фоизи** ёки **21,2 трлн** сўм миқдоридаги маблағлар йўналтирилди.

IX. Ташаббусли бюджет жараёнлари

Ташаббусли бюджет жараёни йилдан-йилга фуқаролар ўртасида янада кенг оммалашиб бормоқда. Жойларда аҳоли давлат бюджети маблағларини тақсимлашда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Ушбу жараён фуқаролар ҳаётига тобора чуқур кириб бориб, анъанавий механизмга айланиб улгурди.

Ташаббусли бюджет жараёнининг 2026 йил биринчи мавсуми мазкур амалиётнинг **ўнинчи – юбилей мавсуми** сифатида ўтказилди.

Ушбу мавсумда аввалги мавсумларда кетма-кет ғолиб бўлган **1 253 та** маҳаллага “**танаффус**” амалиёти қўлланди ва уларга лойиҳа киритиш чекланди.

Натижада, қолган **7 736 та** маҳаллаларнинг барчаси ўз ташаббуслари билан иштирок этди ва фуқаролар томонидан жами **21 мингдан** ортиқ лойиҳа илгари сурилди.

Аҳоли овоз беришда ҳам фаол иштирок этди – жами **10,2 миллиондан** ортиқ овозлар берилиб, бу умумий аҳоли сонига нисбатан 27 фоизни ташкил этди.

17-жадвал. Ташаббусли бюджет жараёнининг 2026 йил биринчи мавсуми бўйича

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Жами овоз сони** (минг киши)	**Жами аҳоли сонига нисбатан** *(фоиз)*
	ЖАМИ	**10 284**	**27%**
1	Қорақалпоғистон Республикаси	546	27%
2	Андижон вилояти	884	25%
3	Бухоро вилояти	599	28%
4	Жиззах вилояти	424	27%
5	Қашқадарё вилояти	1 252	34%
6	Навоий вилояти	285	26%
7	Наманган вилояти	927	29%
8	Самарқанд вилояти	1 335	30%
9	Сурхондарё вилояти	790	26%

Т/р	Ҳудуд номи	**Жами овоз сони** (минг киши)	**Жами аҳоли сонига нисбатан** *(фоиз)*
10	Сирдарё вилояти	244	26%
11	Тошкент вилояти	865	27%
12	Фарғона вилояти	1 128	27%
13	Хоразм вилояти	655	32%
14	Тошкент шаҳри	351	11%

Айрим ҳудудларда иштирок даражаси юқори бўлди — масалан, **Қашқадарёда** 34 фоиз, **Хоразмда** 32 фоиз, **Самарқандда** 30 фоиз аҳоли овоз берди. Бу рақамлар аҳолининг ташаббусли бюджет жараёнларига қизиқиши ва ишончини кўрсатади.

9.1. Янги амалиётлар

Ушбу мавсумда икки муҳим янгилик жорий этилди: **биргаликда молиялаштириш** ва **депутат ташаббуси**.

Биргаликда молиялаштириш амалиёти доирасида фуқароларга ихтиёрий равишда ўзларининг лойиҳасини қийматини 50 фоизини молиялаштириш орқали **овоз тўпламасдан ғолиб бўлиш** имконияти яратилди.

Бунда фуқароларни ушбу жараёнга жалб этиш ҳамда хабардорлигини ошириш мақсадида барча туман ва шаҳарларда маҳалла фуқароларига семинарлар ташкил этилди ва тарқатма материаллар тарқатилди.

Натижада фуқаролар томонидан **561 та** шериклик лойиҳаси илгари сурилди, шундан **16 таси** бўйича лойиҳа қийматининг 50 фоизи аҳоли томонидан тўпланиб муддатидан аввал ғолиб деб топилди.

Ушбу лойиҳаларни молиялаштириш учун фуқаролар томонидан жами **3,3 млрд сўм** маблағлар тўпланди.

Ғолиб лойиҳалардан **13 таси** ички йўлларни таъмирлашга оид бўлиб, аҳоли асосан 50–500 млн сўмлик лойиҳаларни молиялаштирди. Бунда, ғолиб бўлган шериклик лойиҳаларининг **7 таси Қашқадарё** вилоятига тўғри келиб, умумий ғолиб лойиҳаларнинг 44 фоизини ташкил этди.

Депутат ташаббуси амалиёти эса сайловчилар овоз берган, лекин ғолиб бўлмаган лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш имконини берди.


Депутатлар сайловчилар билан муҳокама асосида **149 та** лойиҳани танлаб, **“қўшимча ғолиб**” сифатида эълон қилди.

*Мисол учун, овоз тўплаб ғолиб бўла олмаган лойиҳалар орасидан **Қўшқўпир** тумани **Ёшлик** маҳалласи ички йўлларини таъмирлаш лойиҳаси (11 923 та овоз), **Нишон** тумани **Ширинобод** маҳалласи ички йўлларини таъмирлаш лойиҳаси (11 052 та овоз), **Қоракўл** тумани **Қорахожи** маҳалласи ариқ ва зовурларни бетонлаштириш лойиҳаси (9 451 та овоз) тегишли округга бириктирилган депутатлар томонидан қўшимча ғолиб сифатида эълон қилинди.*

Умумий қиймати **239 млрд сўм** бўлган бу лойиҳалар асосан ички йўллар, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари ва тиббиёт ташкилотларига қаратилди. Шу тариқа, **39 та** маҳалла илк бор ғолиб бўлди, **24 та** лойиҳа эса “оғир” тоифадаги маҳаллаларга тўғри келди.

“Очиқ бюджет” ахборот порталида депутат танлови асосида ғолиб бўлган барча лойиҳалар билан танишиш учун алоҳида “**депутат танлови**” саҳифаси ишга туширилди.

7-расм. “Депутат танлови” саҳифаси




9.2. Умумий натижалар

Мавсум якунларига кўра жами **2 192 та** лойиҳа ғолиб деб топилди, уларнинг умумий қиймати **3,2 трлн сўмни** ташкил этди.

Соҳалар кесимида ғолиб лойиҳалар қуйидагича тақсимланди:

- **Ички йўлларни таъмирлаш ва қуриш** — энг йирик йўналиш, 944 та лойиҳа.
- **Умумтаълим мактабларини жиҳозлаш ва таъмирлаш** — 604 та лойиҳа.
- **Мактабгача таълим муассасалари** — 117 та лойиҳа.
- **Тиббиёт ташкилотлари** — 180 та лойиҳа.
- **Электр энергия таъминоти ва инфратузилма** — 40 та лойиҳа.
- **Ичимлик суви ва санитария** — 17 та лойиҳа.

8-расм. 2026 йил 1-мавсумда ғолиб бўлган лойиҳалар, ҳудудлар кесимида



Шунингдек, “танаффус” амалиёти жорий этилиши натижасида кетма-кет ғолиб бўлган йирик маҳаллалар иштироки чекланди ҳамда аввал умуман ғолиб бўлмаган **344 та** маҳалла илк бор ғолиб бўлди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида эса “оғир” тоифага киритилган **229 та** маҳаллада умумий қиймати **393 млрд** сўмлик 268 та лойиҳа ғолиб бўлди. Бу дастур маҳаллаларда ижтимоий тенгликни таъминлаш ва имкониятлар яратишда муҳим қадам бўлди.

2026 йилнинг биринчи мавсуми Ташаббусли бюджет жараёнлари аҳоли иштирокини янада кенгайтирди. Биргаликда молиялаштириш ва депутат ташаббуси амалиётлари орқали аҳоли ва давлат ўртасидаги ҳамкорлик **янги босқичга кўтарилди**. Натижада, кўплаб маҳаллалар илк бор ғолиб бўлиб, инфратузилма ва ижтимоий соҳаларда сезиларли ўзгаришларга замин яратилди.

9.3. “Маҳалла бюджети” тизими доирасида амалга оширилган ишлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПҚ-402-сонли қарорига асосан маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини ошириш мақсадида **“Маҳалла бюджети”** тизими жорий этилган.

Мазкур қарорга мувофиқ, ҳар бир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида “Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси” ташкил этилган.

Жамғарманинг йил бошига қолдиқ маблағлари **247,2 млрд сўм**ни ташкил этган бўлиб, ҳисобот даврида жами **333,5 млрд сўм** маблағлар тушуми таъминланди.

Ҳисобот даврида Жамғарма маблағлари ҳисобидан жами **330,2 млрд сўм** харажатлар амалга оширилди. Мазкур харажатлар асосан маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, биноларни таъмирлаш ва жиҳозлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларига йўналтирилди.

18-жадвал. 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида “Маҳалла бюджети” ижроси, *млн сўм*

Ҳудуд номи	Йил бошига қолдиқ	Жами тушум	Жами харажат	Қолдиқ
ЖАМИ	**247 165**	**333 498**	**330 251**	**250 413**
Қорақалпоғистон Республикаси	11 865	15 566	18 069	9 362
Андижон вилояти	7 987	26 334	24 704	9 618
Бухоро вилояти	16 836	19 070	22 286	13 620
Жиззах вилояти	6 294	14 485	15 319	5 459
Қашқадарё вилояти	27 242	28 888	31 215	24 916
Навоий вилояти	3 947	10 692	7 773	6 867
Наманган вилояти	19 295	23 076	22 446	19 925
Самарқанд вилояти	54 958	46 167	52 454	48 671
Сурхондарё вилояти	9 121	24 742	24 329	9 534
Сирдарё вилояти	4 674	5 693	7 081	3 287
Тошкент вилояти	19 087	30 158	29 815	19 431
Фарғона вилояти	12 698	28 590	29 009	12 278
Хоразм вилояти	10 941	19 966	21 826	9 081
Тошкент шаҳри	42 219	40 071	23 926	58 364

Ҳисобот даври якунига кўра, Жамғарма маблағларининг қолдиғи жами **250,4 млрд сўм**ни ташкил этди. Қолдиқ маблағлар ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткич **Тошкент** шаҳрида **58,4 млрд сўм**ни, **Самарқанд** вилоятида **48,7 млрд сўм**ни ва **Қашқадарё** вилоятида **24,9 млрд сўм**ни ташкил этмоқда.

Умуман олганда, 2026 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижалари “Маҳалла бюджети” тизими доирасида молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнлари изчил давом этаётганини кўрсатади.

Шу билан бирга, ҳудудлар ўртасида маблағларни ўзлаштириш даражасидаги фарқлар мавжуд бўлиб, бу эса келгусида жамғарма маблағларидан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштириш зарурлигини англатади.


X. Маҳаллий бюджетлар ижроси

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маҳаллий бюджет маблағларини бошқариш бўйича мустақиллигини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурларини кафолатланган молиялаштириш манбалари билан таъминлаш, маҳаллий ҳокимликларни маҳаллий бюджетларни шакллантиришда ва маблағлардан самарали фойдаланишда мустақиллиги ва масъулияти ҳамда жавобгарлигини ошириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида маҳаллий бюджетлар даромадлар қисми прогнозга нисбатан **111,5 фоизга** бажарилиб, **40 208,2 млрд сўмни** ташкил этди. Бу натижа солиқ ва мажбурий тўловлар тушумидаги ўсиш, солиқ маъмурчилигидаги ислоҳотлар ҳамда маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали таъминланди.

Маҳаллий бюджет харажатлари **61 601,6 млрд сўмни** ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **13 128,8 млрд сўмга** ўсган. Бу маблағлар асосан ижтимоий соҳа, инфратузилма ва ҳудудий дастурларни молиялаштиришга йўналтирилди.

45-диаграмма. Маҳаллий бюджетларнинг 2025-2026 йил биринчи ярим йиллик ижроси бўйича асосий кўрсаткичлар, *млрд сўм*



9-расм

Маҳаллий бюджетларнинг 2026 йилда асосий кўрсаткичлари (млрд сўм)

Андижон вилояти



Даромад	2 683,0
Харажат	4 549,3
Тартибга солувчи трансферт	1 139,0

Бухоро вилояти



Даромад	2 797,1
Харажат	3 776,8
Тартибга солувчи трансферт	575,0

Жиззах вилояти



Даромад	1 577,5
Харажат	2 758,8
Тартибга солувчи трансферт	645,0

Қашқадарё вилояти



Даромад	3 103,5
Харажат	4 766,4
Тартибга солувчи трансферт	665,0

Навоий вилояти



Даромад	2 129,0
Харажат	2 763,5
Тартибга солувчи трансферт	50,0

Наманган вилояти



Даромад	2 360,3
Харажат	4 277,4
Тартибга солувчи трансферт	1 118,0

Самарқанд вилояти



Даромад	3 815,8
Харажат	6 218,3
Тартибга солувчи трансферт	1 108,0

Сурхондарё вилояти



Даромад	2 039,7
Харажат	3 922,0
Тартибга солувчи трансферт	1 105,7

Сирдарё вилояти



Даромад	1 217,5
Харажат	2 140,0
Тартибга солувчи трансферт	379,0

Тошкент вилояти



Даромад	3 978,3
Харажат	4 691,3
Тартибга солувчи трансферт	142,0

Фарғона вилояти



Даромад	3 648,6
Харажат	5 825,0
Тартибга солувчи трансферт	1 187,0

Хоразм вилояти



Даромад	2 016,8
Харажат	4 304,7
Тартибга солувчи трансферт	793,1к

Тошкент шаҳар



Даромад	6 901,6
Харажат	7 946,9
Тартибга солувчи трансферт	0,0

Қорақалпоғистон Р.



Даромад	1 939,5
Харажат	3 661,1
Тартибга солувчи трансферт	1 001,0

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида маҳаллий бюджетларнинг харажатлари соҳалар кесимида қуйидагича тақсимланди:

– Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари **36 543,2 млрд сўмга** ижро этилди *(жами харажатдаги улуши 59,3 фоиз)*;

– Иқтисодиёт харажатлари **15 925,1 млрд сўм** *(25,9%)*;

– Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари харажатлари **6 038,1 млрд сўм**

(9,8%);

– Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари харажатлари **456,1 млрд сўм** *(0,7%)*;

– Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари **167 млрд сўм** *(0,3%)*;

– Бошқа харажатлар **2 472,1 млрд сўм** *(4%)*.

10-расм



2026 йил январь-июнь ойларида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан жами **9 907,8 млрд сўм** тартибга солувчи трансфертлар маҳаллий бюджетларга ўтказиб берилди.

Ҳисобот даврида маҳаллий бюджетларда шаклланган қўшимча манбалар ва уларнинг сарфланиши.

Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини ошириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида жами **11 336,8 млрд сўмлик** қўшимча манба шаклланди. Жумладан:

– 2026 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари **5 098,2 млрд сўм**;

– 2026 йил 1 ва 2-чорак якуни билан даромадларни режадан ошириб бажарилган қисми **4 731,6 млрд сўм**;

– давлат активларини сотишдан (хусусийлаштиришдан) тушган пул маблағлари **239,9 млрд сўм**;

- ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган пул маблағлари **1 267,1 млрд сўм** ҳисобига шаклланган.

*Маълумот учун, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (2025 йил 6,7 трлн сўм) маҳаллий бюджетларда қўшимча манбалар қарийб **2 баробар кўп** шаклланди.*

11-расм



Бунда, шаклланган қўшимча манбалар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ дастурлар ҳамда қўшимча юклатилган вазифалар ижросини таъминлашда ва бошқа тадбирларни ўз вақтида молиялаштиришда муҳим манба сифатида шаклланди.

46-диаграмма. 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида маҳаллий бюджетларда шаклланган қўшимча манбалар тўғрисида, *млрд сўм*



Мазкур шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан маҳаллий кенгашлар қарорлари асосида **6 842,3 млрд сўм** маблағлар сарфланган. Жумладан:

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва ташриф баёнларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлашга **1 137,1 млрд сўм;** *(Ушбу маблағлар инфратузилмани ривожлантириш, иш ўринлари яратиш ва ҳудудлар имкониятларини оширишда муҳим аҳамият касб этган)*

Ижтимоий дафтарлар жамғармаларига жами **7 млрд сўм;** *(Бу маблағлар аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларга кўмак беришга қаратилган)*

Фуқаролар ташаббуси жамғармаларига **658,6 млрд сўм;**

Ҳудудий компенсация жамғармаларига **351,5 млрд сўм;**

Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасига **139,7 млрд сўм;**

Ҳарбий маъмурий сектор жамғармаларига **191,3 млрд сўм;**

“Болалар соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш” жамғармаси **55,8 млрд сўм;**

Бошқа мақсадли жамғармаларга ўтказилган маблағлар **498,9 млрд сўм;**

Ижтимоий соҳа муассасаларини қуриш, таъмирлаш, жихозлаш ва куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича харажатлар **183 млрд сўм;**

Ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ харажатларга **514,9 млрд сўм;**

Маданият ва спорт тадбирларига **130,2 млрд сўм,**

Ҳокимликлар ҳамда бошқа давлат органлари ходимларини мукофот ва рағбатлантириш учун **257,2 млрд сўм;**

Ҳокимликлар ва бошқа давлат органлари моддий-техник базасини яхшилашга **295,7 млрд сўм;**

37 та оғир туманлар ва 903 та оғир маҳалла дастурларига ўтказилган маблағлар **618,5 млрд сўм;**

Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман (шаҳар) мақоми берилган туман (шаҳар)ларни ривожлантириш учун **82,8 млрд сўм;**

Драйвер лойиҳалар дастури доирасида **4,2 млрд сўм;**

Республика бюджетидан олинган ссудаларни қайтариш **498,2 млрд сўм;**

Бошқа мақсадлар учун **1 217,7 млрд сўм** маблағлар йўналтирилган.

Маҳаллий бюджетларда шаклланган қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилган харажатларнинг натижадорлик кўрсаткичлари

Ажратилган маблағлар, энг аввало, аҳоли турмуш сифатини ошириш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, ижтимоий соҳа объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилган устувор чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилди.

Хусусан, **муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яхшилаш доирасида:**

- **83,2 км ичимлик суви таъминотини** барпо этиш учун **42,5 млрд сўм;**

- **115,7 км оқова суви тармоқлари қурилиши ва таъмирланиши** учун **55,8 млрд сўм**;

- **325,1 км йўл таъмирлаш учун 146,9 млрд сўм**;

- **7,4 км ариқларни бетонлаштириш** учун **3,8 млрд сўм**;

- **33,3 км пиёдалар йўлакчаларини қуриш ва таъмирлаш** учун **7,3 млрд сўм**;

Ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида

- **195 та мактабгача таълим муассасалари**ни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига **62,6 млрд сўм**;

- **1 050 та умумтаълим мактабларини** таъмирлаш ва жиҳозлаш харажатларига **178,9 млрд сўм**;

– 65,9 минг нафар фуқароларга алоҳида мурожаат талаб этмаган (проактив) ҳолда ёшга доир пенсиялар тайинланди;

– 2,6 минг нафар фуқароларнинг ногиронлик пенсиялари проактив шаклда қайта ҳисобланди;

– 18,9 минг нафар фуқароларга алоҳида мурожаат талаб этмаган (проактив) ҳолда ногиронлик пенсиялар тайинланди;

– 853 нафар фуқароларга алоҳида мурожаат талаб этмаган (проактив) ҳолда компенсациялар тайинланди;

– 276,1 минг нафар фуқароларнинг паспорт маълумотлари “Пенсия” дастурий мажмуасида автоматик тарзда янгиланди;

– 147,1 минг нафар фуқароларга пенсия олувчилар рўйхатида мавжудлиги тўғрисида Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат этиш асосида электрон маълумотномалар тақдим этилди;

– 49,3 минг нафар фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш учун Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали асосида мурожаат этиш орқали тайинланди;

– 47,4 минг нафар фуқаролар томонидан Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларининг манзил маълумотлари тўғрисидаги маълумотларни Ягона интерактив давлат хизматлари порталида мавжуд хизматдан фойдаланилди;

– 8,9 мингдан ортиқ фуқаролар томонидан пенсияларни вақтинча тўхтатиб туриш учун Пенсия жамғармасига ташриф буюрмасдан Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ёки Давлат хизматлари марказлари орқали ариза бериш орқали автоматик тарзда тўхтатилган;

– 188,1 мингдан ортиқ фуқаролар томонидан ўзларининг тўланган пенсиялари миқдори тўғрисидаги маълумотномаларни Пенсия жамғармасига ташриф буюрмасдан Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Давлат хизматлари марказлари орқали олишган;

– 6,6 минг нафар фуқаролар "СМС-Пенсия" хизматига уланиш ёки уланган телефон рақамни ўзгартириш юзасидан Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат қилган ҳолда хизматдан фойдаланган;

– 175 та юридик ташкилотлар томонидан Пенсия Қонунининг моддалари бўйича ҳисоботларини Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали шакллантирди;

– 132,2 минг нафар пенсия олувчилар Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги тайинланган пенсия тўғрисида маълумот олиш хизматидан фойдаланган;

– 2,4 минг нафар пенсия олувчилар пенсия тўловини нақд пул шаклига ўтказиш хизматидан фойдаланган;

– 13,3 минг нафар пенсия олувчилар пенсия миқдоридан чегирма қилинганлик тўғрисида маълумотларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали шакллантирган;

– 748,2 минг фуқароларнинг янги банк пластик карталарини очиш ёки муддатини узайтирганлик маълумотлар электрон қабул қилинди;

– 63,3 минг нафар фуқароларнинг ногиронлик муддатлари автоматик тарзда узайтирилди.

2.3. Давлат бюджети ва жамғарма маблағларини ортиқча сарф этилишини олдини олиш мақсадида йўлга қўйилган электрон маълумот алмашинувлари орқали 91,8 минг нафар фуқароларнинг пенсиялари вақтинча ёки доимий тўхтатилди ва 137,2 минг нафар фуқароларнинг пенсия миқдорлари қайта кўриб чиқилди. Жумладан:

– фуқароларнинг вафоти тўғрисидаги маълумотларни электрон олиш орқали 58,8 минг нафар пенсиялар автоматик тарзда тўхтатилди;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарисига чиқиб 3 ой давомида қайтиб кирмаган 29,7 минг нафар фуқароларнинг пенсиялари вақтинча тўхтатилди;

– озодликдан маҳрум этилган 2,6 минг нафар пенсия олувчиларнинг пенсиялари автоматик тарзда вақтинча тўхтатилди;

– Ўзбекистон Республикасидан кўчиб кетган 618 нафар фуқароларнинг электрон маълумотларга асосан пенсия ишлари автоматик тарзда ёпилди;

– оила таркиби маълумотларида ўзгариш аниқланган 94,4 минг нафар пенсия олувчиларнинг пенсия миқдорлари қайта ҳисобланди;

– иш ҳақи ўзгарганлиги сабабли 30,9 мингта пенсия ишлари қайта ҳисоблаш орқали қайта кўриб чиқилди.

4. Бандликка кўмаклашиш давлат мақсадли жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига жами қолдиқ маблағлари **19,7 млрд сўм**ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **231,5 млрд сўм** белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **115,4 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 49,9 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 91,9 фоиз)*ни ташкил этган**, шу жумладан:**


- Ижтимоий солиқ тушумлари **85,9 млрд сўм**;

- Қонунчиликда назарда тутилган талабларни бузганлик учун белгиланган тартибда қўлланиладиган маъмурий жазолардан ундириладиган жарималар **4,0 млрд сўм**;

- бошқа даромадлар **25,6 млрд сўм**ни ташкил этган.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида Давлат бюджетидан ажратилган **трансфертлар** миқдори **21,0 млрд сўм** ташкил этади.

51-диаграмма. Бандликка кўмаклашиш давлат мақсадли жамғармаси даромадлари ва харажатларининг 6 ойлик ижроси динамикаси. *млрд сўм*



Жорий йилда жамғарманинг йиллик **харажатлари** режаси **381,5 млрд сўм**га режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **125,5 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 32,9 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 51,4 фоиз)*ни ташкил этган, **шу жумладан:**

- Ишсиз ёки расмий даромадга эга бўлмаган ҳамда малакасини ошириш ва касбга қайта тайёрланиш истагидаги шахсларни ўқитиш харажатларини ваучер тизими асосида қоплаб бериш ва «касб ваучери» бериш, иш берувчилар ва туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари буюртмаси асосида ўқитиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун **68,6 млрд сўм**;

- ишсизларга муддатидан олдин пенсиялар тайинланиши муносабати билан Пенсия жамғармасининг харажатларини қоплаш учун **4,3 млрд сўм**;

- ишсизлик бўйича нафақалар, стипендиялар ва бошқа ёрдам тўловларини тўлаш учун **4,2 млрд сўм**;

- Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларнинг бино ва иншоотларини мукаммал ва жорий таъмирлаш, янги қурилиш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ харажатлар учун **12,7 млн сўм**;

- Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимини рақамлаштириш, шу жумладан дастурий маҳсулотларни

ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш, сервер ва бошқа ускуналарни сақлаш ҳамда таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар учун **3,2 млрд сўм;**

- субсидиялар ва грантлар тўлаш учун **2,3 млрд сўм**;

- Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига ажратмалар **6,8 млрд сўм**;

- бошқа харажатлар учун **23,2 млрд сўм.**

Бандликка кўмаклашиш давлат мақсадли жамғармасининг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **30,7 млрд сўм**ни ташкил этди.

Жамғарма фаолияти билан боғлиқ бўлган амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар

Ҳисобот даврида Ишсиз аҳолини, шу жумладан, устувор равишда камбағал оилалар аъзоларини касб-ҳунарга ўқитиш харажатларини қоплаб бериш бўйича **ваучер тизими** Республика бўйича барча ҳудудларда жорий қилинди. Ўз навбатида, ушбу тизим орқали **69 180 нафар** фуқаролар жалб қилинган, шундан **53 093 нафар** фуқаролар билан 54,1 млрд сўмлик шартномалар ўқув муассасалари томонидан расмийлаштирилиб **31,9 млрд сўм** маблағлар ажратилган.

Ишсизларга муддатидан олдин пенсиялар тайинланиши муносабати билан **320 нафар** фуқарога муддатидан олдин пенсия тўловлари учун **4,3 млрд** сўм ажратилган.

Ишсизлик бўйича нафақалар, ишсизларга компенсациялар, стипендиялар, моддий ёрдам ва бошқа тўловларни тўлаш учун **4,2 млрд** сўм миқдордаги маблағлар қуйидагиларга йўналтирилган:

– **296 нафар** фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланиб, ушбу тўловлар учун **1,5 млрд** сўм;

– **1 489 нафар** ногиронлиги бўлган шахсларга, шунингдек, муддати уч ойдан ортиқ давом этадиган курсларда таълим олаётган Камбағал оилалар реестридаги оилаларнинг аъзоларига ва доимий яшаш жойидан бошқа ҳудудга қатнаб таълим олаётган шахсларга стипендия тўловлари учун **2,7 млрд сўм**.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан иш берувчиларни қўллаб-қувватлаш, бандлик органлари йўлланмаси орқали ишга қабул қилинган ходимларни малакасини ошириш, айниқса ногиронлиги бўлган шахсларга иш ўринларини мослаштириш мақсадида **108 та** тадбиркорлик субъектига **521 нафар ишсиз** фуқарони ишга қабул қилганлиги учун 1,5 млрд сўм субсидиялар тўланган.

5. Миграция жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига қолдиқ маблағлари **125,0 млрд сўм**ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **108,5 млрд сўм** белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **73,9 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 68,1 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 136,2 фоиз)*ни ташкил этган**, шу жумладан:**

- рухсатнома (иш берувчига хориждан ишчи кучини жалб қилиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат) ва тасдиқнома (чет эл фуқаросига меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ҳужжат) берилганлиги учун йиғимлардан тушумлар 65,8 млрд сўм;

- бошқа даромадлар 8,2 млрд сўм.

Шу билан бирга, 2026 йил учун Давлат бюджетидан ажратилиши режалаштирилган **трансфертлар** миқдори **50,0** млрд сўм белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида жамғарма харажатлари учун етарли маблағлар бўлганлиги сабабли трансфертларни олиш учун зарурат бўлмади.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **харажатлари** режаси **218,0** млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, ижроси **50,0 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 23,0 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 36,9 фоиз)*ни ташкил этган. **Жумладан:**

- хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларга ҳуқуқий, ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатиш, шунингдек уларни олиб келиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш учун 16,0 млрд сўм;

- субсидиялар тўлаш учун 6,5 млрд сўм;

- хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чиқиб кетаётган фуқароларни кетиш олдидан мослаштириш, чет тилларига ўқитиш, касбга тайёрлаш, шунингдек кетиш олдидан мослаштириш, чет тилларига ўқитиш, касбга тайёрлаш марказларини ташкил этиш ва сақлаш учун 14,1 млрд сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг хорижий ваколатхоналарини ташкил этиш, жиҳозлаш ва сақлаб туриш учун 12,9 млрд сўм;

- бошқа харажатлар учун 0,6 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **148,9 млрд сўм**ни ташкил этди.

Жамғарма фаолияти билан боғлиқ бўлган амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар



Ҳисобот даврида жамғарма томонидан **98 нафар** меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган фуқароларга адвокатлик хизматларини тўлаб бериш, **3 057 нафар** маблағларсиз қолган фуқароларни ватанга қайтариш ва моддий ёрдам бериш, **138 нафар** фуқароларга хостеллар ва суткалик меҳмонхоналар томонидан кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш, **30 нафар** фуқароларга тиббий хизматлар ҳаққини тўлаб бериш, **426 нафар** вафот этган меҳнат мигрантлар жасадларини ватанига қайтариш мақсадида 16,0 млрд сўм харажатлар амалга оширилган.

Шунингдек, **2 189 нафар** хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган меҳнат мигрантларига ишчи виза, йўл чиптаси ва имтиҳон харажатлари учун компенсация бериш мақсадида 5,8 млрд сўм ва **1 450 нафар** хорижга вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларга чет тиллари ва касбга ўқитиш мақсадида 14,1 млрд сўм миқдорида харажатлар амалга оширилган.

6. Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига қолдиқ маблағлари **130,3 млрд сўм**ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **3 440,0 млрд сўм** белгиланган бўлиб, ижроси **1 111,2 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 32,3 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 77,2 фоиз)*ни ташкил этган**, шу жумладан:**

- абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловдан тушумлар 816,0 млрд сўм;

- телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия берилганлиги учун давлат божидан тушумлар 4,6 млрд сўм;

- Республикада ўрнатилган автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган қоидабузарликлар учун ундирилган жарималардан тушумлар 129,1 млрд сўм;

- бошқа даромадлар 161,6 млрд сўм.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **харажатлари** режаси **3 506,9 млрд сўм**га режалаштирилган бўлиб, ижроси **913,1 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 26,0 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 60,5 фоиз)*ни ташкил этган, **шу жумладан:**

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида белгиланган ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантиришга оид вазифаларни ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва кузатиб бориш, электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт тизимларини шакллантириш, ривожлантириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва кузатиб бориш учун 87,0 млрд сўм;

- Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, унинг ўқитувчилари ва ходимларини қўшимча рағбатлантириш учун харажатлар учун 5,8 млрд сўм;

- «Киберхавфсизлик маркази» ДУК фаолиятини молиялаштириш учун 42,0 млрд сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва тизим ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун 273,0 млрд сўм;

- «Хавфсиз шаҳар» ягона интеграциялашган тизимларини яратиш ва ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар учун 162,5 млрд сўм;

- Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳамда таълим йўналишидаги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар учун 118,6 млрд сўм;

- Сунъий интеллект йўналишида малакали кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчи-педагогларнинг малакасини ошириш, танловлар ва хакатонларни ўтказиш ҳамда «Сунъий интеллект альянси» нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ харажатлар учун 91,8 млрд сўм;

- бошқа харажатлар учун 132,4 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **328,4 млрд сўм**ни ташкил этди.

7. Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига қолдиқ маблағлари **40,9 млрд сўм**ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **320,0 млрд сўм** белгиланган бўлиб, ижроси **187,3 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 58,5 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 90,0 фоиз)*ни ташкил этган**, шу жумладан:**

- Жойлаштириш воситаларидан ундириладиган туристик (меҳмонхона) йиғимдан тушумлар 172,6 млрд сўм;

- бошқа тушумлар 14,7 млрд сўм.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида Давлат бюджетидан ажратилган **трансфертлар** миқдори **52,0 млрд сўм**ни ташкил этади.



Жорий йилда жамғарманинг йиллик **харажатлари** режаси **420,0 млрд сўм**га режалаштирилган бўлиб, ижроси **248,6 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 59,2 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 81,6 фоиз)*ни ташкил этган, **шу жумладан:**

- туризм соҳасидаги мақсадли дастурларни молиялаштириш учун 48,1 млрд сўм;

- хорижий туризм бозорларида мамлакат туризм салоҳиятини тарғиб қилиш харажатлари учун 58,7 млрд сўм;

- Туризм қўмитаси, шу жумладан унинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун 68,3 млрд сўм;

- субсидиялар тўлаш учун 50,7 млрд сўм, шу жумладан:

  • *Янги меҳмонхоналар қуриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларининг ҳамда дунёнинг таниқли ва нуфузли меҳмонхона брендларидан фойдаланувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган ташкилотлар роялти харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар тўлаш учун 50,7 млрд сўм;*


- туристик (меҳмонхона) йиғимдан келиб тушадиган маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Хавфсиз туризмни таъминлаш жамғармасига ўтказиладиган маблағлар 15,0 млрд сўм;

- театрлаштирилган томоша ва концерт дастурларини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказмалар 0,2 млрд сўм;

- олдинги йилларда жалб этилган кредитларни қайтариш харажатлари 5,0 млрд сўм;

- бошқа харажатлар 2,6 млрд сўм.

52-диаграмма. Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси даромадлари ва харажатларининг 6 ойлик ижроси динамикаси, *млрд сўм*



Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **31,5 млрд сўм**ни ташкил этди.

8. Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига қолдиқ маблағлари **2 263,7 млрд сўм**ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг йилик **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **2 268,5 млрд сўм** белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **527,4 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 23,2 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 80,4 фоиз)*ни ташкил этган**, шу жумладан:**

- жалб этиладиган кредитлар (қарзлар) бўйича Ўзбекистон Республикаси номидан давлат кафолатлари берилганлиги учун ундириладиган мукофот пули тушумлари 37,1 млрд сўм;

- вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларига депозитларга жойлаштиришдан ва юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестиция қилишдан тушумлар 100,0 млрд сўм;

- Халқаро молия институтларидан, хорижий давлатлар ва ташкилотлардан жалб қилинган қарз маблағларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари депозитига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар 22,6 млрд сўм;

- бошқа даромадлар 367,7 млрд сўм.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **харажатлари** режаси **1 279,9 млрд сўм**га режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **458,7 млрд сўм** *(35,8 фоиз)*ни ташкил этган, **шу жумладан:**

- қарздор ташкилотлар давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширмаган ҳолатларда қарздор ташкилотлар томонидан қайта қоплаш шарти билан қарз тўловларини амалга ошириш учун 458,7 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **2 332,4 млрд сўм**ни ташкил этди.

Жамғарма фаолияти билан боғлиқ бўлган амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар

Жамғарма томонидан ҳисобот даврида қарздор ташкилотлар давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширмаган ҳолатлар бўйича **30 та шартномаларнинг** жами **1 186,1 млрд сўм** *(йиллик режалаштирилган харажатларнинг **92,7 фоизи**)* маблағлар тўланган бўлиб, қарздор ташкилотлар томонидан ҳисобот даврининг ўзида жамғарма томонидан тўланган маблағларнинг **727,4 млрд сўм**и жамғармага қайтарилган.

9. Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига қолдиқ маблағлари **102,5 млрд сўм**ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **15 015,0 млрд сўм** белгиланган бўлиб, ижроси **3 312,5 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 22,1 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 97,4 фоиз)*ни ташкил этган**, шу жумладан:**

- давлат активларини (корхоналар, хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги акциялар, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ ва давлат мулки ҳисобланадиган бошқа мол-мулкларни) сотишдан тушган маблағлар 3 297,2 млрд сўм;

- бошқа даромадлар 15,3 млрд сўм.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **харажатлари** режаси **15 015,0 млрд сўмга** режалаштирилган бўлиб, ижроси **3 058,4 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 20,4 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 90,0 фоиз)*ни ташкил этган, **шу жумладан:**

- Давлат бюджетига ўтказилган трансфертлар 2 259,2 млрд сўм, шу жумладан:

- *Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига 1 205,7* млрд сўм*;*
- *Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига 1 053,5* млрд сўм*;*

- Жамғарма тасарруфида қоладиган маблағлар 101,5 млрд сўм;

- бошқа харажатлар 697,7 млрд сўм, шундан:

- *Ўзбекистон Республикасининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан амалга оширилган харажатлар 628,4* млрд сўм*;*
- *Давлат активларини баҳолаш ва сотиш билан боғлиқ профессионал ташкилотлар ҳамда консультантлар харажатлари 29,3* млрд сўм*;*
- *Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги ҳузуридаги Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 40,0* млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **356,6 млрд сўм**ни ташкил этди.

10. Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига қолдиқ маблағлари **271,1 млрд сўм**ни ташкил этган.

Жамғармага жорий йилнинг ҳисобот даврида Давлат бюджетидан **17 723,2 млрд сўм** *(йиллик 35 646,5 млрд сўм миқдордаги режага гисбатан 49,7 фоиз)* миқдорида **трансфертлар** ажратилган, **шу жумладан:**

- республика бюджетидан 852,6 млрд сўм;

- маҳаллий бюджетлардан 16 870,5 млрд сўм.

Шу билан бирга жамғармага ҳисобот даврида **8,1 млрд сўм** миқдорида бошқа даромадлар тушган.

Жорий йилда жамғарманинг **харажатлари** режаси **35 647,5 млрд сўм**га режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **17 821,3 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 50,0 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 97,8 фоиз)*ни ташкил этган, **шу жумладан:**

- Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам доирасида тиббий хизматларни давлат ва хусусий тиббиёт ташкилотларидан харид қилиш учун 17 770,1 млрд сўм;

- Жамғарманинг ижро этувчи аппаратини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун 51,2 млрд сўм.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг ҳудудий жамғармаларига маҳаллий бюджетлардан жами **16 870,5 млрд сўм** миқдорида трансфертлар ажратилган бўлиб, ушбу маблағлар ва йил бошида шаклланган қолдиқ маблағлар ҳисобидан ҳудудий жамғармалар томонидан ҳисобот даврида **16 992,3 млрд сўм** миқдорида Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам доирасида тиббий хизматлар харид қилинган.

20-жадвал. Ҳудудий Давлат тиббий суғуртаси жамғармаларига ажратилган трансфертлар ва уларнинг харажатлари, *млрд сўм*

Т/р	Ҳудуд номи	Маҳаллий бюджетлар трансфертлари	Харажатлар
Жами:		**16 870,5**	**16 992,3**
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1 077,0	1 096,9
2	Андижон вилояти	1 564,3	1 527,1
3	Бухоро вилояти	1 106,9	1 128,0
4	Жиззах вилояти	736,7	745,1
5	Қашқадарё вилояти	1 355,9	1 381,4
6	Навоий вилояти	744,0	730,5
7	Наманган вилояти	1 326,1	1 338,6
8	Самарқанд вилояти	1 984,8	2 002,1
9	Сурхондарё вилояти	1 156,7	1 171,1
10	Сирдарё вилояти	530,8	526,7
11	Тошкент вилояти	1 371,8	1 380,6
12	Фарғона вилояти	1 817,1	1 832,9
13	Хоразм вилояти	903,9	919,0
14	Тошкент шаҳар	1 194,4	1 212,2

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **181,1 млрд сўм**ни ташкил этди.

11. Таълим кредитини молиялаштириш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг йил бошига қолдиқ маблағлари **7 481,9 млрд сўм**ни ташкил этган бўлиб, шундан, 6 958,2 млрд сўми таълим кредитини молиялаштириш учун тижорат банклари депозитларига жойлаштирилган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **600,0 млрд сўм** бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **304,8 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 50,8 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 101,6 фоиз)*ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **харажатлари** режаси **830,0 млрд сўм**га режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **496,4 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 59,8 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 82,7 фоиз)*ни ташкил этган.

Жамғарма томонидан амалга оширилган 496,4 млрд сўм миқдоридаги харажатлар қарийб **400 минг нафар хотин-қизларнинг таълим кредитлари бўйича ҳисобланган фоизларини** компенсация қилиш учун йўналтирилган.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **7 390,3 млрд сўм**ни ташкил этади, шундан, 7 189,0 млрд сўми таълим кредитини молиялаштириш учун тижорат банклари депозитларига жойлаштирилган *(ҳисобот даврида 230,9 млрд сўм маблағлар тижорат банкларига жойлаштирилган)*.

12. Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига қолдиқ маблағлари **340,8 млрд сўм**ни ташкил этган.

Ҳисобот даврида жамғармага Давлат бюджетидан **3 676,9 млрд сўм** миқдорида **трансфертлар** ажратилган.



Шу билан бирга, ҳисобот даврида жамғармага **4,1 млрд сўм** миқдорида бошқа даромадлар тушган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **харажатлари** режаси **6 732,0 млрд сўм**га режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **3 917,0 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 58,2 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 74,8 фоиз)*ни ташкил этган, **шу жумладан:**

- Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига мувофиқ автомобиль йўлларини, кўприкларни ва йўл ўтказгичларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек объектларни жиҳозлаш ва техника харид қилиш учун 1 940,7 млрд сўм;

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини мукаммал ва жорий таъмирлаш, сақлаш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан боғлиқ харажатлар учун 1 705,3 млрд сўм;

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун 204,7 млрд сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасидаги лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳларини сақлаш харажатлари учун 3,4 млрд сўм;

- Бошқа харажатлар (маҳаллий ҳокимликлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилган жорий харажатлар) учун 62,8 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **104,0 млрд сўм**ни ташкил этди.

13. Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига қолдиқ маблағлари **424,0 млрд сўм**ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарма **даромадлари 2,2 млрд сўм**га ижро этилган.

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилда Давлат бюджетидан **492,8 млрд сўм** миқдорида **трансфертлар** ажратилган.



Жорий йилда жамғарманинг йиллик **харажатлари** режаси **1 200,0 млрд сўм**га режалаштирилган бўлиб, ижроси **841,8 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 70,1 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 78,2 фоиз)*ни ташкил этган, **шу жумладан:**

- ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш дастурига мувофиқ ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек лойиҳа-тадқиқот ишларини молиялаштириш учун 841,8 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **77,1 млрд сўм**ни ташкил этди.

Жамғарма фаолияти билан боғлиқ бўлган амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар

2026 йилда Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида республика аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва оқава сув тизимларини яхшилаш мақсадида Давлат бюджетидан жамғармага 1 200,0 млрд сўм трансферт маблағларини йўналтириш белгиланган.



Жорий йил ҳисобот даврида жамғарманинг йил бошига қолдиқ маблағлари ва бюджетдан ажратилган трансферт маблағлари ҳисобидан **106 та объект** учун 841,8 млрд сўм маблағлар молиялаштирилган.

Жорий йилда жамғарма томонидан **1 833 км** ичимлик ва оқова сув тармоқлари ётқизиш ҳамда **93 та** иншоотда қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга ошириш режалаштирилган. Шундан, ҳисобот даврида **660 км** тармоқлар ва **22 та** сув иншоотлари барпо этилди.

2026 йилда ажратилган маблағлар ҳисобига йил якуни билан республика бўйича марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражасини 84 фоизгача ҳамда оқова сув хизматлари билан қамраб олиш даражасини 23 фоизгача ошириш режалаштирилган. Натижада, қарийб 310 минг нафар аҳоли илк бор ичимлик сув хизматлари билан таъминланиши ҳамда 750 минг нафар аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланиши мақсад қилинган.

14. Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига қолдиқ маблағлари **83,2 млрд сўм**ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **108,5 млрд сўм** белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **48,5 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 44,7 фоиз)*ни ташкил этган, **шу жумладан:**

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига патент божларидан, йиғимлардан ва солиқ тоифасига кирмайдиган бошқа тўловлардан келиб тушадиган маблағлардан тушумлар 27,1 млрд сўм;

- бошқа даромадлар 21,5 млрд сўм.

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилнинг ҳисобот даврида Давлат бюджетидан **290,0 млрд сўм** миқдорида **трансфертлар** ажратилган.



Жорий йилда жамғарманинг йиллик **харажатлари** режаси **800,0 млрд сўмга** режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **341,2 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 42,7 фоиз)*ни ташкил этган. **Жумладан:**

- илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун харажатлар 251,6 млрд сўм;

- янги ва замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган илмий лабораторияларни ташкил қилиш ва қўшимча жиҳозлаш учун 21,1 млрд сўм;

- Ёш олимларнинг қисқа муддатли илмий стажировкаларини молиялаштириш учун 4,3 млрд сўм;

- жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясини сақлаш харажатлари учун 5,2 млрд сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан дастурларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун 59,1 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **80,5 млрд сўм**ни ташкил этади.

Жамғарма фаолияти билан боғлиқ бўлган амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар

1. Давлат илмий дастурлари доирасида лойиҳаларни молиялаштириш.

Ҳисобот даврида давлат илмий дастурлари доирасида молиялаштирилган лойиҳаларнинг ижрочи ташкилотлари томонидан **251,6 млрд сўм** ёки режага нисбатан **66 фоизга** бажарилди.

Бундан ташқари, давлат илмий дастурлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида жами **65,3 млрд сўм** ажратилди. Жумладан:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июлдаги ПҚ-308-сон қарорига мувофиқ Пахтачилик кенгаши фаолияти билан боғлиқ харажатлар учун **9,4 млрд сўм**;

– Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 апрелдаги 222-сон қарори билан тасдиқланган «Бўлажак олим» танлови ва “Академик ҳаракатчанлик” дастури доирасида **48 нафар** иқтидорли ёшлар учун **6,7 млрд сўм** сарфланди.

2. Ёш олимларни қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш.

Ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларга қисқа муддатли илмий стажировкаларини молиялаштириш учун Жамғарма томонидан ҳисобот даврида 4,2 млрд сўм маблағ сарфланди.

Натижада республикамиздаги **32 та** олий ва илмий таълим муассасаларида фаолият юритувчи 33 нафар ёш олимларни **6 та** хорижий давлатлардаги (АҚШ, Испания, Малайзия, Россия, Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси ва Венгрия) **6 та** нуфузли илмий-тадқиқот муассасаларига қисқа муддатли илмий стажировкаларини молиялаштириш таъминланди.

15. Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига қолдиқ маблағлари **1 487,3 млрд сўм**ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **1 847,7 млрд сўм** белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **1 302,9 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 70,5 фоиз)*ни ташкил этган**, шу жумладан:**

- алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соф тушумидан ажратмалар **65,8 млрд сўм**;

- бошқа тушумлар **1 147,1 млрд сўм**ни ташкил этган;

- бўш турган пул маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар **90,0 млрд сўм**ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **харажатлари** режаси **1 988,2 млрд сўм**га режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **1 231,2 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 61,9 фоиз)*ни ташкил этган, **шу жумладан:**

- ижтимоий харажатлар учун **1 121,2 млрд сўм**;

- бошқа харажатлар учун **110,0 млрд сўм** миқдоридаги харажатлар амалга оширилган.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **1 559,1 млрд сўм**ни ташкил этади.

Жамғарма фаолияти билан боғлиқ бўлган амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар

Жорий йилнинг 6 ойи давомида Жамғарма маблағлари ҳисобидан қурилиш-таъмирлаш харажатларига жами 137,4 млрд сўм (Тошкент шаҳридаги 102-сон ихтисослаштирилган мактаб интернатида,

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой ногиронлиги бўлган эркаклар учун Мурувват уйида, Хоразм вилояти Хива ногиронлиги бўлган эркаклар учун Мурувват уйида, Тошкент вилоятидаги 19-сонли мактабгача таълим муассасаси, Имкон реабилитация маркази ва бошқалар), “Инсон учун” номли савдо кўргазмасини ташкил этиш харажатларига 2,5 млрд сўм, Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича спорт, байрам тадбирлари ҳамда марафон ташкил этиш харажатларига 3,9 млрд сўм сарфланди.

“Меҳр дафтари”га киритилган етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун 10,1 млрд сўм, 10 та “Кичик ҳажмли болалар уйлари” учун уй-жой харид қилишга 20,0 млрд сўм ҳамда 16 та “Кичик ҳажмли болалар уйлари”ни сақлаш харажатларига 9,6 млрд сўм йўналтирилди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ахборот тизимлари ва уларнинг модулларини қўллаб-қувватлаш ва бошқа рақамлаштириш билан боғлиқ харажатларга 32,6 млрд сўм, Колумбия университетидаги махсус бўлим (юнит) фаолиятини молиялаштиришга 2,6 млрд сўм, Ҳамжиҳатликларни мустаҳкамлаш ва ижтимоий фаровонликни ривожлантириш марказини сақлашга 2,3 млрд сўм, “Фаол ҳаётга қадам” хизмати доирасида 14 мингдан ошиқ ўзгалар парваришига муҳтож бўлган шахсларга тиббий, ижтимоий-маиший ёрдамлар кўрсатилиб, ушбу хизматлар учун 58,9 млрд сўм, “Кундузги парвариш” хизмати доирасида 3,3 минг нафар ногиронлиги бўлган болаларни хусусий парваришлаш ва тарбиялаш учун 300 дан ошиқ тадбиркорларга 53,8 млрд сўм субсидиялар сарфланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига асосан эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 575,0 млрд сўм маблағ ажратилди.

16. Тиббиётни ривожлантириш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига қолдиқ маблағлари **8,6 млрд сўм**ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **даромадлари** прогнози **50,0 млрд сўм** белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **26,9 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 53,8 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 107,6 фоиз)*ни ташкил этган.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида Давлат бюджетидан ажратилган **трансфертлар** миқдори **413,0 млрд сўм**ни ташкил этади.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **харажатлари** режаси **764,3 млрд сўм**га режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **410,7 млрд сўм**ни *(йиллик режага нисбатан 53,7 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 91,7 фоиз)* ташкил этган, **шу жумладан:**

- “Спинал мушак атрофияси” ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш учун харажатлар **208,0 млрд сўм**;

- иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек уларни тиббиёт муассасаларига жалб қилиш учун харажатлар **4,1 млрд сўм**;

- Соғлиқни сақлаш тизимидаги давлат тиббиёт муассасаларига компьютерларни, планшетларни, мультимедиа ва тармоқ қурилмаларини, дастурий таъминотларни харид қилиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш учун харажатлар **11,3 млрд сўм**;

- Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар **187,3 млрд сўм**;

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **37,8 млрд сўм**ни ташкил этади.

Жамғарма фаолияти билан боғлиқ бўлган амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар

Ҳисобот даврида жамғарма томонидан “Спинал мушак атрофияси” ташхиси қўйилган **201 нафа**р бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва **2 510 дона** Рисдиплам (Эврисиди) дори воситаларини бепул етказиб бериш харажатлари учун 208 млрд сўм маблағлар молиялаштирилди.

Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун 187,3 млрд сўм молиялаштирилди. **Жумладан:**

– онкогематологик касалликларга чалинган беморлар учун асбоб-ускуналар, дори воситалари, тиббий буюмлар, лаборатория реактивлари ва бошқа сарфлаш воситаларини сотиб олиш учун 101,4 млрд сўм;

– онкогематологик касалликларга чалинган **848 нафар** беморда позитрон-эмиссион томография текширувлари ўтказишга юқори технологик ташхис қўйиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш хизматларини харид қилиш харажатларини қоплашга 3,1 млрд сўм;

– Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни молиялаштириш харажатлари учун 3,7 млрд сўм;

– **15 365 нафар** беморларнинг юрак қон-томир касалликларини илк босқичда эрта аниқлаш, беморларни замонавий (юқори технологик кам инвазивлик) даво муолажаларини амалга ошириш орқали соғломлаштирилган беморларни дори воситалари, тиббий буюмлар, лаборатория реактивлари ва бошқа сарфлаш воситаларини харид қилиш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ўқитиш, малака ошириш ва тажриба алмашишни республикада ташкил этиш учун хорижий мутахассисларни жалб этиш билан боғлиқ харажатлар учун 41,5 млрд сўм;

– Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам бригадаларини электрокардиограмма натижаларини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш ҳамда телеметрия қилиш имконини берувчи электрокардиограф ҳамда мониторли дефибриллятор ускунаси билан таъминлаш харажатлари учун 22 млрд сўм;

– Катталар ва болалар гематологияси марказидаги асептик шароитга эга қўшимча иккита беш қаватли биноларни қуриш ишларига учун 6,0 млрд сўм;

– Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятини замонавий менежмент усуллари асосида йўлга қўйиш, кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда иш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш имконини берадиган замонавий электрон ахборот тизимларини жорий этиш учун жалб қилинган консультантлар харажатлари учун 3,9 млрд сўм;

–Тез тиббий ёрдам хизмати ходимларига устамалар, мукофот пуллари ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар учун 3,9 млрд сўм;

– “Yakuzemi Informative Education Center” консалтинг компаниясининг мутахассислари томонидан тиббиёт муассасаларида реабилитация хизматларини кўрсатиш бўйича ўрганишлар ўтказиш ва ҳолатни таҳлил қилиш, таҳлил натижаларига кўра реабилитация тизимини ривожлантириш бўйича концепция ва уни амалга ошириш юзасидан “йўл харита”сини ишлаб чиқиш ҳамда инсульт, инфаркт, бош ва орқа мия жароҳати ҳамда болалар бош мия фалажлиги касалликлари бўйича тиббий реабилитация стандартлари ҳамда миллий клиник протоколларни сифатли қилиб ишлаб чиқиш бўйича консультантлар харажатлари учун 1,8 млрд сўм маблағлар молиялаштирилди.

17. Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига қолдиқ маблағлари **110,5 млрд сўм**ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **199,5 млрд сўм** белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **98,9 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 49,6 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 99,0 фоиз)*ни ташкил этган, **шу жумладан:**

- Ижтимоий солиқ тушумлари 85,9 млрд сўм;

- бошқа даромадлар 13,0 млрд сўм;

Шу билан бирга, ҳисобот даврида Давлат бюджетидан ажратилган **трансфертлар** миқдори **62,5 млрд сўм**ни ташкил этади.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **харажатлари** режаси **138,0 млрд сўм**га режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **80,8 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 58,6 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 82,8 фоиз)*ни ташкил этган. **Жумладан:**

- субсидиялар тўлаш харажатлари учун 58,7 млрд сўм. ***Жумладан:***

** енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар ва суғориш воситалари харид қилиш учун субсидиялар 12,5 млрд сўм;*

** қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиш учун субсидиялар 6,0 млрд сўм;*

** тадбиркорлик субъектларига — ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидаги касаначилик фаолияти учун бир ойлик ўртача даромади миқдорида тўлов тўлаш учун субсидиялар 0,6 млрд сўм;*

** «Уста-шогирд»анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ҳунармандларга — шогирдлар тайёрлаш, зарур хомашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш харажатларини қоплаш учун субсидиялар 24,0 млрд сўм;*

** усталарга — ўзларининг интернет сайтларини яратиш, маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама қилиш харажатларини қоплаш учун субсидиялар 1,5 млрд сўм;*

** Ишсизларга — олинган бино ва иншоотнинг ижара тўловини тўлаш учун субсидиялар 1,2 млрд сўм;*

** озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга улар томонидан тадбиркорлик, меъморчилик, ҳунармандчилик каби*

йўналишлардаги аниқ лойиҳалар амалга оширилиши учун субсидиялар 22,0 млрд сўм;

** «Давлат таъминотидаги оила» тоифасига киритилган оилалар учун Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида ажратилган кредитлар фоизини қоплаш учун 1,6 млрд сўм;*

** «Давлат таъминотидаги оила» тоифасига киритилган оилалар учун қуёш панелларини ўрнатиш учун субсидиялар 1,0 млрд сўм.*

- ўз тажрибасини камбағал оилаларга ўргатган ва уларга доимий даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашган тадбиркорлик субъектларига грант ажратиш харажатлари 1,5 млн сўм;

- Жамғармани сақлаш билан боғлиқ харажатлар 25,7 млрд сўм.

Ҳисобот даврида давлат дастурларини молиялаштириш учун бюджет ссудалари ва кредит линиялари сальдоси *(ҳисобот даврида ажратилган ссуда ва кредитлардан ҳисобот даврида уларнинг қайтарилиши чегирилган ҳолда)* **69,6 млрд сўм**ни ташкил этди. Жумладан:

- ҳисобот даврида ажратилган ссуда ва кредитлар 119,0 млрд сўм;

- ҳисобот даврида қайтарилган ссуда ва кредитлар 49,4 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **105,6 млрд сўм**ни ташкил этади.

18. Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига қолдиқ маблағлари **16,5 млрд** сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **111,5 млрд сўм** белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **4,1 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 3,6 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 7,5 фоиз)*ни ташкил этган. Бунда, Давлат бюджетидан ажратилиши режалаштирилган **100 млрд сўм** миқдоридаги ссуда маблағларига талаб бўлмаганлиги сабабли даромадларнинг режага нисбатан ижроси **7,5 фоиз**ни ташкил этган.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида Давлат бюджетидан ажратилган **трансфертлар** миқдори **37,5 млрд сўм**ни ташкил этади.

Жорий йилда жамғарманинг **харажатлари** режаси **176,5 млрд сўм**га режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **85,3 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 48,3 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 84,8 фоиз)*ни ташкил этган. **Жумладан:**

- Республика ҳудудида янги боғ ва токзорлар яратиш лойиҳаларини молиялаштириш учун **40,1 млрд сўм**;

- Агентлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар **34,6 млрд сўм**;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан олинган ссуда ва жалб қилинган қарз маблағларини қайтариш учун харажатлар **10,7 млрд сўм**.

Ҳисобот даврида давлат дастурларини молиялаштириш учун бюджет ссудалари ва кредит линиялари сальдоси *(ҳисобот даврида ажратилган ссуда ва кредитлардан ҳисобот даврида уларнинг қайтарилиши чегирилган ҳолда)* **-42,7 млрд сўм**ни ташкил этди. Жумладан, ҳисобот даврида олдинги йилларда ажратилган ссуда ва кредитларнинг 42,7 млрд сўми қайтарилган.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **15,5 млрд сўм**ни ташкил этади.

19. Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига қолдиқ маблағлари **582,8 млрд сўм**ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **151,4 млрд сўм** белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **51,4 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 34,0 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 101,7 фоиз)*ни ташкил этган. **Жумладан:**

- Ёшлар тадбиркорлиги ва бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилган кредит ва қарз маблағлари бўйича олинадиган фоиз даромадлар **51,4 млрд сўм**;

- Бошқа даромадлар **26,7 млн сўм**.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **харажатлари** режаси **18,8 млрд сўм**га режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **17,2 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 91,4 фоиз)*ни ташкил этган. **Жумладан:**

- субсидиялар тўлаш харажатлари **0,2 млрд сўм**;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан дастурлар ва топшириқларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар **12,0 млрд сўм**;

- жамғарманинг ижро этувчи аппаратини сақлаш билан боғлиқ харажатлар **4,9 млрд сўм**.

Ҳисобот даврида давлат дастурларини молиялаштириш учун бюджет ссудалари ва кредит линиялари сальдоси *(ҳисобот даврида ажратилган ссуда ва кредитлардан ҳисобот даврида уларнинг қайтарилиши чегирилган ҳолда)* **56,1 млрд сўм**ни ташкил этди. Жумладан:

- ҳисобот даврида ажратилган ссуда ва кредитлар 197,8 млрд сўм;

- ҳисобот даврида қайтарилган ссуда ва кредитлар 141,7 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **560,9 млрд сўм**ни ташкил этади.

Жамғарма фаолияти билан боғлиқ бўлган амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар

Ҳисобот даврида Ёшлар тадбиркорлиги ва бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни молиялаштириш йўналишида **1 727** та лойиҳага **217,7 млрд** сўм, шундан тижорат банклари орқали **1 189** та лойиҳага **149,1 млрд** сўм ҳамда жамғармадан тўғридан-тўғри ажратилган қарзлар **538** та лойиҳага **68,6 млрд** сўмни ташкил қилади.

Ажратилган кредитлар натижасида **4 600 га** яқин янги иш ўринлари яратилди, шунингдек, жамғарма томонидан “Олис ва чекка ҳудудларда” ўқув марказлари ташкил қилиш учун ажратилган қарзлар натижаси **534 та** янги тадбиркорлик субъектлари ташкил қилиниб **11 мингга** яқин ёшларга сифатли таълим берилиши йўлга қуйилди.

20. Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига қолдиқ маблағлари **73,2 млрд сўм**ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **254,8 млрд сўм** белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **50,0 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 19,6 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 39,2 фоиз)*ни ташкил этган. **Жумладан:**

- Импорт қилинадиган дори воситаларига нисбатан қўлланиладиган божхона божидан тушумлар **22,8 млрд сўм**;

- Фармацевтика маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ хизматлардан тушумлар **14,5 млрд сўм**;

- бошқа даромадлар **12,7 млрд сўм**.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **харажатлари** режаси **254,8 млрд сўм**га режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси

35,0 млрд сўм *(йиллик режага нисбатан 13,7 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 38,3 фоиз)*ни ташкил этган. **Жумладан:**

- Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, унинг ходимларини ва жалб этиладиган мутахассисларни моддий рағбатлантириш, шунингдек агентлик ходимларини ҳамда агентлик томонидан фармацевтика соҳаси учун зарур бўлган бошқа кадрларни ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш харажатлари **20,1 млрд сўм**;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги тизим ташкилотларини молиялаштириш билан боғлиқ харажатлар **14,8 млрд сўм**.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **88,2 млрд сўм**ни ташкил этади.

21. Ижтимоий суғурта жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига қолдиқ маблағлари **5,5 млрд сўм**ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг йилик **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **1 853,7 млрд сўм** миқдорда белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **896,8 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 48,4 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 100,6 фоиз)*ни ташкил этган. **Жумладан:**

- Ижтимоий солиқ тушумлари 526,7 млрд сўм;

- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумлар 370,4 млрд сўм;

- Бошқа даромадлар 79,5 млн сўм.

Шу билан бирга, жамғармага ҳисобот даврида Давлат бюджетидан **200,0 млрд сўм** миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жорий йилда жамғарманинг **харажатлари** режаси **3 353,7 млрд сўм**га режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **774,7 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 23,1 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 65,3 фоиз)*ни ташкил этган. **Жумладан:**

- давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тўлаш харажатлари **774,7 млрд сўм**.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **327,7 млрд сўм**ни ташкил этади.

Жамғарма фаолияти билан боғлиқ бўлган амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар

Жорий йилнинг ҳисобот даврида **73 503 нафар** фуқарога 843,7 млрд сўмлик ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тайинланган бўлиб, шундан, **67 848 нафар** фуқарога 774,7 млдр сўм миқдорида нафақа тўловлари амалга оширилган. Жумладан:

– **55 811 нафар** бюджет ташкилотларида ишловчи фуқароларга 609 млрд сўм;

– **12 037 нафар** хусусий секторда ишловчи фуқароларга 165,7 млрд сўм миқдорида нафақа тўловлари амалга оширилган *(шундан, олдинги йилда тайинланган 1 154 нафар фуқарога 3,1 млрд сўм тўловлар амалга оширилган)*.

Жорий йилдан ижтимоий суғурта тизими жорий этилиши натижасида хусусий секторда ишловчи фуқароларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлови ўртача миқдори **15,0 млн сўмни** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **6 бараварга** *(2025 йилда ўртача 2,6 млн сўмни ташкил этган)* ҳамда нафақа олувчилар сони **6 065** нафардан **10 919** нафарга ошган.

22. Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига қолдиқ маблағлари **30,9 млрд сўм**ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **108,9 млрд сўм** миқдорда белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **51,1 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 46,9 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 93,8 фоиз)*ни ташкил этган. **Жумладан:**

- Жамғарма томонидан ажратилган кредит ва қарз маблағлари ҳамда депозитларга жойлаштирилган вақтинчалик бўш маблағлар бўйича олинадиган фоиз даромадлар 51,1 млрд сўм.

Шу билан бирга, жамғармага ҳисобот даврида Давлат бюджетидан **25,0 млрд сўм** миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **харажатлари** режаси **277,7 млрд сўм**га режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **82,6 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 29,7 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 58,4 фоиз)*ни ташкил этган. **Жумладан:**

- хонадон томорқасида амалга оширилган энг намунали ва инновацион лойиҳалар учун грант ажратиш харажатлари 0,6 млрд сўм.

- субсидиялар тўлаш харажатлари 14,4 млрд сўм. Жумладан;

** сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ер участкаларини суғориш учун тик (вертикал) қудуқларни бурғилаш, ишга тушириш, сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ирригация тармоқларини тортиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш харажатлари 11,9 млрд сўм;*

** маҳаллаларда намунали хонадон томорқасини ташкил этиш учун хонадон эгасига субсидия ажратиш харажатлари 1,2 млрд сўм;*

** деҳқон хўжаликлари ерларида намунавий ўқув-тажриба ер участкаларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш харажатлари 0,3 млрд сўм;*

** камбағал оила хонадонининг кўча ва ички томорқасида узумчилик (ток сўриси) ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш харажатлари 0,9 млрд сўм;*

- жалб қилинган кредит ва қарз маблағларини қайтариш билан боғлиқ харажатлар 57,0 млрд сўм;

- бошқа харажатлар 10,6 млрд сўм.

Ҳисобот даврида давлат дастурларини молиялаштириш учун бюджет ссудалари ва кредит линиялари сальдоси *(ҳисобот даврида ажратилган ссуда ва кредитлардан ҳисобот даврида уларнинг қайтарилиши чегирилган ҳолда)* **-60,6 млрд сўм**ни ташкил этди. Жумладан:

- ҳисобот даврида ажратилган ссуда ва кредитлар 78,8 млрд сўм;

- ҳисобот даврида қайтарилган ссуда ва кредитлар 139,4 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **85,0 млрд сўм**ни ташкил этади.

23. Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси.

Жамғарманинг 2026 йил бошига қолдиқ маблағлари **900,0 млрд сўм**ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **455,1 млрд сўм** миқдорда белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **149,4 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 32,8 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 87,0 фоиз)*ни ташкил этган. **Жумладан:**

- Атроф табиий муҳитнинг ифлослантирилганлиги ва чиқиндиларнинг жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик бузилишида айбдор бўлган жисмоний ва

юридик шахслардан маъмурий ва суд тартибида ундириладиган жарималар, молиявий санкциялар ва пул маблағларидан ажратмалар 38,4 млрд сўм;

- Транспорт воситаларини «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирадиган жисмоний ва юридик шахслар томонидан тўланадиган утилизация йиғимидан ажратмалар 111,0 млрд сўм.

Шу билан бирга, жамғармага ҳисобот даврида Давлат бюджетидан **274,0 млрд сўм** миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жорий йилда жамғарманинг йиллик **харажатлари** режаси **1 003,1 млрд сўм**га режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида ижроси **259,8 млрд сўм** *(йиллик режага нисбатан 25,9 фоиз, ҳисобот даври режасига нисбатан 36,5 фоиз)*ни ташкил этган. **Жумладан:**

- «Тоза ҳаво» умуммиллий лойиҳаси харажатлари 40,5 млрд сўм;

- «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси харажатлари 100,3 млрд сўм;

- «Эко-маданият» умуммиллий лойиҳаси харажатлари 99,7 млрд сўм;

- «Био мерос» умуммиллий лойиҳаси харажатлари 5,6 млрд сўм;

- бошқа харажатлар 13,8 млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **1 063,5 млрд сўм**ни ташкил этади.

Жамғарма томонидан ҳисобот даврида харажатларнинг йиллик режага нисбатан кам амалга оширилганлиги сабаблари қуйида изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 ноябрдаги ПҚ-343-сон қарорига асосан Экология қўмитаси ҳузурида Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилди.

Мазкур қарорга мувофиқ жамғарма ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар жамғарманинг бошқарув кенгаши томонидан тасдиқланган дастур асосида амалга оширилиши белгиланган *(ПҚ-343-сон қарорнинг 10-иловаси билан жамғарманинг бошқарув кенгаши таркиби тасдиқланган)*.

Бугунги кунда, жамғарма томонидан харажатларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 25 мартдаги “Атмосфера ҳавоси сифатини яхшилашга қаратилган “Тоза ҳаво” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ–46-сон ва “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ–47-сон Фармонлари ҳамда “Эко-маданият” умуммиллий лойиҳаси доирасида экологик таълим, илм-фан ва тарғиботни жадаллаштиришга оид комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ–110-сон қарори тасдиқланди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 25 мартдаги тегишли фармойишига мувофиқ 2026 йилда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга ошириладиган манзилли кўкаламзорлаштириш инвестиция дастури тасдиқланди.

Мазкур Фармон ва қарорларда белгилаб берилган устувор йўналишлар ҳамда амалга оширилиши белгиланган чора-тадбирлар инобатга олинган ҳолда 2026 йилнинг март ойи охирида 2026 йилда жамғарма ҳисобидан экология соҳасидаги умуммиллий лойиҳалар, экологик муаммоларни бартараф этиш мақсадида ўтказиладиган тадқиқотлар ва амалга ошириладиган лойиҳалар **дастури тасдиқланди**.

Бугунги кунда тасдиқланган Дастур асосида экология соҳасидаги умуммиллий лойиҳалар бўйича ишларни амалга ошириш юзасидан маблағлар жорий йилнинг 2-чорагидан бошлаб босқичма-босқич молиялаштирилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳисобот даврида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари **245,3 трлн сўмни** ва харажатлари **240,4 трлн сўмни** ташкил этиб, натижада Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари **4,9 трлн сўм** профицит билан ижро этилди.

XII. Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари

I. Давлат органлари ва ташкилотларида ички назорат тизими ва ички аудит фаолиятини услубий ривожлантириш юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилди.

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 13 мартдаги 100-сонли қарори билан **“Давлат органлари ва ташкилотларида ички аудит фаолиятини рақамлаштириш концепцияси”** тасдиқланди.

Концепцияда қуйидагилар назарда тутилди:

давлат ички аудити тизимини рақамлаштиришдаги тизимли муаммоларни бартараф этишда ягона ва яхлит марказлашган рақамли экотизимни жорий этиш;

хорижий мамлакатларда ички аудит тизимини рақамлаштиришнинг умумий тенденцияси ва асосий хулосалар;

давлат ички аудити тизимига рақамли технологияларни жорий этиш, мувофиқлаштириш ҳамда баҳолаш жараёнларини рақамлаштириш, шунингдек малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириб боришга оид устувор йўналишлар;

концепцияни амалга ошириш асосида ички аудит фаолиятини рақамлаштиришдан кутилаётган натижалар.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 28 апрелдаги 209-сонли қарори билан **Давлат органлари ва ташкилотлари ички аудит хизматларининг ходимлари малакасини сертификатлаш ва уларни узлуксиз касбий ривожлантириш тартиби тўғрисида низом** тасдиқланди.

Низомда қуйидагилар назарда тутилди:

давлат органлари ва ташкилотларида ички аудит хизматларининг ходимлари малакасини сертификатлаш тизимини такомиллаштириш;

ички аудит хизматлари ходимлари малакасини икки босқичда баҳолаш тизимини жорий этиш;

сертификатга эга бўлган шахсларнинг билим ва малакасини доимий ривожлантиришга қаратилган узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий этиш;

малака имтиҳонига анъанавий ва масофавий тарздаги тайёрлов курсларини ташкил этиш;

малака имтиҳонларида фойдаланиладиган тест топшириқлари йўналишларини белгилаш.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 апрелдаги 210-сонли “2025-2030 йилларда давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг **“Давлат ички назорати ва ички аудити тўғрисидаги” Қонуни** лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳаси белгиланган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 16 июлдаги 446-сонли қарорига мувофиқ “**Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ички назорат тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги** Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қарор лойиҳаси белгиланган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

II. Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш ва малакасини ошириш.

1. Ўзбекистон Аудиторлар палатаси билан биргаликда ички аудит миллий малака сертификатини олишга талабгорлар учун ҳар ой малака имтиҳонлари ташкил этилди. Шунингдек, имтиҳон комиссияси ва апелляция комиссияси таркибида **бошқарма ходимлари комиссия аъзолари сифатида иштирок этди**.

***Маълумот учун**. 2026 йилнинг I ярим йиллиги давомида **121 нафар** шахслар ички аудит миллий малака сертификатига эга бўлди. Бугунги кунга қадар **1091 нафар** шахслар ички аудит миллий малака сертификатига эга бўлишган.*

Шунингдек, белгиланган тартибда **малака ошириш курсини ўтамаган** ички аудит миллий малака сертификати эгалари **сертификатларининг амал қилиш муддати тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар** Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг **сертификатлар реестрида** акс эттирилиб борилмоқда.

***Маълумот учун**. 2026 йилнинг I ярим йиллигида **82 нафар** сертификат эгаларининг сертификатлари амал қилиш муддати тугатилди.*

2. Ички аудит тузилмаларини малакали ходимлар билан таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида хавфларни бошқариш жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўқув марказида бошқарма ходимлари иштирокида малака ошириш курслари ташкил этилди.

Мазкур малака ошириш курсларида ҳисобот даврида **17 та** давлат органлари ва ташкилотларининг **25 нафар** ички аудит ходимлари, **6 нафар**

Давлат молиявий назорати инспекцияси ходимлари ҳамда **21 нафар** миллий малака сертификатига эга бошқа шахсларнинг малакаси оширилди.

3. Давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит хизматлари ходимларига ички аудит фаолиятини ташкил этишнинг илғор хорижий тажрибаларини етказиш, шунингдек, ходимларни сертификатлаш ва узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштиришга бағишланган **9 та** семинар ва тренинглар ўтказилди.

Жумладан, ички аудит малака имтиҳонларига талабгорларни тайёрлаш ҳамда сертификат эгаларининг малакасини узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнлари учун **тренерлар (экспертлар) тайёрлаш ва саралаб олиш мақсадида**, ички аудит хизматларининг етарли билим ва тажрибага эга ходимлари, олий таълим муассасаларининг аудит йўналиши бўйича профессор-ўқитувчиларига **хорижий эксперт иштирокида тренинглар ўтказилди**.

Шунингдек, **халқаро эксперт иштирокида** давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари ҳамда ходимлари учун **Давлат органлари ва ташкилотларида ички назорат тизимини жорий этиш масалаларига** бағишланган амалий семинарлар ўтказилди.

III. Ички аудит тузилмалари фаолиятини баҳолаш натижалари.

Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 377-сонли қарори талаблари асосида амалга оширилди.

2026 йилда **7 турдаги** хавф омилларининг таҳлили асосида танлаб олинган **15 та** давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит хизматларида (жами ички аудит хизматлари мавжуд бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг **24 фоизи**) **баҳолаш ўтказилиши режалаштирилган** бўлиб, шундан, жорий йилнинг I ярим йиллигида **6 та** давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит хизматлари фаолияти баҳоланди**.**

Баҳолаш натижасига кўра, Ташқи ишлар вазирлиги (73,7%), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (76,9%), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (78,3%), Чиқиндиларни бошқариш агентлиги (73,7%) ва Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (75,3%) ички аудит хизматларининг сифат даражаси **«ўрта»** ҳамда **Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги** (57,6%) ички аудит хизмати фаолиятининг сифат даражаси **«паст»** даражада баҳоланди.

Баҳолаш натижаси асосида, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан **вазирлик бўйича чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилиб**, **унинг биринчи раҳбарлари томонидан тасдиқланди**.

Шунингдек, баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, ички аудитга оид қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ҳамда баҳолаш амалиётидан келиб чиқиб, Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда **намунавий саволномага ўзгартириш ва қўшимчалар** киритилди.

Бунда баҳолашда ички аудит хизмати фаолияти тўғрисида батафсил маълумот олиш ҳамда **аудит объектларининг фикр ва мулоҳазаларини аниқлаш мақсадида** ички аудит тадбирлари ўтказилган объектларда уларнинг раҳбарияти ҳамда молия-иқтисод ва бухгалтерия тузилмалари ходимлари иштирокида **сўровнома ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.**

IV. Давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит хизмати ходимларининг фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг рейтинги.

“Давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит хизмати ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом”га (Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 12 декабрда 3583-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари ички аудит хизмати ходимларининг 2026 йил II чорак фаолияти самарадорлиги рейтинги тузилди ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинди *(https://imv.uz)*.

Ички аудит хизмати ходимларининг 2026 йил II чорак фаолияти самарадорлиги рейтинги натижаларига кўра, давлат органлари ва ташкилотларининг 242 нафар ички аудит хизмати ходимларидан 156 нафари (64 фоизи) “аъло”, 57 нафари (24 фоизи) “яхши”, 18 нафари (7 фоизи) “қониқарли” ҳамда 11 нафари (5 фоизи) “қониқарсиз” деб баҳоланди.

Маълумот учун, *Ички аудит хизмати ходимларининг фаолияти самарадорлиги (KPI) амалдаги норматив ҳужжатга асосан олди олинган молиявий хато ва камчиликлар(1), масофавий аудит натижалари(2), йиллик режанинг бажарилиши(3) ҳамда таклифларнинг ижро этилиши(4) кўрсаткичлари натижалари асосида 56 фоизгача – “қониқарсиз”, 56 фоиздан 71 фоизгача – “қониқарли”, 71 фоиздан 86 фоизгача – “яхши”, 86 фоиздан юқори – “аъло” баҳоланади.*

V. Давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит хизматлари фаолияти натижалари.

1. 2026 йилнинг I ярим йиллигида жами **64 та** жумладан, **17 та вазирлик**, **9 та қўмита**, **16 та агентлик, 13 та ҳокимлик** ва **9 та бошқа ташкилотларда** ички аудит хизматлари фаолият олиб борди. Улар фаолиятининг натижалари сифатида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтиш мумкин:


- ҳисобот даврида ўтказилган аудит тадбирлари натижасида жами **855,6 млрд сўм миқдоридаги маблағлар мақбуллаштирилди, 235,1 млрд сўм миқдоридаги ноқонуний харажатларнинг олди олинди;**

- бюджет ҳисоби ва ҳисоботлари юритилишига кўмаклашиш натижасида **552,4 млрд сўмлик бухгалтерия ҳисобидаги услубий хатоликлар** бартараф этилди;


- ҳисобот даврида ички аудит хизматлари томонидан ишлаб чиқилган **2 456 та таклиф ва тавсияларнинг ижроси таъминланди**;

- ҳисобот даврида ички аудит хизматлари томонидан уларнинг 2026 йил I ярим йиллик режаларига киритилган **546 та** ички аудит тадбирларининг **509 таси** ёки **93 фоизи** ўтказилди.


53-диаграмма. Ички аудит хизматлари томонидан амалга оширилган профилактика тадбирлари натижалари, *млрд сўм*



54-диаграмма. Ички аудит хизматлари томонидан берилган таклиф ва тавсияларнинг бажарилиши, *млрд сўм*



55-диаграмма. Ички аудит хизматлари томонидан йиллик режасининг бажарилиши



Ички аудит хизматларининг фаолияти натижалари бўйича чораклик ҳисоботлар жамланиб, таҳлил қилинган ҳолда уларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйилиши ва такомиллаштирилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилиб борилмоқда.

VI. Ички аудит тузилмалари фаолияти очиқлигини таъминлаш ҳамда масофавий аудитни янада ривожлантириш.

1. Давлат органлари ва ташкилотлари ички аудит тузилмалари фаолияти натижаларини очиқлигини таъминлаш мақсадида, Иқтисодиёт ва молия

вазирлигининг расмий веб-сайтида очилган “давлат ички аудити” махсус саҳифасига қуйидаги маълумотлар жойлаштирилиб (янгиланиб) борилмоқда:

- давлат ички аудити соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари;
- ички аудит миллий малака сертификатлари реестри;
- ички аудит хизмати ходимлар фаолияти самарадорлигининг рейтинги;
- малака оширишга оид маълумотлар;
- ички аудит тузилмалари фаолиятини баҳолаш;
- халқаро ҳамкорлик, семинар ва тренинглар.

VII. Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

1. Халқаро эксперт Андра Ларин билан ҳамкорликда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув марказида давлат органлари ва ташкилотларининг ички аудит хизмати ходимларига:

халқаро стандартлар асосида ички аудит хизматлари ходимларини сертификатлаш ва узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш;

ички аудит амалиёти, хавфга асосланган аудит, ички аудит ҳужжатлари ва сифатни таъминлаш **мавзуларида тренинг машғулотлари ўтказилди.**

Шунингдек, **Халқаро эксперт А.Ларин билан ҳамкорликда:**

ички аудит малака имтиҳонларига талабгорларни тайёрлаш ҳамда сертификат эгаларининг малакасини узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнлари учун **тренерлар (экспертлар) тайёрлаш ва саралаб олиш мақсадида**, ички аудит хизматларининг етарли билим ва тажрибага эга ходимлари, олий таълим муассасаларининг аудит йўналиши бўйича профессор-ўқитувчиларига **тренинглар;**

Маълумот учун, *мазкур ўтказилган тренинг машғулотлари якунида* ***90 га яқин иштирокчига*** *тренинглардаги иштироки бўйича сертификатлар тақдим этилди.*

давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари ҳамда ходимлари учун **Давлат органлари ва ташкилотларида ички назорат тизимини жорий этиш масалаларига** бағишланган **амалий семинарлар ўтказилди.**

Шу билан бирга, мамлакатимизда ички аудит ва ички назорат тизимини янада такомиллаштириш бўйича PEMPAL ҳамжамияти билан доимий равишда ҳамкорлик қилиб келинмоқда ҳамда мазкур соҳага оид ташкил этилган халқаро семинарларда иштирок этиб келинмоқда.

XIII. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар

Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 25 декабрдаги “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-1105-сонли Қонунида белгиланган бюджет параметрлари доирасида Давлат бюджетида кўзда тутилган харажатлар ва даромадларнинг касса ижроси Ғазначилик хизмати қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда – Ғазначилик органлари) томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ ўз вақтида амалга ошириб келинмоқда.

Ҳисобот даврида Ғазначилик органлари томонидан жами **12 мингдан** зиёд бюджет ташкилотларига хизмат кўрсатилиб, улар томонидан тақдим этилган юридик ва молиявий мажбуриятлар амалдаги қонунчилик талаблари доирасида рўйхатга олиниши таъминланди *(марказлашган бухгалтерия ташкилотлари 1 та ташкилот сифатида олинган)*.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида бюджет тизими бюджетларининг умумий қиймати **593,7 трлн сўмлик 11,8 млн**дан ортиқ тўлов ҳужжатлари амалга оширилган. Шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан **205,6 трлн сўм**лик **2,9 млн** дан зиёд, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан **259,9 трлн сўм**лик қарийб **6,8 млн та** ҳамда Давлат мақсадли ва бошқа мақсадли жамғармалар ҳисобидан **128,2 трлн сўм**лик **2,1 млн** дан ортиқ тўлов ҳужжатлари тўланиши таъминланган.

Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини биринчи ярмини (аванс) ҳар ойнинг 20 санасидан кечиктирмасдан ҳамда ойлик иш ҳақининг иккинчи ярмини ҳар ойнинг биринчи беш иш кунида тўлиқ молиялаштириб келинмоқда.




Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5252-сонли қарорига асосан чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга оширган ва харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган **жисмоний шахсларга харид суммасининг 1 фоиз (Cashback)** учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **1,5 трлн сўм** маблағ

белгиланган муддатларда жисмоний шахсларга қайтариб бериш бўйича очилган банк ҳисобрақамига ўтказиб берилди.

Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг тақсимланиши тўғрисида


Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижросини таъминлаш учун Ҳукумат қарорларида белгиланган миқдорда солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, маъмурий жарималар ва молиявий санкцияларни ундирилиши натижасида Ягона ғазна ҳисобварағига келиб тушган маблағлар ундирувчи органларнинг ривожлантириш жамғармасига ҳамда Давлат бюджети даромади ўртасида тақсимланиш чоралари кўрилиб, натижада мажбурий тўловлар, маъмурий жарималар ва молиявий санкциялар тўловчилардан **18,8 трлн сўм** маблағ ундирилган бўлиб, шундан **6,8 трлн сўми** давлат бюджетига қолган **12 трлн сўм** **жамғармалар ҳамда** маблағ **ундирувчи органларининг бюджетдан ташқари жамғармаларга** йўналтирилди.

56-диаграмма. Мажбурий тўловлар, маъмурий жарималар ва молиявий санкциялар тўловчилардан ундирилган маблағлар, *трлн сўм*



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 апрелдаги ПҚ-208-сонли ва 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-471-сонли қарорларига асосан солиқлар, мажбурий йиғимлар, божлар ва жарималар ҳисобидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушган маблағларнинг ҳамда мазкур жамғармаларнинг бўш турган маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинган даромадларидан ҳисобот даврида **40 фоиз жами 1 906,5 млрд сўм** маблағ **Республика бюджети даромади**га ундириб олишга эришилди.

57-диаграмма. ПҚ-471-сонли қарорларига асосан тижорат банкларига жойлаштиришдан олинган даромадларидан ҳисобот даврида 40 фоиз Республика бюджети даромадига ундириб олиш, *млрд сўм*



Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағларни самарали бошқариш тўғрисида

Бюджет ташкилотлари ва давлат мақсадли жамғармаларнинг бўш турган маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида, тижорат банкларига вақтинча бўш турган маблағларни депозитга жойлаштириш учун тақдим этилган буюртманомаларига асосан **бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари вақтинча бўш турган маблағлари ҳисобидан** ўтказилган электрон аукцион натижаларига кўра депозит ставкаси ўртача **14,6 фоиз**дан **7 508,6 млрд сўм тижорат банкларига** муддати 1 ойдан 1 йилгача бўлган муддатли **депозитлар**га жойлаштирилиб, бюджет ташкилотлари қўшимча **793,4 млрд сўм** даромад олишига эришилди.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида **Ягона ғазна ҳисобварағида вақтинча бўш турган маблағлар ҳисобидан** депозит ставкаси ўртача **14,8 фоиздан 9 975 млрд сўм** тижорат банклари депозитларига жойлаштирилиши ҳисобидан **430 млрд сўм** даромад олинди ва белгиланган тартибда тегишли норматив ҳужжатларга мувофиқ бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимланди.

Бюджетдан ташқари **Пенсия жамғармасининг вақтинча бўш турган маблағлари ҳисобидан** ўтказилган электрон аукцион натижаларига кўра депозит ставкаси ўртача **14,2 фоиз**дан **3 340 млрд сўм** тижорат банклари депозитларига жойлаштирилиб, бунинг натижасида пенсия жамғармаси томонидан қўшимча **32,7 млрд сўм** даромад олинди (*депозитлар қисқа муддатли бўлиб 4 кундан 30 кунгача жойлаштирилган*).

58-диаграмма. 2026 йил биринчи ярим йиллигида вақтинча бўш турган маблағларни депозитга жойлаштириш бўйича, *млрд сўм*




Бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги маблағлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида Халқаро молия институтларидан келиб тушган **62,5 млн АҚШ доллари** *(770 млрд сўм)* ҳамда Ҳалқаро суверен облигациялардан **961,9 млн АҚШ доллари** *(11 677,1 млрд сўм)* маблағлари давлат бюджети харажатларини молиялаштириш учун йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 сентябрдаги 573-сонли қарорига мувофиқ, ҳисобот даврида Ғазначилик хизмати қўмитаси ҳузуридаги Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича Кафолат жамғармасига **527,4 млрд сўм** даромад келиб тушган бўлса, жамғарма маблағ ҳисобидан **458,7 млрд сўм** харажатлар амалга оширилган.

59-диаграмма. Кафолат жамғармаси даромад ва харажатлари, *млрд сўм*



Ғазначилик фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги ПФ-100-сонли Фармон ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Ғазначилик хизмати қўмитаси ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш, масофавий молиявий назоратни кучайтириш бўйича "Масофавий аудит" автоматлаштирилган ахборот тизимини ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг дастурий таъминоти билан ахборот алмашинувини йўлга қўйилиши юзасидан қўшма қарор тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 11 июндаги "Давлат органлари ва ташкилотлари ходимларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси делегацияларини чет давлатларга хизмат сафарига юбориш ҳамда хизмат сафари харажатларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 303-сон қарори тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг 2026 йил 13 майдаги 365-сон "Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 26 майда 2772-4 рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Халқаро молия институтлари лойиҳаларининг ғазначилик орқали хизмат кўрсатиш доирасида **Жаҳон банкининг 3 та лойиҳаси** синов тарзида ғазначилик билан қамраб олинди.



Ғазначилик хизмати қўмитасининг 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида халқаро ташкилотлар ва давлатлар билан ҳамкорликда амалга оширган ишлари тўғрисида.

1. Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) билан ҳамкорлик

2026 йил 26–30 январь кунлари ХВЖ экспертлари иштирокида **нобозор давлат иштирокидаги корхоналарни Ягона ғазна ҳисобварағи билан қамраб олиш** масалалари муҳокама қилинди. Учрашувларда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк, Миллий статистика қўмитаси ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги мутахассислари иштирок этди.

Муҳокамаларда мазкур корхоналарни босқичма-босқич Ягона ғазна ҳисобварағига жалб этишнинг ҳуқуқий, институционал ва амалий жиҳатлари кўриб чиқилди. ХВЖ томонидан корхоналарни бозор ва нобозор секторларга

ажратиш, ахборот тизимларини мослаштириш ҳамда ликвидлик ва операцион фаолиятга таъсирини баҳолаш бўйича тавсиялар берилди.

Шунингдек, **2026 йил 12 май куни** Жаҳон банки ва ХВЖ миссияси вакиллари билан **давлат молиясини бошқариш тизимини модернизация қилиш, ликвидликни бошқариш ва Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағлардан самарали фойдаланиш** масалалари муҳокама қилинди. Томонлар ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олдилар.

2. Корея Республикаси билан ҳамкорлик

2026 йил 6–9 апрель кунлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ғазначилик хизмати қўмитаси ва “Ахборот технологиялари маркази” ДУК вакиллари **Корея Фискал ахборот хизмати (КФИС) томонидан ташкил этилган семинарда** иштирок этди. Учрашувларда **давлат молиясини рақамлаштириш, бюджет жараёнларини автоматлаштириш, сунъий интеллект ва маълумотлар таҳлилини жорий этиш** масалалари муҳокама қилинди.

Ташриф натижасида Ғазначилик хизмати қўмитаси ва КФИС ўртасида **ҳамкорлик меморандуми** имзоланди.

Шунингдек, **2026 йил май ойида Корея Фискал ахборот хизмати президенти – Юн Сок Хо** бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи ташкил этилди. Мазкур ташриф давомида Кореянинг dBrain + тажрибасини миллий тизимларга мослаштириш масалалар муҳокама этилди ва юқори малакали экспертларни жалб этиш бўйича келишувларга эришилди.

3. Жаҳон банки билан ҳамкорлик

2026 йил 17–24 июнь кунлари Жаҳон банки миссияси Ўзбекистонда бўлиб, давлат **пул маблағларини бошқариш, ликвидликни прогнозлаш, вақтинча бўш маблағлардан фойдаланиш ва давлат қарзи инструментлари билан мувофиқлаштириш** масалаларини муҳокама қилди. Миссия якунида институционал ва таҳлилий салоҳиятни кучайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Ғазначиликда рақамлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар

Биринчи даражали тўловлар жумладан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, коммунал тўловлар **“яшил йўлак”** орқали инсон омилисиз **3 288 140 та 112,5 трлн сўмлик** тўлов топшириқномалар *(жамига нисбатан 78%)* автоматлаштирилган ҳолда амалга оширилди.



Шу билан бирга, қолган тўловларни ҳам босқичма-босқич инсон омилисиз амалга ошириш бўйича тегишли амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Марказий банк ва Ғазначилик хизмати қўмитаси билан биргаликда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни нақд пул шаклида олиш (чек расмийлаштириш орқали) жараёнини рақамлаштириш бўйича ишлаб чиқилган техник талабга асосан дастурий таъминотлар жараёни интеграция қилинди.

2026 йилнинг январ ойидан бошлаб бюджет ташкилотларининг **124 974 та 3 271,2 млрд сўм**лик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини нақд пул шаклида олиш жараёнлари **электрон чек расмийлаштириш орқали** амалга ошириладиган бўлди.

Бюджет ташкилотларининг чет эл валютасидаги операциялари амалга ошириш мақсадида **«SWIFT»** *(Ахборот узатиш ва тўловларни амалга оширишнинг халқаро банклараро тизими)* тизимига уланди.

Буюртмачилар шартномаларини кўриб чиқиш, текшириш ва рўйхатдан ўтказиш юзасидан **Treasury monitoring (tmp.imv.uz)** портали ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди**.**

Жаҳон банки кўмагида жалб этилган хорижий консультант (“Civitta CA” MCHJ) билан ҳамкорликда Ғазначилик хизмати қўмитаси тизимида босқичма-босқич интерактив автоматлаштирилган дашбордларни ишлаб чиқилмоқда, шу билан бирга, ғазначилик операцияларини амалга оширишда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш юзасидан имкониятлар ўрганилди ҳамда техник топшириқнома ишлаб чиқилди. Бугунги кунда ушбу ишлаб чиқилган техник топшириқнома бўйича тегишли экспертиза хулосаларини олиш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, бюджет буюртмачилари учун давлат харидлари бўйича саволларга тезкор ва аниқ жавоб бериш мақсадида сунъий интеллектга асосланган “Treasury AI” чатботи ишлаб чиқилди ҳамда «УзАСБО» дастурий таъминотига жорий қилинди. Мазкур чатбот орқали жорий йилнинг апрель ойидан буён «УзАСБО» дастурий мажмуаси фойдаланувчилари томонидан 14 000 дан ортиқ саволларга қисқа муддатда, яъни ҳар бир савол учун ўртача 5,5 секундда тегишли жавоблар олинди.

Шу билан биргаликда, «Рақамли ғазна» тизимини жорий этиш ҳамда ғазначилик тизимидаги жараёнларни автоматлаштириш мақсадида вазирлик ва идораларнинг дастурий таъминотлари билан интеграция қилиш ишлари жадаллаштирилди. Жумладан, ижро ҳужжатларининг ижросини тезкорлик ва аниқлик билан амалга ошириш мақсадида Мажбурий ижро бюросининг

электрон тизимини «УзАСБО» ва «ДМБАТ» дастурий мажмуалари билан интеграция қилиш жараёнлари бошланди.

Дастурий мажмуаларда аниқланган рискларни келгусида олдини олиш бўйича қуйидагилар амалга оширилди:



1. «ДМБАТ-2» ДМда барча давлат харидлари электрон тизимлари орқали кичик қийматли харидларни соддалаштирилган тартибда тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш жараёнида «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуннинг 51^1 - моддасида белгиланган меъёрлардан ошиш ҳолатларини автоматик равишда чекловчи механизм жорий этилди.

2. Солиқ роуминг операторида **ҳисобга олиниши лозим бўлган, бироқ ҳисобга олинмаган** ҳисобварақ-фактуралар **«ДМБАТ» ДМга инсон омили билан киритилиб,** рўйхатдан ўтказилиши ҳолатларини олдини олиш мақсадида «ДМБАТ» ДМда мазкур турдаги операцияларни тасдиқлаш ваколати қатъий назоратга олинди.

3. Давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ягона миллий классификатори ҳамда Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги кодларини озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари кесимида бир хил товар турлари бўйича «ДМБАТ» ДМда ўзаро мувофиқлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

4. Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харид қилиш учун энг яхши таклифни танлаш харид тури орқали икки кунлик муҳокамадан сўнг тузилиши ўрнига муҳокама санасидан олдинги сана билан шартномаларни тузиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида инсон омилисиз автоматик равишда тузилмаслик чораларини кўриш функцияси жорий қилинди.

XIV. Давлат-хусусий шериклик, халқаро рейтинг ва индекслар ҳамда бошқа кўрсаткичлар ва Давлат ташқи ва ички қарзи таҳлили

Давлат-хусусий шериклик (кейинги ўринларда – ДХШ) соҳасида республика бўйича 2026 йил биринчи ярим йилликда қуйидаги ишлар амалга оширилди.

I. ДХШ лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва таҳлил қилиш бўйича

Умумий қиймати **3,6 млрд доллар** миқдоридаги **110 та** лойиҳалар бўйича битимлар имзоланди.

Жумладан, транспорт соҳасида **2 та** лойиҳада **2,9 млрд доллар**, энергетика соҳасидаги **1 та** лойиҳада **357,0 млн доллар**, соғлиқни сақлаш соҳасидаги **5 та** лойиҳада **292,8 млн доллар,** таълим соҳасидаги **58 та** лойиҳада **54,5 млн доллар** ҳамда бошқа соҳалардаги **44 та** лойиҳада **39,5 млн доллар**ни ташкил этади.

II. ДХШ асосида амалга ошириладиган йирик лойиҳалар Дастури ижроси

Жумладан:

– **Урганч халқаро аэропорти**ни модернизация қилиш ва бошқарувга бериш лойиҳаси *(134 млн долл.)* бўйича Жанубий Кореянинг “ICN-Urganch Airport Services LLC FC” компанияси билан имзоланган ДХШ битими ДХШ лойиҳалари реестрига киритилди;

– **Янги Тошкент халқаро аэропорти**ни қуриш лойиҳасини амалга ошириш бўйича Саудия Арабистонининг “Vision Invest”, Япониянинг “Sojitz” ва Кореянинг “Incheon” компаниялари билан ДХШ битими имзоланди;

– Самарқанд вилоятида қиймати **357 млн долл** бўлган **электр энергиясини тақсимлаш тармоқлари**ни модернизация қилиш ва бошқарувга бериш бўйича Туркиянинг **“AKSA Elektrik Perakende Satış A.Ş.”** компанияси билан пилот лойиҳани амалга ошириш юзасидан битим имзоланди;

– Фарғона вилоятида **800 ўринли замонавий кўп тармоқли шифохона** ташкил этиш бўйича қиймати **291 млн долл** бўлган лойиҳани амалга ошириш бўйича **“Vision International Investment Company”, “Koc Construction Mekanik Elektrik FE LLC”** компаниялари билан битим имзоланди;

– Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида **13 та умумтаълим мактабини** қуриш ва жиҳозлаш *(97 млн долл)* лойиҳаси тендер босқичлари якунланди *(тендер таклифларини баҳолаш ишлари олиб борилмоқда)*;

– Тошкент шаҳрида олий таълим муассасалари учун 10 минг ўрингача бўлган **талабалар турар жойларини** қуриш лойиҳаси *(99,6 млн долл)* ҳамда Халқаро молия корпорацияси кўмагида Андижон ва Самарқанд вилоятларида **12 та умумтаълим мактабини** қуриш ва жиҳозлаш лойиҳаси *(94,7 млн долл)* бўйича тендер жараёнлари олиб борилмоқда;

– **Тошкент-Андижон пуллик автомобиль йўли**ни қуриш лойиҳасида тендер жараёнлари давом этмоқда;

– Нукус шаҳридаги **РК-1 когенерацияси технологиялари**ни жорий қилган ҳолда модернизация қилиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб киритилди.

– Осиё тараққиёт банки кўмагида Бухоро вилоятида **иссиқлик таъминоти тизими**ни модернизация қилиш ва хусусий бошқарувга бериш лойиҳаси юзасидан лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва давлат шериги ҳамда ваколатли давлат органи томонидан кўриб чиқилмоқда. Жорий йил якунига қадар тендер эълон қилиш режалаштирилган.

III. ДХШ лойиҳалари ҳисоботини юритиш, мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш бўйича

Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 26 январдаги 3/1-2862-сонли топшириғида ДХШ лойиҳаларининг ҳисоботлари ДХШ лойиҳаларининг электрон платформаси *(https://ppp.imv.uz)* орқали киритилиши белгиланди.

Топшириққа мувофиқ, хусусий шериклар ва давлат шериклари томонидан **жами 2 597 та** лойиҳаларнинг ҳисоботлари Платформа орқали шакллантирилди;

Ўзбекистон Республикасининг ДХШ тўғрисидаги ЎРҚ-537-сонли Қонуни ижроси юзасидан 2026 йил биринчи ярим йиллик давомида **жами 268 та** шундан, Тошкент шаҳрида **188 та**, Самарқанд вилоятида **49 та** ҳамда Сурхондарё вилоятида **31 та** ДХШ лойиҳаларининг натижадорлиги ва бориши юзасидан мониторинг тадбирлари ўтказилди.

Аниқланган камчиликлар асослантирилган ҳолда уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

IV. ДХШ лойиҳаларини амалга оширишни рақамлаштириш

ДХШ лойиҳаларини амалга оширишнинг барча босқичларини рақамлаштириш, ягона реестрини юритиш ва уларнинг мониторингини тизимли ташкил этиш мақсадида **“ДХШ лойиҳаларининг электрон платформаси”** ни *(Платформа)*ни амалиётга тўлиқ жорий этиш мақсадида

давлат шериклари ҳамда хусусий шериклар билан тест синов жараёнлари ўтказилди, бунда:

– **27 та** лойиҳада **лойиҳа концепциялари** Платформа орқали киритилди, кўриб чиқиш натижаларига кўра **3 таси** белгиланган тартибда **эълонга жойлаштирилди** ҳамда қолган **24 та**сини **маромига етказиш учун ишлар олиб борилмоқда**;

– ташқи манбалар асосида “onsite” мониторинг ўтказилиб, хусусий шерикнинг фаолияти тугатилган ёки фаолият кўрсатмаётган ҳолатдаги **71 та** лойиҳа бўйича давлат шериклари билан ишлар олиб борилди.

*Маълумот учун, Платформа Рақамли технологиялар вазирлигининг идоралараро интеграциялашув платформаси (IIP) орқали солиқ, мулк, энергетика, суд ва бошқа **21 турдаги сервислар** билан реал вақт режимида автоматик ахборот алмашинуви таъминланади.*

V. ДХШ соҳасидаги ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича

Соҳага халқаро стандартларни татбиқ этиш, жозибадорликни ошириш, инвесторларни кенг жалб этиш ва шаффофликни ошириш орқали инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ижтимоий соҳа объектларига давлат-хусусий шериклик асосида етказиб бериладиган иссиқлик энергияси учун Давлат бюджетидан маблағлар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида соҳага масъул бўлган мутахассислар учун институтционал салоҳиятни оширишга қаратилган семинар-тренинглар доимий ташкил қилинмоқда.

Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича 2026 йилнинг биринчи ярим йиллик якунлари бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот

Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан,

1. Жорий йилнинг 29 февраль куни Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Мазкур йиғилиш якунлари бўйича республика кенгашининг 17-сонли баённомаси билан:

а) Ўзбекистон Республикасининг **ижтимоий-иқтисодий** ҳамда **сиёсий-ҳуқуқий соҳага оид** устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича 2026 йилга мўлжалланган амалий **чора-тадбирлар дастурлари**;

б) илмий ташкилотларнинг илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш бўйича **йиллик режалари** тасдиқланди.

2. Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари бўйича қўмитасининг 2026 йил **3 апрель** кунги йиғилишида мамлакатимизнинг устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни яхшиланиши тўғрисидаги миллий маъруза муҳокама қилинди.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг **ижтимоий-иқтисодий соҳага оид** устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича 2026 йилга мўлжалланган амалий чора-тадбирлар дастурининг **биринчи ярим йиллиги ижроси** мувофиқлаштирилди ва Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашига киритилди.

4. Жорий йилнинг **10 июль** куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида мамлакатимизнинг 2025 йилда устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни яхшиланиши тўғрисидаги миллий маъруза муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий-иқтисодий соҳадаги халқаро рейтинг ва индексларда қуйидаги ўзгаришлар юз берди:

– Жорий йилнинг март ойида “Мерос” жамғармаси (Heritage Foundation) томонидан **Иқтисодий эркинлик индексини** ҳисоботи эълон қилиниб, мамлакатимиз ушбу индексда **184 та** мамлакатлар ўртасида **60,3 балл (+2,3 балл**) билан **86 ўринни** эгаллади ва 2025 йилга нисбатан дунё рейтингида **14 поғонага** юқорилади.

– Мамлакатимиз иқтисодий эркинлик даражаси бўйича жаҳон (**59,9 балл**) ҳамда минтақавий (**58,6 балл**) ўртача кўрсаткичдан юқори бўлиб, **биринчи марта “ўртача эркин” (“moderately free”)** давлатлар қаторига кирди.

Республикада амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар ҳамда халқаро рейтинг агентликлари билан олиб борилган тизимли ишлар натижасида Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтинги бўйича ижобий натижаларга эришилди. Хусусан:

– 2026 йил 22 майда “S&P” рейтинг агентлиги Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтингини “BB” (барқарор кутилма) даражасида тасдиқлади;

– 2026 йил 3 июнда «Fitch» рейтинг агентлиги республика суверен кредит рейтингини «BB» даражасида тасдиқлаб, унинг кутилмасини “Барқарор”дан **“Ижобий”га оширди**;

2026 йил 25 июнда “Moody‘s” рейтинг агентлиги эса республика рейтингини **бир поғонага юқорига** “Ba3”дан **“Ba2”га** оширди ҳамда рейтинг кутилмасини «Барқарор» даражада тасдиқлади.

Жаҳон банкининг 2026 йилги янгиланган методологияга асосланган **“Аёллар, бизнес ва қонун” индекси** ҳисоботига кўра, Ўзбекистон Ўзбекистон **43 поғонага** юқорилаб, 82,10 балл билан 190 та давлат орасида **48 - ўринни** эгаллади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг “**Мамлакатларга хос хатарларни таснифлаш тизими” рейтингини** 2026 йил 26 июндаги ҳисоботида Ўзбекистон **5-гуруҳ** мамлакатлари таркибига киритилди (2025 йилга нисбатан ўзгаришсиз).

Давлат ташқи ва ички қарзи таҳлили.

2026 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида Ўзбекистон Республикаси номидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун **1 318,3 млн АҚШ доллари** миқдоридаги ташқи қарз битимлари имзоланди.

Шунингдек, мазкур давр мобайнида **18 986,2 млрд сўм** бўлган давлат ғазначилик облигациялари чиқарилди ҳамда **13 195,4 млрд сўм** миқдоридаги асосий қарз тўловлари қайта молиялаштирилди.

Маълумот учун: 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида чиқарилган ва ички молия бозорида жойлаштирилган давлат ғазначилик облигацияларидан 1 йиллик муддатга – 6 192,0 млрд сўм (33%) ва 3 йиллик – 12 794,2 млрд сўмни (67%), ташкил этди. Бунда, давлат ғазначилик облигацияларини жойлаштириш бўйича жами 78 та аукцион савдолари ўтказилди.

1-илова

2026 йил январь-июнь ойларида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича МАЪЛУМОТ

Т/р	Кўрсаткичлар	2025 йил 6 ойлик	2026 йил 6 ойлик
	Иқтисодий ўсишни талаб омиллари асосидаги прогнозлар		
1	**Ялпи ички маҳсулот** *(ЯИМ)* **, млрд сўм**	**900 694**	**1 072 670**
	ЯИМнинг реал ўсиши, %	*107,2*	*108,5*
	АҚШ доллари эквивалентида, млн долл.	*69 860*	*88 633*
2	**Инфляция,** *ўтган йил якунига нисбатан, %*	**4,2**	**3,3**
3	**Экспорт, млн долл**	**17 401**	**15 862**
	ўсиш суръати, %	*133,1*	*91,2*
	Экспорт ***(махсус экспортсиз)*** **, млн долл**	**10 861**	**14 358**
	ўсиш суръати, %	*123,3*	*132,2*
	Импорт, млн долл	**20 779**	**25 149**
	ўсиш суръати, %	*110,4*	*121,0*
	Ташқи савдо баланси, млн долл	**-3 378**	**-9 287**
4	**Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, млрд сўм**	**281 000**	**338 944**
	АҚШ доллари эквивалентида, млн долл.	*21 795*	*28 006*
	ўсиш суръати, %	*108,5*	*117,5*
	ЯИМга нисбатан, %	*31,2*	*31,6*
	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар, млн долл	**8 527**	**12 396**
	ўсиш суръати, %	*136,9*	*133,4*
	ЯИМга нисбатан, %	*12,2*	*14,0*
	Иқтисодий ўсишнинг таклиф (ишлаб чиқариш) омиллари кесимидаги прогнозлар		
1	**Саноат, млрд сўм**	**529 523**	**637 206**
	ўсиш суръати, %	*106,6*	*108,0*
2	**Бозор хизматлари, млрд сўм**	**539 045**	**664 914**
	ўсиш суръати, %	*113,3*	*116,9*
3	**Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари, млрд сўм**	**231 347**	**270 953**
	ўсиш суръати, %	*104,0*	*104,7*
4	**Қурилиш, млрд сўм**	**159 737**	**192 008**
	ўсиш суръати, %	*110,7*	*113,8*
	МАЪЛУМОТ УЧУН:		
1	**Ўртача доимий аҳоли сони,** *минг киши*	**37 701,4**	**38 378,1**
2	**Статистик ҳисобларда ўртача алмашинув курси,** *сўм/долл*	**12 893**	**12 102**

2-илова

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг 2026 йил 6 ойлик ижроси

млрд сўм

Кўрсаткичлар	Режа	Ижро	Фоизда
Давлат бюджети даромадлари	**163 000,7**	**207 386,0**	**127,2%**
шундан:			
1. Бевосита солиқлар — жами	**52 622,5**	**76 961,2**	**146,3%**
1.1 Фойда солиғи	26 853,0	50 505,1	188,1%
1.2 Махсус рента солиғи	1 275,8	1 567,7	122,9%
1.3 Айланмадан олинадиган солиқ	1 361,4	1 316,4	96,7%
1.4 Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	23 132,3	23 572,0	101,9%
2. Билвосита солиқлар — жами	**57 151,3**	**61 598,8**	**107,8%**
2.1 Қўшилган қиймат солиғи	40 585,3	43 505,6	107,2%
2.2 Акциз солиғи	10 741,0	11 373,5	105,9%
2.3 Божхона божи	5 825,0	6 719,7	115,4%
3. Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи	**21 583,3**	**29 098,0**	**134,8%**
3.1 Мол-мулк солиғи	4 516,8	4 859,1	107,6%
3.2 Ер солиғи	5 427,3	6 267,2	115,5%
3.3 Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	11 213,6	17 389,0	155,1%
3.4 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	425,7	582,6	136,9%
4. Бошқа даромадлар ва солиқсиз тушумлар	**31 643,7**	**39 728,1**	**125,5%**

3-илова

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг
2026 йил 6 ойлик
ИЖРОСИ

млрд сўм

Т/р	Ҳудудлар номи	Режа	Ижро	Фоизда
Жами		**36 069,5**	**40 208,2**	**111,5%**
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1 788,2	1 939,5	108,5%
2	Андижон вилояти	2 511,7	2 683,0	106,8%
3	Бухоро вилояти	2 394,5	2 797,1	116,8%
4	Жиззах вилояти	1 379,4	1 577,5	114,4%
5	Қашқадарё вилояти	2 755,7	3 103,5	112,6%
6	Навоий вилояти	1 891,2	2 129,0	112,6%
7	Наманган вилояти	2 206,1	2 360,3	107,0%
8	Самарқанд вилояти	3 365,9	3 815,8	113,4%
9	Сурхондарё вилояти	1 884,4	2 039,7	108,2%
10	Сирдарё вилояти	1 043,2	1 217,5	116,7%
11	Тошкент вилояти	3 639,8	3 978,3	109,3%
12	Фарғона вилояти	3 210,9	3 648,6	113,6%
13	Хоразм вилояти	1 769,3	2 016,8	114,0%
14	Тошкент шаҳри	6 229,4	6 901,6	110,8%

3а- илова

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг 2026 йил 6 ойлик ижроси

млрд сўм

